

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

ЙӮНАЛИШИ

**«СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ ВА
НАЗОРАТИ»**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тошкент 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил _____ -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ТДИУ доценти Базаров К.Т.
ТДИУ Бабаев Ш.Б

Тақризчилар: Тухлиев Б.К., Ўзбекистон Республикаси солик
академияси, и.ф.н.,
ТДИУ и.ф.н..доц.Х.Курбонов

**Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Кенгашининг 201__ йил _____даги ____ -сонли қарори билан нашрга
тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.	13
III. Назарий материаллар.....	19
IV. Амалий машғулот материаллари	61
V. Кейслар банки	103
VI. Мустақил таълим мавзулари	139
VII. Глоссарий.....	142
VIII. Адабиётлар рўйхати	148

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қароридаги устувор йўналишлар ва вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усусларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” тўғрисдаги ПФ-4947-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида “...таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усусларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш” асосий вазифлардан бири қилиб белгиланган.¹

Дастур доирасида берилаетган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 21 апрел.

уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараённига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлик компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Солиқ маъмурчилиги ва назорати модулининг мақсад ва вазифалари:

- “Солиқлар ва солиққа тортиш” йўналишида педагог кадрларининг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Солиқлар ва солиққа тортиш” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Солиқ маъмурчилиги ва назорати” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- солиқ маъмурчилиги тизимини вужудга келишининг иқтисодий шартшароитларини;
- солиққа тортишнинг умумий ва хуқуқий назарияларини;
- солиқ сиёсатида солиқ маъмурчилигини тутган ўрни ва унинг асосий йўналишлари;
- солиқ муносабатларида солиқ маъмурчилиги субъектлари ва уларнинг функцияларини;

- солиқлар ва бошқа мажбурий түловлар тизимини;
- солиқ маъмурчилигини ташкил қилишни;
- солиқ тизимини самарали ташкил қилишни;
- солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари ва кўрсаткичларини таҳлил қилишни;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмасликни кафолатлашни;
- солиқ назоратини ташкил қилишни;
- солиқларни прогноз қилиш, режалаштириш ва тартибга солишни;
- солиқ тўловчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳақида;
- солиқ ставкаларини табақалаштириш ҳақида;
- солиқ имтиёзлари ҳақида; солиқларни ҳисоблаш усуллари **билиши** керак.

Тингловчи:

- солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, солиқ ҳисоботи турлари ҳамда уларни тақдим этилиш ва солиқ тушумлари ҳисобини юритиш бўйича;
- солиқ юкини аниқлаш ва баҳолаш бўйича;
- солиқ амалиётида солиқ ҳисоб-китобларини тўлдириш бўйича;
- иқтисодиётнинг алоҳида субъектларини солиққа тортиш хусусиятлари бўйича;
- эгри солиқларнинг хусусиятлари бўйича;
- тўғри солиқларнинг хусусиятлари бўйича;
- солиқ тушумларини иқтисодий таҳлил қилиш асослари бўйича;
- солиқ хизмати функциясини бажариш бўйича;
- солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидаги мажбуриятларини таъминлаш бўйича;
- солиқ ҳуқуқий муносабатларини ҳақида тушунча ҳамда уларни таснифлаш каби **кўнимкамаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, солиқ ҳисоботи турлари ҳамда уларни тақдим этилиш ва солиқ тушумлари ҳисобини юритиш бўйича;
- солиқлар ва йиғимларнинг йиғилувчанлигини таъминлаш бўйича;
- солиққа тортиш объектларини аниқлаш бўйича;
- солиққа тортиш механизми бўйича;
- солиқ текширувлари далолатномаларини расмийлаштириш бўйича;
- солиқ бўйича даъволарни қўриб чиқиш бўйича;
- солиқлар воситасида тартибга солишни ташкил этиш бўйича;
- солиққа тортиш бўйича ҳисботларни таҳлил қилиш бўйича;
- солиқ тушумларини таҳлил қилиш бўйича;
- солиқ тушумларини прогнозлаштириш бўйича;
- солиққа тортиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий хужжатларидан етарли фойдаланиш малакаларига эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- давлат солиқ хизмати органларини бошқариш асослари ҳақида;
- солиққа тортишнинг иқтисодий моҳияти ҳақида;
- солиқ тизимини ташкил этиш ҳақида;
- иқтисодиёт субъектларини солиққа тортиш хусусиятлари ҳақида;
- солиққа тортиш субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳақида;
- солиқ амалиёти ҳақида;
- солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари ҳақида;
- солиққа тортиш тамойиллари ҳақида;
- солиқ тизимини такомиллаштириш ҳақида;
- ривожланган мамлакатларда солиққа тортишни ташкил этиш хусусиятлари ҳақида;
- солиқларни режалаштириш ҳақида;
- солиқ менежменти ҳақида;
- Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги асослари ҳақида;
- солиқ тўловчиларни давлат рўйхатидан ўtkазиш тартиби ҳақида;
- солиқ ставкаларини табақалаштириш ҳақида;
- солиқ имтиёzlари ҳақида;
- солиқларни ҳисоблаш усуллари **компетенциясига** эга бўлиши зарур.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Солиқ маъмурчилиги ва назорати” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Макроиктисодий сиёsat ва барқарор иқтисодий ўсиш”, “Солиққа тортишнинг долзарб масалалари” ва “Солиқлар сиёsatининг асосий йўналишлари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умуммутахассислик бўйича тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий эконометрик моделларни тузиш ва қўллашдаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш

ва баҳолаш ҳамда оптимал қарорлар қабул қилиш ва прогнозлашга доир умуммутахассислик компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўкув юкламаси, соат						
		Хаммаси	Аудитория ўкув юкламаси				Мустақил таълим	
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	Солиқ маъмурчилиги тизимини шакллантиришни янада такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари.	8	8	4	4	-	-	
2.	Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар билан ишлар ва назоратини ташкил қилишнинг хусусиятлари	8	10	4	6	-	-	
3.	Солиқ маъмурчилиги ва назоратини амалга оширишда хорижий мамлакатлар тажрибаси	12	6	2	4	-	4	
	Жами:	28	24	10	14	-	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Солиқ маъмурчилиги тизимини шакллантиришни янада такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари. (4 соат)

«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили»да солиқ маъмурчилиги ва назоратини ташкил қилишнинг

устувор вазифалар ва уларни амалга оширишнинг назарий, амалий асослари. Солиқ маъмурчилиги тизимини вужудга келишининг иқтисодий шартшароитлари.

Жамиятнинг иқтисодий тизимида солиқларнинг моҳияти ва роли. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушунчаси.

Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар. Солиқларнинг давлат бюджети даромадларида тутган ўрни. Солиқ маъмурчилиги тушунчаси, моҳияти ва хусусиятлари.

Солиқ сиёсатини амалга оширишда солиқ маъмурчилиги ва назоратининг тутган ўрни. Солиқ маъмурчилиги асосий йўналишлари: солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, ҳисоботлар тақдим этилишини назорат қилиш, солиқ тушумлари ҳисобини юритиш, солиқ тўлаш мажбуриятини таъминлаш, солиқ текширувларини ташкил этиш, солиқ қонунчилиги бузилгандага тегишли чоралар қўриш ва бошқалар. Солиқ маъмурчилигини ташкил этишда маҳсус дастурий маҳсулларни аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари таркиби ва тузилиши. Солиқ маъмурчилиги ва назоратини янада тақомиллаштириш мақсадида солиқ органларини модернизациялашнинг асосий йўналишлари. Давлат солиқ хизмати органларининг функциялари. Солиқ маъмурчилиги тизимида давлат солиқ хизмати органлари билан бошқа орган ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби. Солиқ тўловчиларга бериладиган идентификацион ракамлари (СТИР)нинг солиқ тизимидағи моҳияти. Солиқ ва молиявий ҳисобот турлари ҳамда уларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилишини назорат қилиш тартиби. Солиқ тушумлари ҳисобини юритилиши.

2-мавзу. Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар билан ишлар ва назоратини ташкил қилишининг хусусиятлари (4 соат)

Солиқ назоратининг шакллари. Солиқ текширувлари турлари, шакллари ва ўтказиш тартиби. Солиқ текшируви ўтказиш муддати ва даврийлиги. Камерал назорат. Накд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи. Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш ва бошқалар.

Солиқка оид ҳуқуқбузарлик тушунчаси. Солиқка оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишнинг умумий шартлари. Солиқка оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан озод қилиш тартиби. Солиқка оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини истисно қиладиган ҳолатлар. Солиқка оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари. Солиқка оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик чоралари. Молиявий санкциялар ва уларни қўллаш тартиби

Солиқ маъмурчилиги солиқ тарғиботи ва ахборот-маслаҳат хизмати. Солиқ тўловчилар билан ишлашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш. Солиқ маданиятини ошириш. Солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган

интерактив хизматлар турлари. Солиқ тўловчиларни қабул қилишни ташкиллаштириш. Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш масалалари.

3-мавзу. Солиқ маъмурчилиги ва назоратини амалга оширишда хорижий мамлакатлар тажрибаси (2 соат)

Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилиги ва назоратини ташкил этилиши. Солиқ сиёсатида солиқ маъмурчилигини тутган ўрни. Хорижий мамлакатларда солиқ муносабатларини шаклланганлиги. Солиқ маъмурчилиги асосий субъектлари ва уларнинг функциялари. Солиқ тўловчилар билан иш ташкил қилишнинг хусусиятлари. Солиқ органлари назорат фаолиятини ташкил қилишнинг шакллари ва усуллари. Солиқка оид хуқуқбузарлик учун жавобгарлик чоралар. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилиги ва назоратини самарали ташкил этиш тажрибасидан мамлакатимиз солиқ маъмурчилиги ва назоратини янада такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Солиқ маъмурчилиги тизимини шакллантириш янада такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари. (4 соат)

«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да солиқ маъмурчилиги ва назоратини ташкил қилишнинг устувор вазифалар ва уларни амалга оширишнинг назарий, амалий асослари. Солиқ маъмурчилиги тизимини вужудга келишининг иқтисодий шартшароитлари.

Жамиятнинг иқтисодий тизимида солиқларнинг моҳияти ва роли. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушунчаси.

Ўзбекистон Республикасида амал қиласиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар. Солиқларнинг давлат бюджети даромадларида тутган ўрни. Солиқ маъмурчилиги тушунчаси, моҳияти ва хусусиятлари.

Солиқ сиёсатини амалга оширишда солиқ маъмурчилиги ва назоратининг тутган ўрни. Солиқ маъмурчилиги асосий йўналишлари: солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, ҳисоботлар тақдим этилишини назорат қилиш, солиқ тушумлари ҳисобини юритиш, солиқ тўлаш мажбуриятини таъминлаш, солиқ текширувларини ташкил этиш, солиқ қонунчилиги бузилганда тегишли чоралар кўриш ва бошқалар. Солиқ маъмурчилигини ташкил этишда маҳсус дастурий маҳсулларни аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари таркиби ва тузилиши. Солиқ маъмурчилиги ва назоратини янада такомиллаштириш мақсадида солиқ органларини модернизациялашнинг асосий йўналишлари. Давлат солиқ хизмати органларининг функциялари. Солиқ маъмурчилиги

тизимида давлат солиқ хизмати органлари билан бошқа орган ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби. Солиқ тўловчиларга бериладиган идентификацион рақамлари (СТИР)нинг солиқ тизимидағи моҳияти. Солиқ ва молиявий ҳисобот турлари ҳамда уларни давлат солиқ хизмати органлариға тақдим этилишини назорат қилиш тартиби. Солиқ тушумлари ҳисобини юритилиши.

2-мавзу. Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар билан ишлар ва назоратини ташкил қилишнинг хусусиятлари (6 соат)

Солиқ назоратининг шакллари. Солиқ текширувлари турлари, шакллари ва ўтказиш тартиби. Солиқ текшируви ўтказиш муддати ва даврийлиги. Камерал назорат. Накд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи. Фискал хотирали назорат-касса машиналарини кўллаш ва бошқалар.

Солиққа оид хуқуқбузарлик тушунчаси. Солиққа оид хуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишнинг умумий шартлари. Солиққа оид хуқуқбузарлик учун жавобгарликтан озод қилиш тартиби. Солиққа оид хуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини истисно қиласидиган ҳолатлар. Солиққа оид хуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари. Солиққа оид хуқуқбузарликларнинг турлари ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик чоралари. Молиявий санкциялар ва уларни кўллаш тартиби

Солиқ маъмурчилиги солиқ тарғиботи ва ахборот-маслаҳат хизмати. Солиқ тўловчилар билан ишлашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш. Солиқ маданиятини ошириш. Солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган интерактив хизматлар турлари. Солиқ тўловчиларни қабул қилишни ташкиллаштириш. Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш масалалари.

3-мавзу. Солиқ маъмурчилиги ва назоратини амалга оширишда хорижий мамлакатлар тажрибаси (4 соат)

Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилиги ва назоратини ташкил этилиши. Солиқ сиёсатида солиқ маъмурчилигини тутган ўрни. Хорижий мамлакатларда солиқ муносабатларини шаклланганлиги. Солиқ маъмурчилиги асосий субъектлари ва уларнинг функциялари. Солиқ тўловчилар билан иш ташкил қилишнинг хусусиятлари. Солиқ органлари назорат фаолиятини ташкил қилишнинг шакллари ва усуллари. Солиққа оид хуқуқбузарлик учун жавобгарлик чоралар. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилиги ва назоратини самарали ташкил этиш тажрибасидан мамлакатимиз солиқ маъмурчилиги ва назоратини янада такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуласалар чиқариш;
- баҳс ва мунозаралар (войиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўнкма ва малакалари назорати қўйидаги мезонлар орқали баҳоланади:


№	Баҳолаш тури	Энг юкори балл 2,5	Изоҳ
1.	Таълим олувчилар модулли ўқув ахборотини ўзлаштиришлари учун, ўқитишнинг мақсад ва натижаларини, модул мазмунини аниқ танланганлиги	1,0 балл	Масала ва топширикларни бажариш - 1,0 балл.
2.	Модулли ўқув ахборот: график, расм кўринишда етарли миқдорда, сифатли маълумотдан иборат бўлиши		
3.	Вазият моделини яратилиши		
4.	Кейс матни баён этилиши		
5.	Кейснинг педагогик паспортининг тузилиши	1,5 балл	Кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиши - 1,5 балл.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар мухитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалashi, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидағи қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қиласди.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда харакатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳолосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»


Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.


Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласи) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив қўниммаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гурухи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.
- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гурухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.
- Ҳар бир гурух ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар





Вени диаграммаси



SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи мухитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилиниң муваффакияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қўйидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит

берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиги ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишини амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва груҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва груҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиши; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва груҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс.

Амалий вазият. Илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътиrozлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатимиз уни грандан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Солиқ маъмурчилиги тизимини шакллантириш янада такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари. (4 соат)

Режа

1. Иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши ва диверсификациялашуви шароитида солиқ маъмурчилиги ва назоратини янада такомиллаштиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари

2. Солиқ маъмурчилиги ва назоратини ташкил қилишнинг назарий асослари

3. Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришда Давлат солиқ маъмурчилиги босқичлари: режалаштириш, прогнозлаштириш, солиқлар орқали тартибга солиш, солиқ назорати

4. Солиқ сиёсатида солиқ маъмурчилиги ва назоратининг асосий йўналишлари

Калит сўзлар: солиқ маъмурчилиги ва назорати, солиқ маъмурчилиги функциялари, тадбиркорлик, саноат тармоғи, фермер хўжаликлари, иқтисодий самарадорлик, ишлаб чиқариш, ялпи, товар маҳсулот, ялпи даромад, соф даромад, фойда

1. Иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши ва диверсификациялашуви шароитида солиқ маъмурчилиги ва назоратини янада такомиллаштиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг ишлаб чиқаришнинг модернизациялашуви шароитида солиқлар воситасида бир томондан тартибга солиш иккинчи томондан эса рағбатлантириш ҳамда иккала жараённи тўғри ташкил эта олиш хўжалик юритувчи субъектларимиз фаолиятининг бозор муносабатларининг иқтисодий талабларига мослашишида, уларнинг босқичма-босқич ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва унда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан кейинги йилларда солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, айрим йўналишлар бўйича солиқ солиш тизимларини такомиллаштириш бўйича қатор меъёрий-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ тизими олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши ушбу тизимнинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ. Ўз навбатида, солиқ тизимининг самарали фаолият кўрсатиши эса мамлакатда солиқ маъмурчилиги қандай ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади. Юқоридаги сабабларга кўра,

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда солиқ маъмурчилиги масалаларига алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор иқтисодиёти принципларига жавоб берадиган солиқ тизимининг шаклланганлиги, Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодексининг қабул қилинганлиги, соликларни бошқаришнинг замонавий методлари ва механизмларининг жорий этилганлиги, солиқ органлари яхлит тизимининг яратилганлиги бозор инфрату- зилмасини шаклланиши ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Бироқ, мамлакатимиз амалиёти ва илғор хориж тажрибасининг чуқур таҳлили республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилишнинг зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки, таҳлилларнинг кўрсатишича, солиқ органларининг функциялари, ваколатлари ва тузилмаси замонавий талабларга тўлиқ жавоб бераолмаяпти, улар фискалъмолия органлари тузилмасида, энг аввало, солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш Давлат бюджети даромадлар қисмини барқарор шакллантиришнинг белгиланган топшириқларини бажариш масалаларида ҳали етакчи ўринни эгаллагани йўқ.

2. Солиқ маъмурчилиги ва назоратини ташкил қилишнинг назарий асослари

Мамлакат аҳолиси, шунингдек, хўжалик субъектлари солиқ маъмурчилиги тўғрисида аниқ ва тўлиқ тасаввурга эга эмас. Иқтисодий адабиётда солиқ маъмурчилиги хусусида турлича иқтисодий қараашлар мавжуд. Шунингдек, мамлакатимизда солиқ маъмурчилигининг ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш эҳтиёжи вужудга келмоқда. Юқоридаги масалаларга аниқлик киритмасдан туриб, солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришни амалга ошириб бўлмайди.

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатларнинг барчаси танланган диссер- тация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради, ушбу мавзуда мустақил, маҳсус чуқур илмий тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Солиқ маъмурчилигининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган дастлабки ишлар россиялик иқтисодчи олимлар Бурцев Д.Г., Грунина Д.К., Горский И.В., Дадашев А.З., Дуканич Л.В., Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. ва бошқалар томонидан амалга оширилиб, уларда Россия Федерациясидаги солиқ маъмурчилигига тегишли бўлган ҳолатлар ўз аксини топмоқда².

Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигининг айрим амалий жиҳатлари О.Қ.Абдураҳмонов, М.И.Альмардонов, А.В.Ваҳобов, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов, О.К.Иминов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Б.Э.Тошмуродова,

² Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. Налоговое администрирование. Учебное пособие. М.: изд-во Омега Л.,2005. – 408 с.; Грунина Д.К. Основы налогового администрирования. – М.: ФА при Правительстве РФ, 2003.– 148 с.; Дадашев А.З., Лобанов А.В. Налоговое администрирование в Российской Федерации. – М.: Книжный мир, 2002. – 202 с.; Бурцев Д.Г. Изменения в налоговом администрировании в условиях модернизации налоговых органов // Налоговый вестник. 2002. № 1. С.23-27.

Ш.А.Тошматов, Қ.А.Яхъёев, Н.Р.Қўзиева, Н.Х.Ҳайдаров ва бошқаларнинг илмий ишларида³ таҳлил қилинган. Бирок, ушбу масала ҳозирга қадар илмий тадқиқотчилар томонидан мустақил тадқиқот обьекти сифатида тадқиқ этилмаган. Шу муносабат билан, мамлакатимизда солик маъмурчилигини янан самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, уни амалга ошириш лозим.

Солик маъмурчилигининг иқтисодий моҳиятини аниқлашда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим. а) солик маъмурчилиги солик муносабатларини бошқариш тизимиdir. б) солик маъмурчилиги давлат солик сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди ва шунга хизмат қиласди. в) солик маъмурчилиги солик органлари фаолиятини мувофиқлаштириб туради; г) солик маъмурчилиги солик ҳуқуқининг қоидаларига асосланади, уларни ўзига хос тарзда тўлдиради, уни назарий ва амалий нуқтаи-назардан солик механизмининг ўзига хос стержени сифатида талқин этиш мумкин; д) солик муносабатлари солик маъмурчилиги предметини ташкил этади; е) солик маъмурчилиги моҳияти, конкрет ҳолда, у томонидан бажарилиши мумкинбўлган функциялар орқали намоён бўлади.

Солик маъмурчилигининг моҳиятини аниқлашда солик тизими тузилиши ва солик сиёсатини ташкил этишнинг принциплари муҳим роль йўнайди. Ушбу принципларни уч гурухга бўлиш мумкин: 1) соликка тортиш жараёнларини маъмурий бошқаришни ўзида акс эттирувчи ташкилий принциплар (умумийлик, тенглилик, ўзгарувчанлик); 2) соликларнинг иқти- содиётга таъсирини ўзида ифодалайдиган иқтисодий принциплар (самарадорлилик, тежамкорлилик, тенг тақсимланиш); 3) солик муносабатларининг қонун нуқтаи назаридан аниқлигини кўрсатувчи принциплар (бирлик-ягоналик, барқарорлик, аниқлилик).

Фикримизча, солик маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи таърифи ушбу жараёнда эътиборга қаратилиши керак бўлган барчаҳолатларни ҳисобга олиши зарур. Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб солик маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Солик ҳуқуқи қоидаларига таянган ҳолда солик сиёсатини амалга оширишга хизмат қиласдиган, солик органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солик муносабатларини бошқариш тизимига солик маъмурчилиги дейилади”.

Бизнингча, солик маъмурчилиги мазмун-моҳиятини янада тўлароқ

³ Ваҳобов А.В., Жўраев А.С. Соликлар ва соликка тортиш / Дарслик. – Т.: Шарқ, 2009. – 448 б.; Ваҳобов А. ва бошк. Бюджет-солик сиёсати яхлитлиги. Ўқув кўлланма. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2005. – 480 б.; Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ф. Солик назарияси. – Т.: ТМИ, 2004. -210 б.; Зайналов Ж.Р. Соликлар ва соликка тортиш. – С.: СКИ, 2002. – 366 б.; Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Соликка тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Akademiya”, 2005. – 130 б.; Маликов Т.С. Соликлар ва соликка тортишнингдолзарб масалалари. – Тошкент: “Академия”, 2002. – 202 б.; Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солик сиёсати. – Тошкент: “Академнашр”, 2011. – 472 б.; Тошмуродова Б. Солик муносабатларини оптималлаштириш. Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2005. – 265 б.; Тошмуродова Б. Соликлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми / Монография. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда соликлар роли / Монография. –Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Яхъёев Қ.А. Соликка тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 248 б.; Ҳайдаров Н.Х. Соликлар ва соликка тортиш масалалари. Ўқув кўлланма. – Тошкент: “Akademiya”, 2007. –256 б. ва бошқалар.

ифодалаш мақсадида унга берилган янги таърифда олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, яна икки ҳолатга эътибор берилган ва улар янги таърифда инобатга олинган. Бу, биринчидан, солиқ маъмурчилигининг солиқ ҳукуқи қоидаларига таяниши бўлса, иккинчидан, унинг солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қилишидир.

Солиқ маъмурчилиги маълум маънода, бевосита бошқарувга дахлдор бўлганлиги учун унга бошқарувга тегишли бўлган барча функциялар хосдир.

Шунинг учун ҳам, солиқ маъмурчилиги функциялари таркибига, умумий тарзда, қўйидагиларни киритиш мумкин: а) режалаштириш; б) ҳисобга олиш;

в) назорат; г) тартибга солиш. Бироқ, солиқ маъмурчилиги функцияларининг бу тарзда ифодаланиши, фикримизча, мавхум бўлиб, унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини мутлақо ифода этмайди. Шунинг учун солиқ маъмурчилиги функцияларида унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари аниқ акс эттирилиши ва бу функцияларнинг фақат солиқ маъмурчилигига хос эканлиги аниқ кўриниб туриши лозим. Агар солиқ маъмурчилигининг энг аввало солиқ муносабатларини бошқариш тизими эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда унинг функцияларини қўйидаги кўринишда ифодалаш мумкин: 1) солиқ муносабатларини режалаштириш; 2) солиқ муносабатларини ҳисобга олиш; 3) солиқ муносабатларини назорат қилиш; 4) солиқ муносабатларини тартибга солиш.

Амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатишича солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан, шу жойда қатор муаммолар мавжуд. Фикримизча, дастлабки муаммо сифатида солиқ салоҳияти жумладан, худудларнинг солиқ салоҳияти етарли даражада тўғри башоратланмаётганлиги ва баҳолан маётганлигини кўрсатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, бюджет тизимининг турли даражаларида солиқ тушумларининг режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришга, минтақаларнинг солиқ фаоллиги даражаси ва солиқ имкониятларини аниқлаш, таққослаш ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини етарли даражада тавсифлаш имконини бермаяпти. Ушбу ҳолатни турли солиқлар бўйича солиқ тушумларининг мамлакатимиз, жумладан, алоҳида олинган маъмурий ҳудудлар бўйича режалаштирилиши ва ушбу кўрсаткичларнинг ҳисобот даврида бажарилишини характерлайдиган кўрсаткичлар яққол кўрсатади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда солиқ маъмурчилигининг самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган қарорларни қабул қилишда масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор бермоқ лозим. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, қўйидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим:

- солиқларни бюджетга йиллар бўйича ундирилиш режаларининг бажарилишида Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий ҳудудлари бўйича нореал, етарлича асосланмаган, субъектив омилларнинг таъсирида тузили- шига йўл қўймаслик керак;

- солиқ тушумлари бўйича тузилган режаларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш режалари билан узвий равишда боғлиқлигини таъминлаш лозим;

- мамлакат ва унинг маъмурий ҳудудлари миқёсида солиқларни солиқ тўловчилар томонидан бюджетга ўз вақтида тўламаслик, молия-бюджет-тўлов интизомига риоя қилмаслик ҳолларининг содир этилаётганлигига чек қўйиш зарур;

- солиқлар бўйича берилган имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш, солиқقا тортиш базасини онгли равишда нотўғри белгилаш, тегишли солиқ ставкаларини нотўғри кўллаш ҳолатларининг олдини олишга эришмоқ керак;

- аксарият ҳолларда объектив сабаблар ва келгуси даврларда вужудга келиши мумкин бўлган мураккаб молиявий вазиятни инобатга олмаган ҳолда доимо бюджет манфаатларининг биринчи ўринга қўйилаверишига чек қўйиш зарур

3. Солиқ маъмурчилигини тубдан такомиллаштиришда

Давлат солиқ маъмурчилиги босқичлари: режалаштириш, прогнозлаштириш, солиқлар орқали тартибга солиш, солиқ назорати

Солиқ маъмурчилигининг иқтисодий моҳиятини аниқлашда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим. а) солиқ маъмурчилиги солиқ муносабатларини бошқариш тизимиdir. б) солиқ маъмурчилиги давлат солиқ сиёsatини амалга оширилишини таъминлайди ва шунга хизмат қиласди. в) солиқ маъмурчилиги солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб туради; г) солиқ маъмурчилиги солиқ ҳуқуқининг қоидаларига асосланади, уларни ўзига хос тарзда тўлдиради, уни назарий ва амалий нуқтаи-назардан солиқ механизмининг ўзига хос стержени сифатида талқин этиш мумкин; д) солиқ муносабатлари солиқ маъмурчилиги предметини ташкил этади; е) солиқ маъмурчилиги моҳияти, конкрет ҳолда, у томонидан бажарилиши мумкинбўлган функциялар орқали намоён бўлади.

Солиқ маъмурчилигининг моҳиятини аниқлашда солиқ тизими тузилиши ва солиқ сиёsatини ташкил этишининг принциплари муҳим роль ўйнайди. Ушбу принципларни уч гурухга бўлиш мумкин: 1) солиқка тортиш жараёнларини маъмурий бошқаришни ўзида акс эттирувчи ташкилий принциплар (умумийлик, тенглилик, ўзгарувчанлик); 2) солиқларнинг иқти- содиётга таъсирини ўзида ифодалайдиган иқтисодий принциплар (самарадорлилик, тежамкорлилик, тенг тақсимланиш); 3) солиқ муносабатларининг қонун нуқтаи назаридан аниқлигини кўрсатувчи принциплар (бирлик-ягоналик, барқарорлик, аниқлилик).

Фикримизча, солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи таърифи ушбу жараёнда эътиборга қаратилиши керак бўлган барчаҳолатларни ҳисобга олиши зарур. Юкорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Солиқ ҳуқуқи қоидаларига таянган ҳолда солиқ сиёsatини амалга

оширишга хизмат қиладиган, солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизимиға солиқ маъмурчилиги дейилади”.

Бизнингча, солиқ маъмурчилиги мазмун-моҳиятини янада тўлароқ ифодалаш мақсадида унга берилган янги таърифда олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, яна икки ҳолатга эътибор берилган ва улар янги таърифда инобатга олинган. Бу, биринчидан, солиқ маъмурчилигининг солиқ ҳукуқи қоидаларига таяниши бўлса, иккинчидан, унинг солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қилишидир.

Солиқ маъмурчилиги маълум маънода, бевосита бошқарувга дахлдор бўлганлиги учун унга бошқарувга тегишли бўлган барча функциялар хосдир.

Шунинг учун ҳам, солиқ маъмурчилиги функциялари таркибиға, умумий тарзда, қуидагиларни киритиш мумкин: а) режалаштириш; б) ҳисобга олиш;

в) назорат; г) тартиба солиш. Бироқ, солиқ маъмурчилиги функцияларининг бу тарзда ифодаланиши, фикримизча, мавҳум бўлиб, унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини мутлақо ифода этмайди. Шунинг учун солиқ маъмурчилиги функцияларида унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари аниқ акс эттирилиши ва бу функцияларнинг фақат солиқ маъмурчилигига хос эканлиги аниқ кўриниб туриши лозим. Агар солиқ маъмурчилигинингэнг аввало солиқ муносабатларини бошқариш тизими эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда унинг функцияларини қуидаги кўринишда ифодалаш мумкин: 1) солиқ муносабатларини режалаштириш; 2) солиқ муносабатларини ҳисобга олиш; 3) солиқ муносабатларини назорат қилиш; 4) солиқ муносабатларини тартиба солиш.

Амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатишича солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш нуқтаиназаридан, шу жойда қатор муаммолар мавжуд. Фикримизча, дастлабки муаммо сифатида солиқ салоҳияти жумладан, худудларнинг солиқ салоҳияти етарли даражада тўғри башоратланмаётганлиги ва баҳолан маётганлигини кўрсатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, бюджет тизимининг турли даражаларида солиқ тушумларининг режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришга, минтақаларнинг солиқ фаоллиги даражаси ва солиқ имкониятларини аниқлаш, таққослаш ва худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини етарли даражада тавсифлаш имконини бермаяпти. Ушбу ҳолатни турли солиқлар бўйича солиқ тушумларининг мамлакатимиз, жумладан, алоҳида олинган маъмурий худудлар бўйича режалаштирилиши ва ушбу кўрсаткичларнинг ҳисобот даврида бажарилишини характерлайдиган кўрсаткичлар яққол кўрсатади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда солиқ маъмурчилигининг самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган қарорларни қабул қилишда масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор бермоқ лозим. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, қуидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим:

- солиқларни бюджетга йиллар бўйича ундирилиш режаларининг бажарилишида Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий ҳудудлари бўйича нореал, етарлича асосланмаган, субъектив омилларнинг таъсирида тузили- шига йўл қўймаслик керак;
- солиқ тушумлари бўйича тузилган режаларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш режалари билан узвий равишда боғлиқлигини таъминлаш лозим;
- мамлакат ва унинг маъмурий ҳудудлари миқёсида солиқларни солиқ тўловчилар томонидан бюджетга ўз вақтида тўламаслик, молия-бюджет-тўлов интизомига риоя қиласлик ҳолларининг содир этилаётганинига чек қўйиш зарур;
- солиқлар бўйича берилган имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш, солиққа тортиш базасини онгли равишда нотўғри белгилаш, тегишли солиқ ставкаларини нотўғри қўллаш ҳолатларининг олдини олишга эришмоқ керак;
- аксарият ҳолларда объектив сабаблар ва келгуси давларда вужудга келиши мумкин бўлган мураккаб молиявий вазиятни инобатга олмаган ҳолда доимо бюджет манфаатларининг биринчи ўринга қўйилаверишига чек қўйиш зарур

4. Солиқ сиёсатида солиқ маъмурчилиги ва назоратининг асосий йўналишлари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бошқа соҳалари қатори солиқ тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, солиқ қонунчилигининг тобора такомиллаштирилаётгани, тизимдаги янгилик ва ўзгаришлар юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

2018 йилги бюджет ва солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилганлиги таъкидланди.

Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилган.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг хукуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда, хусусан:

биринчидан, солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлигини, солиқ солиш масалаларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат

самарадорлигини, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминламаяпти.

Солиқ тўловчиларнинг, энг аввало, тадбиркорлик субъектларининг уларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз хизмат кўрсатишни таъминлайдиган "солиқ тўловчининг шахсий кабинети"дан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш бўйича фаол иш ташкил этилмаган;

иккинчидан, солиқ органларининг ташкилий-штат тузилмаси солиқ солиш обьектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида йиғиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар қилиш имконини бермаяпти;

учинчидан, солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг аҳволи ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш, солиқ солишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш, шунингдек бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогнозлаштириш фаолияти такомиллаштиришни талаб қилмоқда;

тўртинчидан, солиқ назоратини ташкил қилиш механизмларининг мукаммал эмаслиги, шу жумладан солиқ текшируви обьектларининг зарур таҳлилсиз белгиланиши солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни барвақт профилактика қилиш самарадорлигини пасайтиromoқда;

бешинчидан, солиқ низоларини судгача ҳал этиш - солиқ апелляцияси институти имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги солиқтўловчиларнинг суд органларига мурожаатлари қўпайишига олиб келмоқда;

олтинчидан, солиқ солиш тизимининг мураккаблиги ва бир хил солиқ солиш базасига эга солиқларнинг етарли даражада унификация қилинмаганлиги, солиқонунчилигининг ўзгарувчанлиги солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариш имконини бермаяпти;

еттинчидан, солиқ органларининг Давлат бюджетига тушумлар тўлиқлигини таъминлаш фаолияти устидан ташқи назорат механизмларининг мавжуд эмаслиги солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш имконини бермаяпти;

саккизинчидан, солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш бўйича ўз конституциявий бурчини ихтиёрий бажаришини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан, айниқса, жойларда амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш талаб этилади;

тўққизинчидан, бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти устидан самарали солиқ назорати ўрнатилмаганлиги маҳаллий бюджетларни тўлдириш учун мавжуд резервларни тўлиқ сафарбар қилиш, шунингдек нақд пул маблағларининг кафолатли қайтишини таъминламаяпти;

ўнинчидан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш кўрсаткичларини яхшилаш, коррупция кўринишларини профилактика қилиш, шунингдек солиқорганларида хизмат қилишга ҳалол ва юқори малакали

кадрларни жалб этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуритчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишлари ҳисоблансан:

биринчидан, солиқ маъмуритчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулокотсиз электрон хизмат кўрсатишига тўлиқ ўтиш;

иккинчидан, солиқ солиш обьектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини кучайтириш;

учинчидан, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, соликқа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиши ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

тўртинчидан, макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва худудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш обьектларини тўлиқкамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчидан, фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

олтинчидан, солиқ солиш масалаларида, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

еттинчидан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар

ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Солик маъмурчилигининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?
2. Солик тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳамда унинг самарадорлигига қандай омиллар таъсир этади?
3. Солик маъмурчилиги ва назоратининг устувор йўналишлари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағищланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солик маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

3. Давлат солик хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солик маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozi va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

7. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

8. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma’muriyatichiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

9. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta’minlashga doir qo‘sishimcha chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjalariiga o‘zgartish va qo‘sishimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-son qonuni

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. хисобот

11. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 y. Emerald Group Publishing limited.

12. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011

13. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.

14. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.

15. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.

16. VahobovA.V., MalikovT.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: “Noshir”, 2012. 712-bet.

17. Ваҳобов А.В, Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

2-мавзу. Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар билан ишлар ва назоратини ташкил қилишининг хусусиятлари (4 соат)

Режа

1. «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да солиқ тўловчилар билан ишларни янада ривожлантиришнинг аҳамияти
2. Солиқ тўловчиларга бериладиган идентификацион рақамлар (СТИР)нинг солиқ тизимидағи моҳияти
3. Солиқ тўловчилар билан иш ташкил қилишининг хусусиятлари

Калит сўзлар: солиқ тўловчилар, солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш, СТИР, солиқларни прогнозлаш ва режалаштириш.

- 1. «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да солиқ тўловчилар билан ишларни янада ривожлантиришнинг аҳамияти.**

Эркин рақобат муҳитини яратиш, нархларнинг барқарорлиги ва имтиёзларнинг манзиллилигини таъминлаш мақсадида имтиёзларни ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатишнинг алоҳида турларига жорий этган ҳолда уларни индивидуал тартибда бериш амалиётидан воз кечиш.

имтиёзлар беришнинг самарадорлигини баҳолаш ва доимий мониторинг қилиш тизимини жорий этиш;

имтиёзларни муайян молиявий ижтимоий натижага эришиш шарти билан бериш;

божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қайта кўриб чиқсан ҳолда ишлаб чиқариш (хизматлар қўрсатиш)да фойдаланиладиган товарлар бўйича имтиёзларни бекор қилиб, мақбул бож тўлови ставкаларини белгилаш;

имтиёзларни алоҳида субъектларга эмас, балки соҳалар ёки товарлар (хизматлар, ишлар) турларига нисбатан жорий этиш назарда тутилади.

Солик юкини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш.

ўз эҳтиёжи учун обьектлар қураётган, янги ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ягона солик тўловини маълум муддатга кечикириш ҳуқуқини бериш;

кичик корхоналар учун қўшимча қиймат солиги тўлашга ўтишни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш назарда тутилади.

Кичик корхоналарни тез суръатларда ривожланиб, ишчилар сонини кўпайтириши ҳамда йирик корхоналар тоифасига ўтишини рағбатлантирувчи тизим жорий этиш.

ишчилар сонини ошираётган, тез суръатлар билан ривожланаётган кичик корхоналарга қўшимча солик имтиёзларини бериш орқали уларни йирик корхоналар тоифасига ўтишини рағбатлантиришни назарда тутувчи механизmlарни жорий этиш назарда тутилади.

Солик маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ва методологиясини тубдан такомиллаштириш, ушбу тизимни илғор халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш.

Солик кодексининг янги таҳирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш;

солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни тубдан такомиллаштириш;

солик маъмуриятчилигининг максимал даражада шаффоғлигини таъминлаш механизmlарини ташкил этиш;

замонавий инновацион гоялар ва тартиб-таомилларни жорий қилиш, электрон ахборот базаларидан самарали фойдаланиш асосида солик солиш базасини кенгайтириш;

кичик корхоналарга ягона солик солишда ялпи даромадни солиққа тартишдан фойдани соликқа тортишга ўтиш;

пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш мақсадида унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш;

давлат солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан тўлдириш, соҳада суиистеъмолчилик ҳолатларига барҳам бериш бўйича янги тизимни яратиш масалалари назарда тутилади.

2. Солиқ тўловчиларга бериладиган идентификацион рақамлар (СТИР)нинг солиқ тизимидағи моҳияти

Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиши масалалари Солиқ кодексининг (СК) 13-боби билан тартибга солинади.

Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйишининг умумий қоидалари

Давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритади. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш уларни ҳисобга қўйиши ва улар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш орқали амалга оширилади.

Солиқ тўловчи ҳисобга қўйилаётганда унга солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) берилади ҳамда солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисобга қўйиши маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига (кейинги ўринларда - Ягона реестр) киритилади. **Ягона реестр ДСҚ томонидан юритилади.**

Давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчига СТИР берилгандан тўғрисидаги гувоҳнома ёки солиқ тўловчи бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

СТИР - нима у?

СТИР муайян солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганда унга бериладиган рақамдир. У муайян солиқ тўловчига бир марта берилади. СТИР ўзгармайди ва бекор қилинганидан кейин бошқа солиқ тўловчига берилмайди.

СТИР қуидагиларда албатта ёзиб қўйилиши керак:

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада, рўйхатдан ўтказиш давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида уларни ҳисобга қўйиши билан бир вақтда амалга оширилади;

фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланишга доир лицензиясида;

чеклардан ташқари, пул билан ҳисоб-китоб қилинадиган тўлов ҳужжатларида, шунингдек уларнинг электрон шаклида;

давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган молиявий ва солиқ ҳисоботи ҳужжатларида;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан тузиладиган хўжалик, фуқаролик-хуқуқий ҳамда меҳнат шартномаларида;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар битимлар тузганлигини белгиловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда, шу жумладан ҳисобварақ-фактуралар ҳамда транспорт ҳужжатларида;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларда қиймат ифодасига эга бўлган молиявий, мулкий ҳамда бошқа мажбуриятлар юзага келганигини, шунингдек уларнинг бажарилишини белгиловчи ёки тасдиқловчи хужжатларда.

Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиши

Солиқ тўловчи сифатида қўйидагилар ҳисобга қўйилади:

юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ўзлари жойлашган ердаги (почта манзилидаги) давлат солиқ хизмати органида;

жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органида;

юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари - доимий муассасанинг жойлашган еридаги ва (ёки) фаолиятни амалга ошираётган жойидаги давлат солиқ хизмати органида;

СКга мувофиқ мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчилар бўлган юридик ва жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари - солиқ солиш обьекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органида.

Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиши тартиби

Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиши тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари (бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйиладиганлардан ташқари) солиқ солиш обьекти вуҷудга келган кундан эътиборан ўн кун ичида СКга мувофиқ давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиши тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт.

Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари мазкур фаолиятни амалга ошириш бошланган кундан эътиборан бир юз саксон уч кундан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйиши тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Доимий муассаса орқали фаолиятни амалга ошираётган юридик шахснинг - Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ҳисобга қўйиши тўғрисидаги аризасига шартнома ёки юридик шахс - Ўзбекистон Республикасининг норезиденти номидан Ўзбекистон Республикасида иш юритиш учун берилган ишончнома, шунингдек мажбуриятларининг бажарилиши доимий муассаса ташкил топишига олиб келадиган шартнома мавжуд бўлса, шу шартнома илова қилинади.

СКга мувофиқ ер солиғи, шунингдек қўчмас мулкка тааллуқли қисмида мол-мулк солиғи тўловчилари бўлган юридик ва жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ер участкасига, қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиши тўғрисидаги аризани тақдим

етиши шарт. Аризага унда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик тўловчилар бўлган юридик шахслар ёқилғи қўйиш станциясига бўлган ҳуқук давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичидаги давлат солик хизмати органига транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага унда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади.

Давлат солик хизмати органи ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган хужжатлар асосида солик тўловчига СТИРни беради, солик тўловчи ҳақидаги ҳисобга қўйиш маълумотларини Ягона реестрга киритади ва тегишли ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай солик тўловчи ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Солик тўловчини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва гувоҳноманинг шакли ДСҚ томонидан тасдиқланади.

Солик тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш

Солик тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш солик солиш обьекти жойлашган ердаги давлат солик хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Солик тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш у юқорида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилганидан кейин, агар СКга мувофиқ солик тўловчида солик тўловчи сифатида ҳисобга қўйилмаган жойдаги ер солиги ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик тўлаш мажбурияти юзага келган бўлса, амалга оширилади.

Ҳисобга қўйилмаган жойдаги ер солигини ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликни тўлаш мажбурияти юзага келган солик тўловчи тегишли ер участкасида (ёки ер участкасида бўлган ҳуқук билан бирга тегишли кўчмас мулк обьектига) бўлган ҳуқук давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ёхуд сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик солиш обьекти вужудга келган кундан эътиборан ўн кун ичидаги солик солиш обьектларини улар жойлашган ерда ҳисобга қўйиш учун давлат солик хизмати органларига қонун хужжатларида белгиланган тартибда мурожаат этиши керак.

Объектлар бўйича ҳисобга қўйилиши давлат солик хизмати органлари томонидан мустақил равишда амалга ошириладиган мол-мулк солиги ва ер солиги тўловчи - жисмоний шахсларга нисбатан юқорида кўрсатилган мажбурият татбиқ этилмайди.

Давлат солик хизмати органи солик тўловчининг илгари берилган СТИРига мувофиқ солик тўловчи мурожаат этган кундан уч кундан кечиктирмай уни обьектлар бўйича ҳисобга қўяди.

Солик тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари

Юридик шахс - солик тўловчи тўғрисидаги асосий ҳисоб маълумотлари қўйидагилардан иборат:

СТИР;

номи (тўлиқ ва қисқартирилган номи);
жойлашган ери (почта манзили).

Бундан ташқари юқорида назарда тутилган асосий ҳисоб маълумотларига қўшимча равишда қўйидагилар ҳам ҳисоб маълумотлари ҳисобланади:

ташкилий-ҳуқуқий шакли;

солик мажбуриятларини мустақил равишда бажарадиган алоҳида бўлинмалар, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг таркибига кирувчи юридик шахслар учун - солик тўловчи қайси ташкилотнинг таркибига кирса, шу ташкилот;

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жой ва тартиб рақами;

тижорат ташкилотлари учун - устав фондининг (устав капиталининг) миқдори;

тижорат ташкилотлари учун, акциядорлик жамиятлари бундан мустасно, муассисларнинг - Ўзбекистон Республикаси резидентларининг солик тўловчи тариқасидаги идентификация рақамини ҳамда ҳар бир муассиснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини ҳам кўрсатган ҳолда муассисларнинг тўлиқ таркиби.

Жисмоний шахс - солик тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари қўйидагилардан иборат:

СТИР;

фамилияси, исми ва отасининг исми;

фуқаролиги;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун - фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди);

паспортининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи;

яшаши жойи (манзили).

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қўйидагилар ҳам солик тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотларидир:

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жой ва тартиб рақами;

фаолият тури;

фаолият амалга ошириладиган жой.

Солик тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш

Солик тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш солик тўловчилар ҳамда СКнинг 84-моддасида назарда тутилган органлар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида солик тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилади.

Давлат солик хизмати органларида ҳисобда турмаган солик тўловчилар аниқланган тақдирда, давлат солик хизмати органлари уларга белгиланган тартибда ҳисобга туриш тўғрисида талабнома тақдим этади. Бундай талабнома олинганлиги шахсни қонунда белгиланган жавобгарликдан озод этмайди.

Ягона реестрга киритилган юридик ва жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солик хизмати

органига ҳисоб маълумотларидағи ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда маълум қилишлари шарт.

Жисмоний шахснинг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда давлат солиқ хизмати органи мазкур солиқ тўловчига тааллуқли барча материалларни унинг янги яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига топшириши шарт.

Солиқ тўловчининг талаби бўйича давлат солиқ хизмати органи мазкур солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи маълумотномани, шу жумладан ўзгаришлар киритилган ҳисоб маълумотларини ҳам кўрсатган ҳолда бериши шарт.

Ягона реестран чиқариш қўйидагича амалга оширилади:

жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари - улар вафот этганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти уларнинг меросхўрлари томонидан тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса;

юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари - улар тугатилганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари - уларнинг Ягона реестрга киритилишини белгилаган ҳолатлар бекор бўлган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган тақдирда.

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, СК 80-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганлар бундан мустасно, рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ушбу юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тегишли юридик шахсларнинг давлат реестридан қўчирма топшириши шарт. Мазкур органлар давлат солиқ хизмати органига тегишли юридик шахсларга тааллуқли давлат реестрига киритилган ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида ҳам бундай ўзгаришлар киритилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай маълум қилиши шарт.

Лицензия ва (ёки) бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар берадиган органлар бундай ҳужжатлар берилган шахслар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига шундай ҳужжатлар берилганлиги ҳоллари ҳақида маълум қилиши, шунингдек мазкур ҳужжатлар бекор қилинганлиги, уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисида маълумот бериши шарт.

Ички ишлар органлари ўzlари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига паспортлар берилганлиги, шу жумладан йўқотилган ёки амал қилиш муддати ўтган паспортлар ўrniga паспортлар берилганлиги фактлари ҳақида, бекор қилинган паспортлар тўғрисида ҳар ойда маълум қилиши шарт.

Кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган кўчмас мулк ва унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида мазкур кўчмас мулкка бўлган хуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичida маълум қилиши шарт.

Сув ресурсларини ҳисобга оловчи органлар сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига 1 февралдан кечиктирмасдан ўтган йил якунлари бўйича ўлчов асбобларисиз фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисида хабар қилиши шарт.

Давлат нотариал идоралари тегишинча кўчмас мулк олди-сотди шартномалари, мол-мулк ижараси шартномалари тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек мерос қилиб олиш ёки ҳадя тарзида фуқароларнинг мулкига ўтаётган мол-мулк қиймати тўғрисида кўрсатилган нотариал ҳаракатлар амалга оширилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Ер ресурсларини ҳисобга оловчи ва (ёки) баҳоловчи органлар ер участкасига нисбатан хуқуқи юзага келган (тугатилган) шахсларни кўрсатган ҳолда ер участкасига нисбатан хуқуқ берилганлиги (тугатилганлиги) ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати тўғрисида ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга оширувчи ва (ёки) ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ер қаъри участкаси жойлашган ер ҳамда мазкур ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқи берилган шахс тўғрисидаги ахборотни ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқи рўйхатдан ўтказилган (ҳисобга олинган) кундан эътиборан ўн кун ичida маълум қилиши шарт.

Қимматли қофозлар марказий депозитарийси ҳар ойда, ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан ДСҚга депозитарийларда рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

Банклар юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга факат улар давлат солиқ хизматининг тегишли органида ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи хужжатни кўрсатган тақдирда банк ҳисобварақлари очиши мумкин ва ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида ўша органга кейинги кундан кечиктирмай маълум қилиши шарт. Конунда назарда тутилган ҳолларда банклар давлат солиқ хизмати органларига бошқа маълумотларни ҳам тақдим этади.

Божхона органлари ҳар ойда экспорт-импорт операциялари, шунингдек товарлар ҳаракати ҳақидаги маълумотни давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби СКнинг 84-моддасида назарда тутилган органлар билан келишилган ҳолда ДСҚ томонидан белгиланади.

3.Солиқ тўловчилар билан иш ташкил қилишнинг хусусиятлари

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида солиқ тизимини такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Бунда тараққиётнинг “ўзбек модели” дея дунё эътироф этаётган тадрижий ислоҳотлар муҳим омил бўлди.

Натижада солиқ маъмурчилиги шаффоғлигини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг ҳукуқий саводхонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш борасида муайян ютуқларга еришилмоқда. Зоро, аниқ мақсадларга йўналтирилган ҳамда изчил ҳаётга татбиқ етилган чора-тадбирлар иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамиятга ега.

Шу ўринда ёш давлатимиз ривожланиш йўлининг устувор йўналишлари билан боғлиқ бир қатор муҳим босқичларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Чунки Истиқлоннинг дастлабки йилларида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва инфляциянинг юқори суръатлари сақланиб турган бир шароитда Давлат бюджетига маблағлар тушишини таъминлаш солиқ тизимининг асосий вазифаси бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда, солиқларнинг фискал функциясига устувор аҳамият қаратилди.

Бу ҳақда сўз юритилганда, 1991 йилда республика Давлат бюджети тасдиқланган вақтда бюджет тақчиллиги қарийб 7,5 фоизни ташкил етганини еслаш жоиз. Бу Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ҳамда унинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган солиқ механизмини яратиш заруриятини юзага келтириди.

Мамлакатимизда қисқа муддат ичиде солиқ солишининг яхлит ҳолдаги норматив-ҳукуқий базаси яратилиб, 1991 йилда “Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида” ҳамда “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, 1991 — 1995 йиллар давомида собиқ иттифоқда ўзига хос анъана тусига кирган ҳамда корхоналарнинг иқтисодий ҳолатини ҳисобга олмаган ҳолда, хўжалик юритувчи органлар, кооператив ва жамоат ташкилотларидан даромад солиғи, шунингдек, давлат корхоналари олган фойдадан ундириладиган ҳамда мутлақо фискал тусга ега бўлган тўловлар йиғишдан воз кечиш йўли билан ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринларини яратишни қўллаб-қувватлашга еътибор кучайтирилди. Шулар қаторида аслида солиқ тусига ега бўлмаган, гўёки нархларни тартибга солувчи механизм сифатида қаралган ва ҳар бир товарга якка тартибда белгиланган нарх

қисми бўлган оборотга солинадиган солиқ бекор қилинди. Собиқ иттифоқ давридаги бўйдоклар, ёлғизлар ҳамда кам болали фуқароларга солинадиган солиқлар, шунингдек, экспорт ва импорт операцияларидан ундириладиган тўловларга ҳам барҳам берилди. Аксинча, мазкур тўловларнинг ўрнига бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, масалан, субъектларнинг амалда олган даромади ҳисобланган корхоналарнинг даромадларига солинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи сингари янги турдаги солиқлар амалиётга жорий етилди.

Енг муҳими, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёzlари берилиб, солиқдан тўлиқ ёки қисман озод бўлишга асосланган янги механизмлар кўлланила бошланди.

Юртимизда 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ташкил етилиши миллий солиқ тизимини шакллантиришда том маънода янги даврни бошлаб берди.

1995 — 2005 йиллари солиқ тизимини оқилона юритиш босқичига тўғри келиб, мазкур жараёнда республиканинг солиқ қонунчилигига асос солинди ва унинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланди. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятига қонуний мақом бериш, унинг ҳуқуқий асосларни белгилаш ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ шакллантириш мақсадида 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунга мувофиқ, давлат солиқ органлари зиммасига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлашдек енг муҳим давлат вазифаси юкланди. Шунингдек, 1997 йилда тизимда ягона ҳуқуқий асос сифатида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилинди. Шуни айтиш керакки, Истиқлол йилларида мустақил мамлакатимизнинг солиқ сиёсатини белгилаб берувчи 39 та қонун, давлатимиз раҳбарининг 44 та фармони ва 96 та қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 233 та қарори қабул қилинди. Уларнинг орасида бевосита давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган 32 та қонун ҳужжати ҳам мавжуд. Бу, таъкидланганидек, тизимнинг пухта ва ишончли қонунчилик базасини шакллантириш имкониятини яратди. Шундай қилиб, чорак аср давомида Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни самарали амалга оширишга кўмаклашувчи тўлақонли солиқ тизимини яратишга еришилди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг teng ҳуқуқли субъекти сифатида дунёдаги бошқа давлатлар билан солиқ солиш соҳасидаги ўзаро муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш сиёсатини изчил олиб бормоқда. 1993 йилдан буён Давлат солиқ қўмитаси томонидан Россия, Германия, Италия, Швейцария, Нидерландия, Хитой, Корея

Республикаси, Словения, Ирландия, Испания ва бошқа қатор давлатлар билан иккиёклама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида 52 та битим имзолангани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

2005 йилдан бошлаб юртимизда жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш борасида туб ўзгаришлар даври бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан устувор йўналишлар қаторида иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда, иқтисодиётни модернизациялаш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш сингари муҳим масалалар белгилаб олинди. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқ тўловларини унификация қилиш, солиқ ставкаларини пасайтириш ҳамда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш йўналишларида кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилди. Янги таҳрирдаги тўғридан-тўғри таъсир қучига ега бўлган, солиқ солиш масалалари бўйича амалиётда синалган халқаро тамойил ва ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилинди. У 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирди.

Солиқ юкининг иқтисодиётга нисбатан босқичма-босқич камайтириб борилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланишига хизмат қилди. Келинг, шу ўринда фикримизни қўйидаги рақамлар билан давом еттирсак. Агар 1994 йилда корхоналарнинг фойда солиғи ставкаси 45 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб 7,5 фоизгача, яъни 6 баробар пасайди. Қўшилган қиймат солиғи бугунги кунга келиб, 30 фоиздан 20 фоизга ёки 1,5 баробар, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови 15,2 фоиздан 5 фоизгача, яъни 3 баробардан кўпроқ пасайди. Солиқ имтиёзларининг берилиши натижасида 50 мингдан ортиқ корхоналар ихтиёрида йилига ўртacha 9 триллион сўм пул маблағлари қолмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси ҳам босқичма-босқич пасайтирилди. Илгари мазкур солиқ олинган даромадга нисбатан етти поғонали шкала бўйича енг юқори ставка 60 фоизда ҳисобланган ва ундирилган бўлса, бугунги кунда солиқ тўрт поғонали шкала асосида ундирилиб, енг юқори ставка 23 фоизни ташкил етаётир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2015 йилдан бошлаб енг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдордаги даромадларга нисбатан нол фоизли ставка жорий қилинди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг кам даромад олувчи қатлами ихтиёрида кўпроқ маблағ қолишини таъминлаб келмоқда.

Айни чоғда хўжалик юритувчи субъектлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги солиқ харажатлари ҳам пасайтирилди. Мисол учун, 1994 йилда иш берувчиларнинг мажбурий ижтимоий суғурта тизимиға (Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва Касаба уюшмалари кенгашига) мажбурий ажратмалар меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 40 фоизлик ставкада ҳисобланган бўлса, кейин у 25 фоизгача пасайтирилиб, 2015 йилдан бошлаб микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун 15 фоизгача, яъни 2,6 баробар камайтирилди. Натижада умумий солиқ юки ЯИМга нисбатан 20 фоизгача тушиб, Ўзбекистон енг қулай солиқ муҳити шаклланган давлатлар қаторидан жой егаллади. Ваҳлонки, бугунги кунда солиқ юки даражаси чет мамлакатлар, масалан, Австрияда 43,4 фоиз, Туркияда — 32,5, Естонияда — 32,3 ва Қозоғистонда 26,8 фоизни ташкил етади.

Сўнгги йилларда республика раҳбарияти томонидан солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар ставкаларининг пасайтирилиши билан бир қаторда, солиқ органларига юклатилган молиявий ва солиқ ҳисботларини тубдан қисқартириш, шунингдек, мазкур молиявий ҳамда солиқ ҳисботларини тақдим қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг електрон тарзда амалга оширилишини кенг татбиқ этиш вазифаси кўйилмоқда. Унинг изчил ижроси туфайли 2013 йилдан бошлаб олтита солиқ ҳисботи шакллари бекор қилиниб, молиявий ҳисбот сони ҳамда шакларининг ҳажми 1,5 баробар ва солиқ ҳисботларини тақдим этиш даврийлиги 2 баробар қисқартирилди. Бугунги кунда барча тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисботларини фақат телекоммуникация каналлари орқали електрон тарзда тақдим етмоқда. Мазкур тартиб хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашувни кескин камайтиришга ҳамда режали солиқ текширувлари сонини минимал даражага қисқартиришга шароит яратиб берди. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида камерал назорат усуслари кенг қўлланилмоқда, яъни хўжалик субъекти жойлашган жойига бормасдан туриб солиқ органларига топширилган ҳисботлар асосида амалга оширилаяпти. Мисол учун, “Камерал назорат” компьютер дастурий мажмуаси ёрдамида 2015 йил мобайнида солиқ ҳисботларини тўлдиришда 124,7 мингта хатоликлар аниқланган.

Бугунги кунда тизимда давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилаётган текширувларга оид ислоҳотлар алоҳида ўрин тутади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида режали солиқ текширувлари ноаниқ даврийлик билан амалга оширилиши оқибатида ушбу ҳолат ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир қиласр еди. Айниқса, текширув органларининг нопок ходимлари томонидан ҳеч қандай рухсат берувчи ҳужжатларсиз текширувларнинг олиб борилиши хўжалик субъектининг азият чекишига олиб келар еди. Агар 1998 йилдан бошлаб солиқ текширувларини

амалга ошириш даврийлиги йилда бир маротаба қилиб белгиланган бўлса, 2005 йилдан бошлаб режали текширувларнинг даврийлиги микрофирма ва кичик корхоналар учун тўрт йилда бир маротабагача, бошқа хўжалик субъектлари учун уч йилда бир маротабагача қисқартирилди. Бундан ташқари, янгидан ташкил етилган хўжалик субъектлари, оиласи тадбиркорлар ҳамда фермер хўжаликлари дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан умуман озод қилинди. Пировардида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган режали текширувлар сони 2015 йилда 2001 йилдагига нисбатан 3,7 баробар камайиб, фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни режали солиқ текширувларига жалб қилиш даражаси 15,9 фоиздан 2,7 фоизга ёки 5,9 баробар камайиши таъминланди.

Солиқ текширувларини ташкил етиш тизимини мувофиқлаштиришда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишга мораторий кўлланилиши алоҳида еътиборга сазовор.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш борасида солиқ органлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар, жумладан, касб-хунар коллежлари битиравчиларининг тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиниши ижобий таъсир кўрсатди. Ёшларга оид давлат сиёсати доирасида ёш ишбилармонларни рағбатлантириш мақсадида 2015 йилдан еътиборан касб-хунар коллежлари битиравчилари учун имтиёз жорий етилди. Унга кўра, касб-хунар коллежлари битиравчилари бизнес билан шуғулланишлари учун тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлардан қатъий белгиланган солиқни олти ой давомида тўлашдан озод қилинди.

Қолаверса, аҳоли (айниқса, ёшлар) бандлиги масалаларини ҳал етиш мақсадида 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига енг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун ўрнатилган ставканинг 30 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди. Бунда якка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежлари битиравчиларини ишга ёллаган бўлса, ўқишни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод етилди. Барча кўрилган чора-тадбирлар республикамизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилди. Жаҳон банкининг ҳисботида келтирилишича, Ўзбекистон охирги йилда тадбиркорлик фаолияти учун қулай

ишбилиармонлик мұхитини яратиши соҳасида жаҳонда юқори натижаларга еришган давлатларнинг ўнталигига киради.

Бундан ташқари, Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиши — 2016: бошқариш сифати ва самарадорлигини баҳолаш” рейтинг кўрсаткичларига кўра, Ўзбекистон 2015 йилга нисбатан 16 та поғонага, яъни 103-ўриндан 87-ўринга кўтарилиди. Ушбу рейтингда мамлакатимизнинг сезиларли даражада ўсиши “солиқ солиши” баҳолаш кўрсаткичи ҳисобидан таъминланган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 61-поғонага, 2016 йилда esa яна икки поғонага кўтарилиди.

Шу ўринда Президентимизнинг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ташкил етилган Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимларининг иш фаолиятини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мазкур бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2010 йилда бозорлар ҳамда савдо мажмуаларининг умумий даромадидан маҳаллий бюджетга 77,7 миллиард сўм маблағ ундирилди. Бу 2009 йилдаги маҳаллий бюджет тушумларига нисбатан 3 марта кўпdir. Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 184 миллиард сўмни ташкил етиб, 2009 йилнинг мос давридагига қиёсланганда қарийб 6,9 баробар ортиқдир.

Мамлакат раҳбарияти еътибори ва қўллаб-қувватлаши натижасида бугунги кунда давлат солиқ хизмати органлари ўз соҳасида кенг миқёсдаги вазифаларни ҳал қилувчи, технологик жиҳатдан юқори жиҳозланган ҳамда модернизациялашган тизимга айланди. Бу соҳадаги ўзгаришларни амалиётга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий қилиниши ва улардан самарали фойдаланилиши билан изоҳлаш мумкин. Бир пайтлар республикада маълумотларни узатиш бўйича миллий ахборот тизими йўқлиги сабабли, солиқ тушумлари ҳамда уларни назорат қилиш қоғоз шаклида амалга оширилган. Шунинг учун ҳам солиқ тизимидағи ислоҳотлар дастлаб маълумотларни ягона ахборотлаштириш ва қайта ишлаш тизимидан бошланди.

Солиқ маъмурчилигига АҚТнинг изчил жорий етилиши Давлат солиқ қўмитасининг асосий фаолият йўналишларидан бирига айланиб, солиқ тўловчилар ва солиқ обьектлари тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, тизимлаштириш ва сақланишини таъминлади. Ушбу тизим ташкил қилинаётган вақтда республика бўйича солиқ органлари тасарруфида жами 182 та компьютер мавжуд бўлиб, иш ҳужжатлари тўлиқ қоғозда юритилганлигини айтадиган бўлсак, кўпчиликнинг ишониши қийин. Бугунги кунда солиқ органлари моддий-техника базасини яхшилаш ва АҚТни ривожлантириш бўйича ҳаётга татбиқ етилган ишлар натижасида компьютерлар сони 10,9 мингтага етди.

Давлат солиқ хизмати органларида АКТни жорий етиш таркиби маълумотларни йифиш ҳамда қайта ишлашнинг интеграллашган тизимиға асосланган бўлиб, маълумотлар вазирлик, идоралар, инспекциялар ва жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларини ўз ичига олади. Бунда асосий еътибор бюджет ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш, нақд пул тушумлари обороти мониторинги, банкдан ташқари пул айланмаларини камайтириш ҳамда солиқ қарздорлигини ундиришга қаратилган. Натижада солиқ идоралари ходимларининг меҳнат унумдорлиги, солиқ ҳамда мажбурий тўловларнинг йигилувчанлик даражаси ошиши, енг муҳими, солиқ қонунчилигидаги хуқуқбузарликлар қисқаришига еришилди. Масалан, “Юридик ва жисмоний шахслар солиқ қарздорлиги ҳисоби” автоматлаштирилган ахборот тизимининг жорий қилиниши туфайли инкассо топшириқномалари жўнатиш вақтини 3 кундан 10 дақиқага, қоғоз сарфи 41,2 тоннага камайишига олиб келди.

2011 йилдан еътиборан Инвестиция дастури доирасида қўмитанинг ягона маълумотларини қайта ишлаш ва жамлаш маркази шакллана бошлади. Бунда Франция, Япония, Малайзия, Жанубий Корея, Сингапур ҳамда бошқа хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилган ҳолда амалиётга жорий етилди. Маълумотларни қайта ишлаш ва жамлаш марказининг ишга туширилиши билан корпоратив тармоқни модернизация қилиш ҳам талаб етилди. Оптик толали алоқа каналидан фойдаланила бошлангач еса, ҳудудий солиқ органларидан маълумотларни узатиш тезлиги 600 баробар ошди.

Президентимизнинг 2012 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур тизимни такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Ҳозирги вақтда Давлат солиқ хизмати идоралари томонидан Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан електрон ҳужжат айланиши йўлга қўйилган. Жорий йилда “Електрон ҳукумат” тизими доирасида ишга туширилган қўмитанинг янгиланганд “Електрон солиқ хизматлари — мй.солиқ.уз” портали солиқ органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларга ва аҳолига солиқ тўлашда қулай шароит яратишга хизмат қилмоқда. Айни пайтда қўмита томонидан кўрсатилаётган електрон давлат хизматларидан 280 мингдан кўп жисмоний шахс ва 275 мингдан ортиқ корхона ҳамда ташкилотлар фойдаланмоқда.

Солиқ тўловчи юридик шахслар онлайн режимида “Шахсий кабинет” орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашлари мумкин. Биргина

ўтган йилнинг ўзида “Шахсий кабинет”дан 2,7 млн. мартадан кўп фойдаланилган. Жисмоний шахслар учун уйдан чиқмай туриб мол-мулк ва ер соликларини “Мбанк”, “У-Пай”, “Слиск” хизматлари орқали тўлаш имконияти ҳам мавжуд.

Бу йўналишда еришилган натижалар профессионал доираларда юқори баҳоланган. Яратилган Дастурий маҳсулотлар бўйича анъанавий “БестСофт Узбекистан” миллий қўрик-танловида 2010 — 2015 йиллар давомида Давлат солик қўмитасининг дастурий маҳсулотлари ва лойиҳалари ғолиб деб топилиб, муносиб тақдирланди. 2012 ва 2015 йилларда еса республика миқёсида ўтказилган миллий УЗ домени интернет-фестивалида ва “МИТ.уз” миллий интернет танловида www.солик.уз сайти “Давлат бошқаруви органи соҳасидаги енг яхши сайт” номинацияси бўйича ёътироф етилди. Бундан ташқари, қўмита ахборот-коммуникация технологияларини давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларига жорий қилиш бўйича беш йилдан буён биринчи ўринни егаллаб келмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган пухта солик сиёсати барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни модернизациялаш орқали мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилаёттир

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Солик тўловчиларнинг рўйхатдан ўтиш тартиби?
2. Солик тўловчилар фаолият турига қараб қанда ажратилади ва улар Давлат солик хизмати органларида қандай тартибда рўйхатга олинади?.
3. Тадбиркорлар рўйхатдан ўтиш учун қандай хужжатларни тақдим этишлари лозим.
4. Фуқаролиги бўлмаган шахслар қандай рўйхатдан ўтилади ?.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солик маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

3. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Мажкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognози va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

7. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

8. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma’muriyatçiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

9. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta’minlashga doir qo‘sishimcha chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-son qonuni

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. ҳисобот

11. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 у. Emerald Group Publishing limited.

12. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011

13. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.

14. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.

15. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.

16. VahobovA.V., MalikovT.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: “Noshir”, 2012. 712-bet.

17. Вахобов А.В, Жўраев А.С. Солиқлар ва соликқа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

З-мавзу. Солиқ маъмурчилиги ва назоратини амалга оширишда хорижий мамлакатлар тажрибаси (2 соат)

Режа:

1. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ривожланган мамлакатларда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари.

Калит сўзлар: Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилиги, корпорациялардан солиқ олишни тартибга солиш, жисмоний шахсларни соликқа тортиш.

1. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари..

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш замирида давлат билан солиқ тўловчи ўртасидаги иқтисодий муносабат ётади. Ушбу муносабатларнинг яхшиланишида солиқ маслаҳати муҳим роль ўйнайди. Маълумки, солиқ тўловчиларга солиқларнинг моҳияти қанчалик тушунарли, аниқ ва равshan бўлса, солиқларни тўлаш борасида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олди олинса, солиқ ва солиққа тортишга оид қонунчилик ҳужжатларидаги мунтазам ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида маълумотлар бериб турилса, шунингдек, улар ўзлари тўлаётган солиқларнинг ижтимоий ҳимояни таъминлаш, маориф, соғлиқни сақлаш, мудофаа ҳамда шу каби давлатнинг бир қатор ижтимоий вазифаларини ҳал этиш учун сарфланаётганлигини чукурроқ англаб етсалар, солиқларни тўлаш самарадорлиги ҳам шунчалик ортади. Бу каби вазифаларни ҳал этишда солиқ маслаҳати хизматлари ниҳоят даражада муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу мамлакатда солиқ муносабатлари тизимининг самарали ривожланишига туртки бўлади.

Мамлакатимизда солиқ тизимини янада такомиллаштириш, солиқ муносабатлари самарадорлигини ошириш, солиқ юки ва даромад солиги ставкасини камайтириш, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида кўплаб ижобий аҳамиятга эга тадбирлар ошириб келинмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб боргани сари солиқ соҳасида ҳам янги хизмат турлари яратиляпти, бундай хизматлар жумласига кирадиган солиқ маъмурчилиги мамлакатимиздаги замонавий солиқ тизимининг янада ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Солиқ қадимий замондан қўлланилиб келинади. Солиқ миллий даромадни бир қисми бўлиб, мажбурий ва қайтариб бермаслик принципи асосида аҳолидан ва юридик шахслардан давлат томонидан ўз ҳаражатларини қоплаш учун олинади. Иқтисодчи олимларнинг фикрича «Солиқда давлатни борлигини иқтисодий ифодаси гавдаланади».

Қулдорлик ва феодализм даврида натурал хўжалик асосий ролни ўйнагани учун солик натурал – йиғим сифатида қўлланган (озик-овқат, армия учун озик-овқат, ем-хашак ва ҳакозо).

Товар-пул муносабатлари ривожланиши билан давлатлар даромадида пул солиқларини роли ошиб боради. Бу ҳар бир кишидан (жон бошидан) олинадиган солик, ер солиги ва ҳунармандчилик солиқлариридир. Бундан ташқари эгри солик хисобланган акцизлар ҳам қўлланилган.

Солиқнинг оғирлиги, асосан, деҳқонлар зиммасига тушиб, ижарага олиш (улгуржи, кўтарасига сотиб олмоқ) қўллангандан кейин яна ҳам оғирлашган. Ижарага олиш – савдогарларга маълум даврга ва маълум тўлов асосида аҳолидан йиғиш учун давлат солиқлари ва бошқа даромадларни тўплаш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари, маълум товарларни сотиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Давлат билан тузилган шартнома баҳоси билан савдогар йиғиб олган суммаси ўртасидаги фарқ унинг фойдасини ташкил қилган.

Давлат ва хусусий ижарага олиш тизими қулдорлик давридан келиб чиқиб, феодализмни емирилиши ва капиталистик ишлаб чиқариш усули вужудга келиш даврида жуда кенг тарқалган ва капитални бошланғич жамғармасига асос бўлган.

Ижарага олиш тизими натурал хўжаликнинг устунлиги, давлат хазинасига маблағ тўплайдиган молия аппаратининг “бўшлик” қилиш натижасида юзага келган.

Биринчи ижарага олиш, эрамиздан аввал, VI асрда Эронда келиб чиқсан. Греция ва Римда эса эрамиздан олдинги IV асрда тарқалган. Ўрта асрда эса бу тизим Европада қўлланилган. Айниқса, Францияда XIII асрда кенг ривожланган. XVI-XVII асрда Италия, Голландия ва Испанияда бу тизим эволюциясининг юқори даражасига кўтарилди.

Англияда ижарага олувчилар давлат кредитори ролини бажарганлар. Россияда XV асрни охири - XVI асрни бошида ижарага олиш тизими кенг миқёсда қўлланилган. Энг тараққий этган турлари – бож, туз, вино тўловларини ижарага олиш бўлган.

Давлат хазинасига тушадиган солиқни 40% дан ортиғи ичимлик солигидан келиб тушган. Россияда 1863 йили вино тўловини ижарага олиш бекор қилиниб, акциз солиги билан алмаштирилган. Ижарага олиш Ҳиндистонда XIX асргача, Эронда эса XX асргача қўлланилган.

Ўзгача шаклда ижарага олиш XX асрда ҳам давом этган. Масалан, Италияда айрим солиқларни банклар, омонат кассалари томонидан йиғилган. Америкада ижарага олиш XX асрни бошларида боқимандани тўплашда қўлланган. Монополистик капитализм даврида солик жуда кенг тараққий этади. Давлатнинг ҳарбий, бошқарув ҳаражатлари кўпайиши билан солик ҳажми ҳамда унинг турлари кўпайиб боради.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳар 10 йилда солик 1,5 марта ва ундан ҳам ортиқ кўпайиб турган. Кейинги даврларда ривожланган давлатлар марказий бюджетларини 90% даромади ва маҳаллий бюджетларини 80% даромади солиқлардан келиб тушган.

Давлат мулкига асосланган корхоналар кам фойда келтирувчи ва зарар кўрадиган бўлганлиги сабабли, уларни тўловлари бюджет даромадини 5-8% ини ташкил қилган.

Ўсиш суръати бўйича солиқ ялпи миллий маҳсулот ҳажмини ўсишидан тез ҳамда унинг салмоғи ҳам ошиб борган.

1984 йили солиқнинг ялпи миллий маҳсулот ҳажмидаги салмоғи Францияда 45,4%, Буюк Британияда -38,6%, ГФР -37,3%, Америкада -29%, Японияда 27,7% ни ташкил қилган.

Ҳозирда ривожланган давлатларда солиқни мажбурий равишда ҳамма синф вакиллари тўлайдилар. Лекин йирик концернлар дотация ва субсидия кўринишида бюджетдан ёрдам олишлари мумкин. Саноати ривожланган давлатларда кейинги даврда тўғри солиқларни ундириш кучайтирилган. Уларнинг ичидаги асосий давлат солиғи бўлиб даромад солиғи хизмат қилади. 1970 йилдан бошлаб эгри солиқларни олиш ҳам кучайиб кетди. Бундай вазият, айниқса, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ киритилгандан кейин муҳим аҳамият касб этди.

Давлат солиғи билан бир қаторда маҳаллий солиқлар ҳам тез суръатда ўса бошлади. Умумий солиқ ҳажмида уларнинг салмоғи 80-йилларда АҚШ да 30%, Германияда -48%, Японияда -30% ни ташкил қилган.

Солиқни оғирлиги яна социал суғурта фондига бадал олиш билан кучайтирилади. Германия, Франция, Италияда солиқни 30% дан кўпроғи бу бадалларга тўғри келади.

Социал суғуртага ажратма меҳнаткашлар даромадидан айириб олиниб, АҚШда -48%, Францияда -20%, Германияда -26% ни ташкил қилади.

Тадбиркорлар социал суғуртага ажратмани маҳсулот таннархига қўшадилар ва унинг оғирлиги товар сотиб олувчилар зиммасига баҳони ошириш орқали юклатилади.

Шундай қилиб, тўғри ва эгри солиқлар, социал суғурта фондига бадал тўлаш давлат хазинасига пул тўплашнинг асосий йўллари бўлиб, уларнинг оғирлиги асосан кам таъминланган аҳоли зиммасига тушади ва молия олигархиясини бойиши учун хизмат қилади.

Қўлланаётган иқтисодий сиёсатга биноан ҳозирги даврда ривожланган давлатлар солиқни иқтисодни бошқариш қуроли сифатида ишлатадилар. Шу мақсадда солиқ ставкаси, уни ундириш усули, солиқ енгиллиги, скидкаси ишлатилади. Бу тадбирлар ижтимоий ишлаб чиқариш таркиби, мувозанатига, капитални жамғаришга, сотиш бозорига, ишлаб чиқариш даврларига таъсир кўрсатади. Солиқ ижтимоий ишлаб чиқаришнинг I ва II бўлимларини ўсиш даражасига таъсир қилиб, уларни тенглашишига ва I бўлимни II га нисбатан тезроқ ривожланиши учун имконият яратиб беради.

Давлат солиқ ва давлат ҳаражатлари орқали аҳолининг тўлов қобилиятига ва унинг ҳажмига таъсир кўрсатади. Солиқ орқали аҳоли даромадига таъсир қилиб, кенгайтирилган ишлаб чиқаришни даврини бошқаради ва маромига келтиради.

Солиқ солишиңи күпайтириб, ахоли даромадини камайтириб, ёки солиқ солиши асосида ахоли даромадини күпайтириб давлат кенгайтирилган ишлаб чиқаришни бир меъёрда ўсишига шароит яратади.

Агар умумлаштирилган ҳолатда таҳлил қилинса, солиқ орқали иқтисодни бошқариш чегараланган характерга эга деган холосага келиш мумкин. Бу билан талабни барчасини қамраб олмайди. Солиқ қарама-қарши кучларга эга. Баъзи вақтда иқтисодни ўсишига шароит яратиш ўрнига унга ҳалақит ҳам бериши мумкин. (Птоломей)

Ривожланган мамлакатларда солиқлар (айрим ҳолатлардан ташқари) ҳархил номлар билан қуидаги асосий шаклларга эга: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ҳуқуқий шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қийматга солинадиган солиқ, айланмага солинадиган солиқ, ижтимоий суғурта фондига ажратма ва истеъмолга қўлланадиган маҳсус солиқ турлари ва бошқалар. Товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали юзага келадиган даромадлар ва ҳаражатлар оқимини солиққа тортишдан ташқари тўпланган бойликларни солиққа тортиш ҳам юзага чиқади. Уларнинг асосий турлари: мол-мулк солиғи ҳамда мерос ва ҳадя солиғи.

Ривожланган мамлакатларда солиқ таркиби охирги йиллари қуидаги белгилар билан таърифланади:

Биринчидан, айрим мамлакатларни иқтисоди даромад турларидан олинадиган солиқларга нисбий боғлиқ ва ўзгариб туриш характерига эга.

Иккинчидан, 1975 йилгача иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (ОЭСР) кирадиган мамлакатларда истеъмолга солинадиган солиқлар салмоғи нисбий ўзгармаган ҳолда даромад солиғи салмоғи ва ижтимоий суғуртага ажратмани салмоғи ўсиб борди. XX асрни етмишинчи йилларини иккинчи ярмидан истеъмолга солинадиган солиқни салмоғи кўтарилиб борди. Бу, айниқса, Дания, Финляндия ва Буюк Британия давлатларида намоён бўлди.

Учинчидан, истеъмолга солинадиган солиқ билан акциз солиғини салмоғи кўпчилик мамлакатларда бир хил. Лекин 70-80 йиллар биринчини роли ошиб борди, охиргиси эса пасая бошлади.

Умумий қабул қилинган эгри ва тўғри солиқларни ўртасидаги фарқ ҳам шартли характерга эга. Қабул қилинишича, тўғри солиқлар тўғридан-тўғри даромад олувчилардан ундирилади. Яъни, уларни даромад олувчи жисмоний ва ҳуқуқий шахслар тўлайди. Эгри солиқлар даромадларни ёки маҳсулотлар айланмасини айрим босқичларида олинади ва натижада тўловчининг зиммасига бориб тушади.

Ривожланган давлатларни солиқ тизими ҳар-хил иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий шароитларда юзага келган. Шунинг учун етарли даражада маромига етган деб бўлмайди ва шу сабабли иқтисодчилар уни талаб даражасига кўтариш учун қатор таклифлар киритишган. Улар қуидагилардан иборат:

- Солиқ оғирлиги баравар тақсимланиши зарур. ёки ҳар бир солиқ тўловчи давлатга ўзининг “ҳаққоний улушкини” бериши керак.

- Солиқлар иложи борича ҳар-хил шахслар томонидан иқтисодий қарор қабул қилишига таъсир күрсатмаслиги керак. ғки бу таъсир жуда ҳам сезиларсиз даражада бўлиши керак (солиққа тортишни бетарафлик принципи)

- Ижтимоий-иктисодий мақсадларни амалга оширишда солиқ сиёсатидан фойдаланиш солиқларни тенглик, ҳаққонийлик принципларини бузилишини энг кам даражага келтириши керак.

- Солиқ таркиби ва солиқ сиёсати иқтисодиётни барқарорлаштириш ва мамлакатни ривожлантиришга ижобий таъсир күрсатиши керак.

- Солиқ тизими ҳаққонийлиги билан ажратиб туриши керак, тахминий тушунчалар бўлмаслиги ва солиқ тўловчига тушунарли бўлиши зарур.

- Солиқни бошқариш ва солиқ қонунчилигини сақлаш ҳаражатлари энг кам миқдорга туширилиши талаб қилинади.

Ушбу талаблар солиқ тизимини сифатини баҳолашда асос бўлиб хизмат қилиши керак. Лекин амалиётда тўғри ва эгри солиққа тортишни ажратиб бўлмайди. Шунинг учун солиқларни нисбий тўғри ва эгри солиқларга бўладилар.

Кейинги йигирма йил давомида ривожланган давлатларда тўғри (даромад солиғи, компания фойдасига солинадиган солиқ, ишчиларни ижтимоий суғурта фондига ажратмаси) ва эгри (истеъмол солиғи, акцизлар, тадбиркорларни ижтимоий суғурта фондига ажратмалари) солиқларни бир-бирига муносабати қўйидагича бўлган:

Тўғри солиқларнинг салмоғи умумий тушумлар ҳажмида Голландия, Дания, Люксембург, Канада, Янги Зелландия, Швейцария, Австрия, АҚШ, Японияда асосий ўринни эгаллаган бўлса, эгри солиқлар салмоғи Франция, Австралия, Ирландия, Греция ва Испанияда асосий ўринни эгаллаган.

Хозирда бир-бирига яқинроқ, тенглашган тўғри ва эгри солиқлар ўртасидаги нисбат Норвегия, Италия, Финляндия ва Швецияда амал қилмоқда.

Тўғри солиқларни роли Буюк Британия, Германия, Финляндия, Канада, Япония ва АҚШда ошган бўлса, эгри солиқлар Австралия, Италия, айниқса, Швецияда жуда юқори суратлар билан ўсиши кузатилди.

- Умуман олганда иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотини (ОЭСР) таркибига кирадиган давлатларда тўғри солиқни салмоғи бир текисда кўтарилиб бориш тенденциясига эга бўлганлиги қайд этилди.

Солиқ тизимидағи таркибий ўзгаришлар асосан, иқтисодий ривожланиш ва инфляцияни эгри солиққа нисбатан, кўпроқ тўғри солиқдан келадиган даромадга тавсифи кучлироқлигига боғлиқдир.

Ушбу таъсирни баҳолайдиган мезон айrim солиқларни ластиклиги ёки эгилувчанлигидир. Солиқларнинг эластиклиги айrim солиқлардан олинадиган тушумларни ўсиши, пасайиши ички ялпи маҳсулотни номинал ифодада ўсиши ва пасайишига боғлиқ.

Давлат томонидан олинадиган солиқлар йигиндиси, уларнинг шакли ва тузилиш усуллари солиқ тизими деб юритилади.

Ривожланган мамлакатларни солиқ тизими қўйидаги хусусиятлар билан таърифланади:

1. Айрим давлатларни иқтисодини солиқ турларига боғлиқлиги бир хил эмасдир ва улар ўзгариб туради.

2. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига кирадиган мамлакатларда 1975 йилгача даромад солиғи, ижтимоий суғуртага ажратмани салмоғи кескин ўсиб борди. Истеъмолга солинадиган солиқ салмоғининг таркиби деярли ўзгармади, лекин 70-йилларнинг иккинчи ярмидан истеъмолга солинадиган солиқ салмоғи ўса бошлади. Айниқса бу ўсишлар Дания, Финляндия ва Буюк Британияда қайд этилди.

3. Истеъмолга солинадиган солиқ ва акциз солиқларини салмоғи кўпчилик мамлакатларда бир хил. Лекин ўтган асрнинг 70-80 йилларида биринчисини салмоғи ошиб, иккинчисиники эса камайиб борди.

Умуман даромад солиғи ва ижтимоий суғурта фондига ажратма ҳажми кўпайиб борди. Акцизларни салмоғи ҳамма давлатларда тушиб кетди, компаниялар фойдасидан олинадиган солиқ деярли ҳамма давлатларда камайиб кетди.

Умумий қабул қилинган солиқларни тўғри ва эгрига бўлиш, бир томондан даромадларга солиқ солишни англатса, иккинчи томондан ҳаражатларга солиқ солишни англатади. Ҳақиқатда уларнинг ўртасидаги фарқ нисбий характерга эга ва бу солиқларни тўловчилар зиммасига юклатишга боғлиқ.

Компанияларни фойдасидан олинадиган солиқ тўғри солиқ ҳисобланади. Агар бу ҳаражат баҳони устига қўйилиб сотилса, эгри солиққа айланади. Қўшилган қиймат солигини баҳога қўшиш имконияти бўлмаса, у тўғри солиққа айланади.

Фақат тўғри ва эгри солиқлар нисбий ҳисобланади, лекин тўғри ва эгри солиққа тортиш тизими бундай ҳисобланмайди. Бу тизим ҳақиқатда мавжуд бўлиб солиқлар йиғиндиси асосида тўлиқ ҳаракат қиласди.

Охирги ўн йилликда тўғри солиқдан олинадиган даромадни ўртacha эластиклиги 1 дан ортиқ, эгри солиқники эса 1 дан паст. Бундан кўриниб турибдики, ривожланган давлатларни солиқ тизими юқори даражадаги эгилувчанликка эга. Шунинг учун, ички ялпи маҳсулот ўсиши билан, уларни “автоматик” равишда солиқ даромадлари ошади.

Хозирги кунда кўпчилик мамлакатлар солиқ солишни юқори даражасига етдилар (давлат томонидан миллый даромадни бир қисмини олиш).

Айниқса бу масалани ижтимоий-сиёсий нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, солиқ солишни янада кучайтириш, кўтариш, жамиятни иқтисодий табиатида сифатли ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Бу муаммо, энг долзарб ва фаол бўлиб, ҳамма солиқ соҳасидаги тадбирлар шу масалани ечишга қаратилган.

2. Ривожланган мамлакатларда солиқ сиёсатининг асосий ўналишлари.

Ривожланган мамлакатларда ҳар хил атамалар билан юритиладиган солиқларни асосий шакллари қуйидагилар: жисмоний шахслардан олинадиган

даромад солиғи, юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, оборот солиғи, ижтимоий суғурта фондига ажратма, истеъмол бўйича маҳсус солиқлар.

Чет эл мамлакатларини маълумотлари асосида солиқ солиш сиёсатини асосий йўналишларини тахминан билиш мумкин.

Солиқ ошишини асосий йўналишларини қўйидагича гурухлар билан ифодалаш мумкин:

- 1) Корпорация солиғи ва компанияларни фойдасига солинадиган бошқа солиқлар;
- 2) Тадбиркорларни ижтимоий суғурта фондига ажратмаси;
- 3) Кўшимча қиймат ҳисобидан бериладиган эгри солиқлар;
- 4) Аҳолидан олинадиган даромад солиғи;
- 5) Солиқ тизимини миллий хусусиятини ифодаловчи солиқлар.

Корпорацион ва компанияларни фойдаларидан олинадиган бошқа солиқлар марказ ва маҳаллий даражаларда солиқ олинадиган соф фойдадан маълум ставкада олинади. Бу тўлов солиқ олишни асосий шакли ҳисобланади. Лекин фойдадан олинадиган солиқни умумий даромаддаги салмоғи катта эмас. Охирги йиллари АҚШда 8-10%, Буюк Британияда 7,5% ва Германияда 5%ни ташкил қиласди. Келажакда буни салмоғи яна тушиб бораётгани сезилаяпти. Умуман, бу солиқни фискал аҳамияти катта эмас.

Мустақил даромадга эга бўлган шахслардан даромад солиғи олиш мазмунан фойдадан олинадиган солиққа ўхшайди. Бу даромадлар дивиденд, фоиз, рента ва фуқароларни (тижорат) фаолиятидан олинадиган даромадлардан ташкил топади. Солиқ жисмоний шахсларни соф даромадидан олинади. Шунинг учун ҳам ўхшаҳ ҳисобланади. Умумий даромадда унинг салмоғи ҳам катта эмас. Масалан, охирги йилларда АҚШда 10-14%, Буюк Британияда 6-7% ва Германияда 5-7%ни ташкил қилди. Бу солиқдан олинадиган даромад динамикаси барқарор эмас ва тушиб бориш тенденцияси сезилмоқда. АҚШда 1986 йилги солиқ ислоҳотида бу солиқда прогрессия камайтирилган. Айниқса, максимал шкала ва ставка даражаси пасайтирилган. Бундан ташқари дивидендларни икки марта солиққа тортиш бўшашиб бораяпти.

Катта даромадлар бўйича прогрессияни камайтириб дивидендларни икки марта солиқ солишдан озод қилишдан мақсад, акционер капитални янги инвестицияларни молиялаштириш, жамғарма тўплашда солиқ тўсқинлигини камайтириб, яширинча иқтисодни чегаралашдан иборат.

Ижтимоий суғурта фондига тадбиркорларни ажратмаси иш ҳақи фондига нисбатан қатъий белгиланган ёки пропорционал ставка билан олиниши кўзда тутилган. Ажратма ишлаб чиқариш ҳаражатига киради ва ишчи кучини кенгайтирилган асосда ишлаб чиқариш учун қаратилган. Ажратма давлатга ҳам, тадбиркорга ҳам қулай тўлов шакли ҳисобланади. Давлатга бу катта даромад манбаи, тадбиркорга эса унинг оғирлиги корпорацион солиқ бўйича солиқ олинадиган фойдани пасайиши ҳисобига камайтирилади. Бундан ташқари, бу ҳаражат маҳсулот баҳосига киритилиб истеъмолчи зиммасига ўтқазилади. Масалан, бу солиқ АҚШда -15%, Буюк Британияда -13% ва

Германияда -25% ортиғини ташкил қилған. Ушбу солиқ шакли барқарор характерга эга бўлиб охирги йилларда ўсиш тенденциясига эгадир.

Эгри солиқлар. Истеъмолдан олинадиган ушбу солиқ тадбиркорлар ажратмасига ўхшаш характерга эга ва солиқ олишни асосий шаклларидан ҳисобланади. -АҚШда 8-9%, Буюк Британияда 20% ортиқ, Германияда 18%ни ташкил қилмоқда.

Ушбу тўловни аҳамияти Буюк Британияда йилдан-йилга ошиб бормоқда, АҚШ ва Германияда эса барқарор бўлиб қолмоқда. Буларда бу солиқларни фарқи шундан иборатки, АҚШда бу солиқлар штат ва маҳаллий органларга қарашли, Буюк Британия ва Германияда эса у умумдавлат солиғи ҳисобланади. Истеъмолдан олинадиган эгри солиқ АҚШда асосан сотишдан олинадиган солиқ бўлиб, Буюк Британия ва Германияда эса у қўшилған қиймат солиғи шаклларида қўлланилади. Бу солиқлар кенг истеъмол товарларига қўлланиб, бир қанча юқори ставкаларда олинади.

Қўшилған қиймат солиғи, ўзининг афзалликлари билан кенг миқёсда тарқалиб бормоқда ва келажақда солиқ йиғишининг асосий методларидан бири бўлиб қолади.

Ёлланма ишчиларни (номинал иш ҳақидан) даромадидан олинадиган солиқ ўз таркибида даромад солиғи ва ижтимоий суғурта фондига ажратмаларни олади. Буюк Британия ва Германияда уни салмоғи сезиларли катта; яъни 17 дан 25% гача, АҚШда эса анча паст.

Даромадни солиққа тортиш тизими деярли ҳамма ривожланган мамлакатларда бир хил. Лекин уларнинг ҳар бирида қўшимча усуллари мавжуд ва миллий хусусиятлари ўз аксини топган.

Кўрсатилган умумий принциплари қўйидагилардан иборат:

Ҳамма солиқ тўловчилар резидент ва норезидентларга бўлинади. Резидент деб ҳисоблаш учун асосий белги- жисмоний шахс шу мамлакатда б ойдан ортиқ бўлиши керак. Солиқ тўловчиларни резидент ва норезидентга бўлишдан мақсад резидентлар даромад солиғини ички ва ташқи манбаларидан тўлайдилар. Яъни, солиқ жавобгарлигини глобал даромади бўйича тақдим этадилар. Норезидентлар факат шу мамлакатда олган даромадлари юзасидан чегараланган солиқ жавобгарлигини берадилар.

Даромад солиғи олишда бошланғич асос - солиқ тўловчини умумий даромади ҳисобланади. Бу даромадга ҳар-хил манбалар киради: иш ҳақи, нафақа, натурал шаклида ҳақ тўлаш ва ҳоказо.

Даромад солиғи олишда умумий даромад билан солиқ солинадиган даромад бир-бирига тўғри келмайди. Солиқ ставкаси охирги даромадга нисбатан қўлланилади. Охирги даромад умумий даромаддан солиқ бўйича қонуний берилган имтиёзлар суммасига фарқ қиласиди.

Ушбу имтиёзлар солиқ олинмайдиган минимум, профессионал харажатлар, оилавий скидкалар, болалар учун скидкалар, ижтимоий сугуртага ажратмалардан ташкил топади.

Кўпчилик давлатларда универсал имтиёз бўлиб солиқ олинмайдиган минимум ҳисобланади. Ймтиёзларнинг қолган турлари айrim давлатлардагина

берилади, масалан Франция, Германия, Японияда қўлланади. Италияда умумий даромад солик олинадиган даромадга тенг бўлади. Бу давлатда ижтимоий сұғурта фондига ажратма берилгандан кейин умумий даромад солик олинадиган даромадга тенг бўлади.

Ривожланган мамлакатларда умумий даромаддан солик скидкаси бериш солик имтиёзларини асосий шакли ҳисобланади. Скидка йўқ жойларда солиқни ҳисобга олиниши (зачёт) ёки даромад солиғи бўйича тўловчини солик мажбуриятини камайтириш қўлланади.

Солик имтиёзларидан (скидка, зачёт) ташқари айрим ривожланган мамлакатларда болаларга давлатдан тўғридан-тўғри тўлов берилади, бу эса даромадни солиқقا тортишни камайтиради. Оилани даромади белгиланган чегарадан юқори бўлмаган ҳолларда тўловни ҳажми болаларни сонига боғлик. Чегарадан юқори бўлса тўлов чегараланади.

Кўрсатилган доимий солик имтиёзлари билан бир қаторда юқорида қайд этилган давлатларда вақтингчалик имтиёзлар қўлланилади.

Бу имтиёзлар маълум гурух ҳаражатларига нисбатан қўлланилади. Ушбу ҳаражатларга қўйидагилар киради: заёмлар бўйича фоизлар, ҳаётни сұғурта қилиш бадали, айрим профессионал ҳаражатлар ва ҳоказо.

Даромад солигининг ставкаси, қоида бўйича, прогрессив шаклда қўлланилиб, улар мураккаб прогрессив ставкалар тартибида тузилади. Охирги йиллари юқори ставкалар кескин пасайиб кетди ва ставкалар сони камайди. Пропорционал ставкага ўтиш даражасини юксалиши кузатилмоқдадир. Англияда асосан 2 та ставка -25 ва 40% ли ставкалар қўлланилади. Италияда эса юқори ставка 56% га ва Японияда 60% га туширилган.

Ишлайдиган эр ва хотин даромад солигини ихтиёрий, даромадларини умумий йифиндисидан тўлайдилар, ёки ихтиёран ҳар бири алоҳида тўлайди. Баъзи давлатларда қўшилган умумий даромаддан солик камроқ тўланади. Қоида бўйича даромад солиғи, ижтимоий сұғурта фондига ажратма иш ҳақи каби манбалардан ишхонада тўланади. Бошқа турдаги даромадлардан солик эр-хотин биргаликда ёки алоҳида ёзган декларациялари асосида олинади.

Иқтисодий ривожланган, етакчи давлатларни солик сиёсати.

Ушбу давлатларда солик сиёсати, охирги йиллари таклифлар иқтисоди (экономика предложений - ЭП) назариясига асосланган.

Саноати ривожланган мамлакатлар 1970-1980 йиллари иқтисодий кризисга учрадилар (инфляция, иқтисодий ўсиш даражаси пасайди, ишсизлар кўпайди, ҳуфия иқтисод ривожланди ва ҳоказо).

Бу ҳолатдан чиқиб кетиш учун солик ставкаси чегарасини кескин тушириш таклиф қилинди.

Таклифлар иқтисодида асосан «А.Лаффер эгриси» етакчи назария ҳисобланиб, унда солиқларни камайтириш кўзда тутилган.

«А.Лаффер эгриси» бўйича бюджетга солиқни келиб тушиши, солик ставкаси ва ишлаб чиқариш даражаси бир-бири билан боғлик. Солик ставкасини кўтариш Лаффер фикрича, солик тушуми ишлаб чиқаришни пасайиши ҳисобига кўпаяди.

Шу мактабни вакили М.Фелдстейн даромад солиғини ставкасини 42% қилиб белгилади. Америкадаги солиқ ислоҳотининг муаллифи сенатор Бредли ва Р.Гефардт 30-35% ли даражани таклиф қилишди. М.Фридмен 25%гача туширди.

«Лаффер эгриси» бўйича солиқнинг мукаммал ставкаси Д.Кейнс кўрсатган 20% ва француз президенти Жискар Д’Эстен таклиф қилган 40% ўртасида бўлиши белгиланган.

Айrim давлатларда 1980-1990 йилларда ўтказилган солиқ ислоҳотлари натижасида солиқ ставкалари пасайтирилди: масалан, корпарация фойдасидан олинадиган солиқ 36% гача ва шахсий даромад солиги 47% гача туширилди.

Таклифлар иқтисоди, давлатни фаол фискал сиёсатига асосланган Кейнс концепцияси солиқ холислиги концепцияси билан алмаштирилди. Бу концепция асосида давлат иқтисодга тўғридан тўғри эмас, билвосита аралashiши ётади. (Катта солиқ солиқни барбод қиласи). Шу нуктаи назардан, солиқ уни тўловчига оғир юк бўлмасдан, иқтисодни ривожлантириш учун қизиқтирувчи омил бўлиши керак, деб таъкидлаш мумкин.

Ҳар бир давлатда юқори солиқ ставкаси шароитида солиқ тўлашдан бош тортиш иқтисод субъектлари ўртасида нақд пул ҳисоб-китобларига ўтиш, фойдани яшириш каби муаммоларни туғдиради.

1970 йилларни охири ва 1980 йилни бошларида давлатларни «Солиқ босқинчилиги» даврида ҳуфиёна секторни обороти кескин ошганлиги қайд этилди.

Айrim маълумотларга кўра ҳозирги кунда ҳуфиёна иқтисод соҳасида АҚШда ички ялпи маҳсулотнинг 15% и яратилади. Бунга ҳар тўрттадан битта ишловчи жалб қилинган. Рақамлар эътиборни ўзига тортиб, таклифлар иқтисоди ёндошувчилари паст солиқ ставкалари ҳуфиёна бизнес билан курашишни самарали қуроли деб ҳисоблайдилар.

Таклифлар иқтисоди тарафдорларини яна бир мақсади ҳар хил компания ва иқтисодиётни айrim тармоқларига солиқ енгилликларини беришни бекор қилиш, уларнинг фикрича, ёки юқори даражадаги солиқ кўп миқдордаги солиқ енгилликлари бериш, ёки паст солиқлар солиқ енгилликларини бекор қилишга олиб келади.

1980 йилларни ўрталарида АҚШда корпоратив секторига берилган енгилликлар федерал бюджетни 1 млрд. доллар потенциал солиқ суммасини йўқолишига олиб келди. Бу кўрсаткич 1995 йили 2,5 млрд. долларни ташкил қилди.

Солиқ ислоҳотлари даврида бу енгилликлар нисбатан камайтирилди. Биринчилик, устунлик инвестицияга бериладиган солиқ енгилликлари учун сақланиб қолдирилди. Чунки бу енгилликлар келажакда компанияларни фойдасини оширади ва натижада давлатни солиқ даромадини кўпайтиради.

Солиқ ислоҳотлари ўтказилишига қарамай, иқтисодий ривожланган мамлакатларда солиқ олиш даражаси бир-биридан кескин фарқ қиласи.

Корпорация фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси 43% га (Италия ва Швейцария), шахсий даромад солиги бўйича эса (Финляндия ва Канада) 32%га

фарқ қиласы.

Табиийки, бундай диспропорциялар А.Смит күрсатганидек, капитал ва мәхнат ресурслари қулай солиқ иқлими яратылған мамлакаттарга ўтиб кетади. Бу ўз навбатида капитал оқиб кетган давлатни иқтисодига салбий таъсир күрсатади.

Мамлакатдан капитални «хайдаб чиқарувчи солиқ», даромад манбаларини, давлат ва бутун жамият даромадини муқаррар нобуд (исроф) қиласы.

Хозирги замон мисолида капитални «хайдаб чиқаришни» қуидаги мисолларда күриш мүмкін. Фақат 1994 йили Франциядан 50 млрд. доллар капитал оқиб кетди ва асосан енгил солиқ солиши тартиби ўрнатылған давлаттарға бориб жойлашды.

Россия федерацияси иқтисодини чет эл инвестициясига бўлған талаби 140 млрд. долларни ташкил қиласы. Ташқи давлаттарга ўтиб кетган Россияни «қочқин» капитали 100-300 млрд. доллар ҳисобида баҳоланған. Капитални «қочиб кетиши» фақат Россияни солиқ тизими эмас, балки солиқ омилларига ҳам боғлиқдир.

Жаҳон иқтисодида солиқ солиши даражаси турли хилларда бўлади.

Солиқ оғирлиги бўйича жаҳон мамлакатларини таҳминан икки гурухга бўлиш мүмкін.

1. Юқори ставкаларда солиқ ундирувчи мамлакатлар
2. Муросасозлик (либерал) тартибида солиқ солиши давлатлари

Юқори даражада солиқ солувчиларга иқтисодий ривожланған ва ривожланаётган давлатлар киради. Фойдага солинадиган солиқ ва шахсий даромад солигининг ставкалари 30-60%ни, фоиз, дивиденд, роялтига тақсимланған фойдага солинадиган солиқ 15-35% ни ташкил этади.

Бу давлатларда компанияларни ташкил қилиш маросими молиявий ҳисобот устидан назорат, солиқ қонунлари бузилғанда жарима ва жиноий жавобгарларларга тортиш қаттиқ тартибда олиб борилади.

Иккинчи гурух - паст солиқ қўллаш хуқуқига эга мамлакатлар. Баъзида «солиқ гавани» (бандаргоҳи), «солиқ оазиси», «солиқдан ҳимояланған пана жой» деб ҳам аталади. Улар ўз навбатида З гурухга бўлинади.

1. Жисмоний ва юридик шахслардан тўғри солиқлар олинмайдиган юрисдикциялар. Буларни «тоза» солиқ бандаргоҳлари ёки солиқсиз юрисдикциялар деб ҳам юритилади.

Бу мамлакатларда компаниялар ва жисмоний шахсларни айрим даромади ва мулклари учун даромаддан олинадиган солиқ, фойдага солинадиган солиқ, мерос ва хадя қилинған моллардан, мулкдорчиликдан олинадиган солиқлар қўлланмайди.

Компаниялар ва жисмоний шахслардан бизнес олиб бориш учун қатъий белгиланған ҳар йилда олинадиган божлар, бир марталик рўйхатга олиш йигимлари каби эгри солиқлар олинади. Эгри солиқ олиш даражаси юқори эмас. Масалан, Кариб регионида компаниялар учун ҳар йилги тўлов фақатгина шартли 100-1600 долларни ташкил қиласы. Бу ўз навбатида даромадидан солиқ тўловчиларга жуда қулай шароитни яратиб берилишини англашади. Катта

даромад олиб, шартли суммани фақат рамзий сифатда тўланади. Тўғри соликлар олинмайдиган давлатларга Андорра, Багам, Бермуд, Кайман ороллари, Науру, Вануату, Теркс, Кайкос, Фарер ороллари киради.

2. Паст даражали тўғри солик олинадиган юрисдикциялар.

Фойдага солинадиган солик, шахсий даромад солиғи ставкалари айрим гуруҳ солик тўловчиларга 30% гача камайтирилиб қўлланилади, ва айрим ҳолларда солик ставкаси 10% дан ортмайди. Бу «солик оазис»ларида ставкаларни бошқа ҳудудларга нисбатан паст ставкада ўрнатилиши даромад оловчи солик тўловчиларни бу ерда солик қонунчилиги билан ўзаро «ҳисобкитоб»ини ўз манфаатини кўзлаб амалга оширишига олиб келади. Ва яна бир бундан келиб чиқадиган хулоса шундаки, жалб қилувчи таъсирга эга бундай шароитлар шу регионларнинг турмуш даражасини ўсишига олиб келади. Чunksи, бу шартлардан фойдаланиш учун қўп солик тўловчилар бу ерда ўз фаолиятларини қайд эттириб, ҳудудлар бюджетига оз-оздан катта маблағлар тушириб берадилар.

Бу гурухга Британия, Виргиния ороллари, Кипр, Гибралар, Венгрия, Истроил, Швейцария киради.

Бу гурухни яна, шу билан бир қаторда, ўзининг юридик ва жисмоний шахслари чет элдан оладиган даромадлари бўйича соликдан озод қилинадиган давлатлар ташкил этади: Коста Рика, Гонконг, Либерия, Малайзия, Панама ва бошқалар киради.

3. Юқори солик ставкали юрисдикциялар.

Бу мамлакатларда айрим компанияларга солик устунлиги берилади. Айрим иқтисодий ривожланган мамлакатлар чет эл инвестициясини келтириш, ташқи иқтисодий алоқани рағбатлантириш учун шу билан шуғулланадиган компанияларга маҳсус солик олиш тартиби ўрнатадилар. Фойдадан олинадиган солик ставкасини тушириш енгиллиги билан бир қаторда, тақсимланадиган фойдадан олинадиган солик ставкалари ҳам пасайтирилади: Бельгия, Ирландия, Люксембург, Нидерландия давлатлари бунга мисол бўла олади.

Яна шуни кўрсатиш керакки, солик гаванларида давлатлар жисмоний ва юридик шахсларни соддалаштирилган солик ҳисботларини қўллайди, айрим давлатларда солик тўламаслик, даромадларни яшириш жиноий жавобгарлик ҳисобланмайди.

Жаҳон иқтисодиётида юқори даражада солик оловчи ва солик гаванлари ўртасида капитал қўйилма ва ишчи кучини қайтадан тақсим қилиш учун кескин ва каттиқ конкуренция, кураш олиб борилмоқда.

Бугунги кунда хорижий мамлакатларда бизнес консалтинг, яъни маслаҳат хизматлари кўрсатиш соҳасида *follow-up support*, яъни тадбиркорларга доимий равишда маслаҳат хизматлари кўрсатиб туриш усули тобора ривожланиб бормоқда. Бундай усулнинг кенг миқёсда ривожланиб боришига маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар сонини мунтазам равишда кўпайиб бориши натижасида улар ўртасида рақобат курашининг кучайиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хорижий мамлакатларда, хусусан, ривожланган

давлатларда консалтинг хизматларининг бундай даражада ривожланиши солиқ маслаҳатининг ҳам ривожланишига олиб келмоқда.

Ривожланган мамлакатлар, жумладан, Япония, Жанубий Корея ва Германия сингари давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, солиқ маданиятининг юқори бўлиши жамоатчилик муносабатлари (Public Relations) нинг кенг миқёсда шаклланганлиги билан бевосита боғлиқdir. Ушбу мамлакатлардаги солиқ хизмати органлари улардаги кўплаб компанияларда бўлгани сингари жамоатчилик билан ишлаш бўлимларига эга бўлишиб, бу ҳам ўз навбатида солиқ маслаҳатига оид хизматлар кўрсатишни акс эттиради. Нафақат солиқ хизмати органлари, балки тадқиқотимизнинг обьекти бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ҳам ўз ташкилий структураларида Public relations department, яъни жамоатчилик билан ишлаш бўлимларига эга бўлиши, бу улар томонидан кўрсатиладиган солиқ маслаҳати хизматларининг сифатини янада кўтарилишига имкон яратади.

Жанубий Кореяда эса Миллий солиқ хизмати таркибида солиқ тўловчиларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича алоҳида Марказ ташкил этилган бўлиб, унда солиқ тизимида камида 10 йил ишлаган ва етарли тажрибага эга бўлган ходимларнинг фаолият юритиши белгилаб қўйилган.

Хорижий мамлакатларнинг солиқ соҳасидаги тажрибасини умумийлаштирган ҳолда қуидагиларни айтиш мумкин:

- хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини ташкил этишга интеграл тарзда ёндашилаётган бўлиб, бунда ҳам давлат ва ҳам хусусий мулк вакилларининг фаол иштироки намоён бўлади. Масалан, Ҳиндистонда ҳам давлат ва ҳам хусусий компаниялар томонидан солиқ маслаҳати хизматлари кўрсатилади. Мамлакатнинг кўплаб штатларида давлат томонидан ташкил этилган Солиқ маслаҳатчилари палаталари бўлиш билан бирга хусусий мулкдорларнинг ташабbusлари билан ташкил этилган Солиқ маслаҳатчилари палаталари ҳам фаолият кўрсатиб келишмоқда;

- хорижий мамлакатлар, хусусан ривожланган мамлакатлар ва бир қатор ривожланаётган мамлакатларда солиқ маслаҳати хизматлари давомийлик характерига эга бўлиб, бу солиқ маслаҳатчилари билан уларнинг мижозлари ўртасидаги ўзаро ишончли муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда ва ҳ.к.

Бахс мунозаралар учун саволлар

1. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини амалга ошириш тартиблари?
2. Ривожланган мамлакатларда солиқ маъмурчилигини амалга ошириш таҳлили.

3. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини самарали амалга оширишга таъсир этувчи омиллар

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

3. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳукуқий тартибга солишини янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognози va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

7. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

8. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma’muriyatichiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

9. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta‘minlashga doir qo‘srimcha chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-son qonuni

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. ҳисобот

11. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 y. Emerald Group Publishing limited.

12. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011
13. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.
14. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.
15. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.
16. VahobovA.V., MalikovT.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: “Noshir”, 2012. 712-bet.
17. Ваҳобов А.В, Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машгулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машгулотлар республикамиздаги илфор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машгулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллый инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникумалар ҳосил қиладилар.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 - амалий машгулот. Солиқ маъмурчилиги тизимини шакллантириш янада такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари. (4 соат) Режа

1. Иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши ва диверсификациялашуви шароитида солиқ маъмурчилиги ва назоратини янада такомиллаштиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари
2. Солиқ маъмурчилиги ва назоратини ташкил қилишнинг назарий асослари
3. Солиқ маъмурчилигини тубдан такомиллаштиришда Давлат солиқ маъмурчилиги босқичлари: режалаштириш, прогнозлаштириш, солиқлар орқали тартибга солиш, солиқ назорати
4. Солиқ сиёсатида солиқ маъмурчилиги ва назоратининг асосий йўналишлари

Калит сўзлар: солиқ маъмурчилиги ва назорати, солиқ маъмурчилиги функциялари, тадбиркорлик, саноат тармоғи, фермер хўжаликлари, иқтисодий самарадорлик, ишлаб чиқариш, ялпи, товар маҳсулот, ялпи даромад, соғ даромад, фойда

1. Иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши ва диверсификациялашуви шароитида солиқ маъмурчилиги ва назоратини янада такомиллаштиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари

Республикамиз ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ривожланишининг ишлаб чиқаришнинг модернизациялашуви шароитида солиқлар воситасида бир томондан тартибга солиш иккинчи томондан эса рағбатлантириш ҳамда иккала

жараённи тўғри ташкил эта олиш хўжалик юритувчи субъектларимиз фаолиятининг бозор муносабатларининг иқтисодий талабларига мослашишида, уларнинг босқичма-босқич ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва унда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан кейинги йилларда солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, айрим йўналишлар бўйича солиқ солиш тизимларини такомиллаштириш бўйича қатор меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ тизими олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши ушбу тизимнинг самарали фаолият қўрсатишига боғлик. Ўз навбатида, солиқ тизимининг самарали фаолият қўрсатиши эса мамлакатда солиқ маъмурчилиги қандай ташкил этилганлигига боғлик бўлади. Юқоридаги сабабларга кўра, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда солиқ маъмурчилиги масалаларига алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор иқтисодиёти принципларига жавоб берадиган солиқ тизимининг шаклланганлиги, Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодексининг қабул қилинганлиги, солиқларни бошқаришнинг замонавий методлари ва механизмларининг жорий этилганлиги, солиқ органлари яхлит тизимининг яратилганлиги бозор инфрату- зилмасини шаклланиши ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Бироқ, мамлакатимиз амалиёти ва илғор хориж тажрибасининг чуқур таҳлили республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилишнинг зарурлигини қўрсатмоқда. Чунки, таҳлилларнинг қўрсатишича, солиқ органларининг функциялари, ваколатлари ва тузилмаси замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадолмаяпти, улар фискалъмолия органлари тузилмасида, энг аввало, солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш Давлат бюджети даромадлар қисмини барқарор шакллантиришнинг белгиланган топшириқларини бажариш масалаларида ҳали етакчи ўринни эгаллагани йўқ.

2. Солиқ маъмурчилиги ва назоратини ташкил қилишнинг назарий асослари

Мамлакат аҳолиси, шунингдек, хўжалик субъектлари солиқ маъмурчилиги тўғрисида аниқ ва тўлиқ тасаввурга эга эмас. Иқтисодий адабиётда солиқ маъмурчилиги хусусида турлича иқтисодий қарашлар мавжуд. Шунингдек, мамлакатимизда солиқ маъмурчилигининг ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш эҳтиёжи вужудга келмоқда. Юқоридаги масалаларга аниқлик киритмасдан туриб, солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни

такомиллаштиришни амалга ошириб бўлмайди.

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатларнинг барчаси танланган диссер- тация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради, ушбу мавзуда мустақил, маҳсус чуқур илмий тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Солик маъмурчилигининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишлиланган дастлабки ишлар россиялик иқтисодчи олимлар Бурцев Д.Г., Грунина Д.К., Горский И.В., Дадашев А.З., Дуканич Л.В., Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. ва бошқалар томонидан амалга оширилиб, уларда Россия Федерациясидаги солик маъмурчилигига тегишли бўлган ҳолатлар ўз аксини топмоқда⁴.

Ўзбекистонда солик маъмурчилигининг айрим амалий жиҳатлари О.Қ.Абдураҳмонов, М.И.Альмардонов, А.В.Ваҳобов, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов, О.К.Иминов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Б.Э.Тошмуродова, Ш.А.Тошматов, Қ.А.Яҳъёев, Н.Р.Қўзиева, Н.Х.Ҳайдаров ва бошқаларнинг илмий ишларида⁵ таҳдил қилинган. Бироқ, ушбу масала ҳозирга қадар илмий тадқиқотчилар томонидан мустақил тадқиқот обьекти сифатида тадқиқ этилмаган. Шу муносабат билан, мамлакатимизда солик маъмурчилигини янан самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, уни амалга ошириш лозим.

Солик маъмурчилигининг иқтисодий моҳиятини аниқлашда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим. а) солик маъмурчилиги солик муносабатларини бошқариш тизимиdir. б) солик маъмурчилиги давлат солик сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди ва шунга хизмат қиласди. в) солик маъмурчилиги солик органлари фаолиятини мувофиқлаштириб туради; г) солик маъмурчилиги солик ҳуқуқининг қоидаларига асосланади, уларни ўзига хос тарзда тўлдиради, уни назарий ва амалий нуқтаи-назардан солик механизмининг ўзига хос стержени сифатида талқин этиш мумкин; д) солик муносабатлари солик маъмурчилиги предметини ташкил этади; е) солик маъмурчилиги моҳияти, конкрет ҳолда, у томонидан бажарилиши мумкинбўлган функциялар орқали намоён бўлади.

Солик маъмурчилигининг моҳиятини аниқлашда солик тизими тузилиши

⁴ Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. Налоговое администрирование. Учебное пособие. М.: изд-во Омега Л.,2005. – 408 с.; Грунина Д.К. Основы налогового администрирования. – М.: ФА при Правительстве РФ, 2003.- 148 с.; Дадашев А.З., Лобанов А.В. Налоговое администрирование в Российской Федерации. – М.: Книжный мир, 2002. – 202 с.; Бурцев Д.Г. Изменения в налоговом администрировании в условиях модернизации налоговых органов // Налоговый вестник. 2002. № 1. С.23-27.

⁵ Ваҳобов А.В., Жўраев А.С. Соликлар ва соликқа тортиш / Дарслик. – Т.: Шарқ, 2009. – 448 б.; Ваҳобов А. ва бошк. Бюджет-солик сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2005. – 480 б.; Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ф. Солик назарияси. – Т.: ТМИ, 2004. -210 б.; Зайналов Ж.Р. Соликлар ва соликқа тортиш. – С.: СКИ, 2002. – 366 б.; Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Соликқа тортишни таҳдил этишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Akademiya”, 2005. – 130 б.; Маликов Т.С. Соликлар ва соликқа тортишнингдолзарб масалалари. – Тошкент: “Академия”, 2002. – 202 б.; Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солик сиёсати. – Тошкент: “Академнашр”, 2011. – 472 б.; Тошмуродова Б. Солик муносабатларини оптималлаштириш. Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2005. – 265 б.; Тошмуродова Б. Соликлар воситасида иқтисодиётни бошқариши механизми / Монография. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда соликлар роли / Монография. –Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Яҳъёев Қ.А. Соликқа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 248 б.; Ҳайдаров Н.Х. Соликлар ва соликқа тортиш масалалари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Akademiya”, 2007. –256 б. ва бошқалар.

ва солиқ сиёсатини ташкил этишнинг принциплари муҳим роль ўйнайди. Ушбу принципларни уч гурухга бўлиш мумкин: 1) соликка тортиш жараёнларини маъмурий бошқаришни ўзида акс эттирувчи ташкилий принциплар (умумийлик, тенглилик, ўзгарувчанлик); 2) соликларнинг иқти- содиётга таъсирини ўзида ифодалайдиган иқтисодий принциплар (самарадорлилик, тежамкорлилик, тенг тақсимланиш); 3) солик муносабатларининг қонун нуқтаи назаридан аниқлигини кўрсатувчи принциплар (бирлик-ягоналик, барқарорлик, аниқлилик).

Фикримизча, солик маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи таърифи ушбу жараёнда эътиборга қаратилиши керак бўлган барчаҳолатларни ҳисобга олиши зарур. Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб солик маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи қуидагича таъриф бериш мумкин: “Солик ҳуқуқи қоидаларига таянган ҳолда солик сиёсатини амалга оширишга хизмат қиласиган, солик органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солик муносабатларини бошқариш тизимиға солик маъмурчилиги дейилади”.

Бизнингча, солик маъмурчилиги мазмун-моҳиятини янада тўлароқ ифодалаш мақсадида унга берилган янги таърифда олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, яна икки ҳолатга эътибор берилган ва улар янги таърифда инобатга олинган. Бу, биринчидан, солик маъмурчилигининг солик ҳуқуқи қоидаларига таяниши бўлса, иккинчидан, унинг солик сиёсатини амалга оширишга хизмат қилишидир.

Солик маъмурчилиги маълум маънода, бевосита бошқарувга дахлдор бўлганлиги учун унга бошқарувга тегишли бўлган барча функциялар хосдир.

Шунинг учун хам, солик маъмурчилиги функциялари таркибига, умумий тарзда, қуидагиларни киритиш мумкин: а) режалаштириш; б) ҳисобга олиш;

в) назорат; г) тартибга солиш. Бироқ, солик маъмурчилиги функцияларининг бу тарзда ифодаланиши, фикримизча, мавхум бўлиб, унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини мутлақо ифода этмайди. Шунинг учун солик маъмурчилиги функцияларида унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари аниқ акс эттирилиши ва бу функцияларнинг фақат солик маъмурчилигига хос эканлиги аниқ кўриниб туриши лозим. Агар солик маъмурчилигинингэнг аввало солик муносабатларини бошқариш тизими эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда унинг функцияларини қуидаги кўринишда ифодалаш мумкин: 1) солик муносабатларини режалаштириш; 2) солик муносабатларини ҳисобга олиш; 3) солик муносабатларини назорат қилиш; 4) солик муносабатларини тартибга солиш.

Амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатишича солик маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш нуқтаи- назаридан, шу жойда қатор муаммолар мавжуд. Фикримизча, дастлабки муаммо сифатида солик салоҳияти жумладан, худудларнинг солик салоҳияти етарли даражада тўғри башоратланмаётганлиги ва баҳолан маётганлигини кўрсатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, бюджет тизимининг турли даражаларида

солик тушумларининг режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришга, минтақаларнинг солик фаоллиги даражаси ва солик имкониятларини аниқлаш, таққослаш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини етарли даражада тавсифлаш имконини бермаяпти. Ушбу ҳолатни турли соликлар бўйича солик тушумларининг мамлакатимиз, жумладан, алоҳида олинган маъмурий ҳудудлар бўйича режалаштирилиши ва ушбу кўрсаткичларнинг хисобот даврида бажарилишини характерлайдиган кўрсаткичлар яққол кўрсатади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда солик маъмурчилигининг самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган қарорларни қабул қилишда масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор бермоқ лозим. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, қўйидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим:

- соликларни бюджетга йиллар бўйича ундирилиш режаларининг бажарилишида Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий ҳудудлари бўйича нореал, етарлича асосланмаган, субъектив омилларнинг таъсирида тузили- шига йўл қўймаслик керак;
- солик тушумлари бўйича тузилган режаларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш режалари билан узвий равища боғлиқлигини таъминлаш лозим;
- мамлакат ва унинг маъмурий ҳудудлари миқёсида соликларни солик тўловчилар томонидан бюджетга ўз вақтида тўламаслик, молия-бюджет-тўлов интизомига риоя қиласлик ҳолларининг содир этилаётганлигига чек қўйиш зарур;
- соликлар бўйича берилган имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш, соликка тортиш базасини онгли равища нотўғри белгилаш, тегишли солик ставкаларини нотўғри қўллаш ҳолатларининг олдини олишга эришмоқ керак;
- аксарият ҳолларда объектив сабаблар ва келгуси давларда вужудга келиши мумкин бўлган мураккаб молиявий вазиятни инобатга олмаган ҳолда доимо бюджет манфаатларининг биринчи ўринга қўйилаверишига чек қўйиш зарур

3. Солик маъмурчилигини тубдан такомиллаштиришда Давлат солик маъмурчилиги босқичлари: режалаштириш, прогнозлаштириш, соликлар орқали тартибга солиш, солик назорати

Солик маъмурчилигининг иқтисодий моҳиятини аниқлашда қўйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим. а) солик маъмурчилиги солик муносабатларини бошқариш тизимиdir. б) солик маъмурчилиги давлат солик сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди ва шунга хизмат қиласди. в) солик маъмурчилиги солик органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турди; г) солик маъмурчилиги солик ҳуқуқининг қоидаларига асосланади, уларни ўзига хос тарзда тўлдиради, уни назарий ва амалий нуқтаи-назардан солик механизмининг ўзига хос стержени сифатида талқин этиш мумкин; д)

солиқ муносабатлари солиқ маъмурчилиги предметини ташкил этади; е) солиқ маъмурчилиги моҳияти, конкрет ҳолда, у томонидан бажарилиши мумкинбўлган функциялар орқали намоён бўлади.

Солиқ маъмурчилигининг моҳиятини аниқлашда солиқ тизими тузилиши ва солиқ сиёсатини ташкил этишнинг принциплари муҳим роль ўйнайди. Ушбу принципларни уч гурухга бўлиш мумкин: 1) солиқка тортиш жараёнларини маъмурий бошқаришни ўзида акс эттирувчи ташкилий принциплар (умумийлик, тенглилик, ўзгарувчанлик); 2) солиқларнинг иқти- содиётга таъсирини ўзида ифодалайдиган иқтисодий принциплар (самарадорлилик, тежамкорлилик, тенг тақсимланиш); 3) солиқ муносабатларининг қонун нуқтаи назаридан аниқлигини кўрсатувчи принциплар (бирлик-ягоналик, барқарорлик, аниқлилик).

Фикримизча, солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи таърифи ушбу жараёнда эътиборга қаратилиши керак бўлган барчаҳолатларни ҳисобга олиши зарур. Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи қуидагича таъриф бериш мумкин: “Солиқ ҳуқуқи қоидаларига таянган ҳолда солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қиласиган, солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизимиға солиқ маъмурчилиги дейилади”.

Бизнингча, солиқ маъмурчилиги мазмун-моҳиятини янада тўлароқ ифодалаш мақсадида унга берилган янги таърифда олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, яна икки ҳолатга эътибор берилган ва улар янги таърифда инобатга олинган. Бу, биринчидан, солиқ маъмурчилигининг солиқ ҳуқуқи қоидаларига таяниши бўлса, иккинчидан, унинг солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қилишидир.

Солиқ маъмурчилиги маълум маънода, бевосита бошқарувга даҳлдор бўлганлиги учун унга бошқарувга тегишли бўлган барча функциялар хосдир.

Шунинг учун ҳам, солиқ маъмурчилиги функциялари таркибига, умумий тарзда, қуидагиларни киритиш мумкин: а) режалаштириш; б) ҳисобга олиш;

в) назорат; г) тартибга солиш. Бироқ, солиқ маъмурчилиги функцияларининг бу тарзда ифодаланиши, фикримизча, мавҳум бўлиб, унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини мутлақо ифода этмайди. Шунинг учун солиқ маъмурчилиги функцияларида унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари аниқ акс эттирилиши ва бу функцияларнинг факат солиқ маъмурчилигига хос эканлиги аниқ кўриниб туриши лозим. Агар солиқ маъмурчилигинингэнг аввало солиқ муносабатларини бошқариш тизими эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда унинг функцияларини қуидаги кўринишда ифодалаш мумкин: 1) солиқ муносабатларини режалаштириш; 2) солиқ муносабатларини ҳисобга олиш; 3) солиқ муносабатларини назорат қилиш; 4) солиқ муносабатларини тартибга солиш.

Амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатишича солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш нуқтаи-

назаридан, шу жойда қатор муаммолар мавжуд. Фикримизча, дастлабки муаммо сифатида солиқ салоҳияти жумладан, худудларнинг солиқ салоҳияти етарли даражада тўғри башоратланмаётганлиги ва баҳолан маётганлигини кўрсатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, бюджет тизимининг турли даражаларида солиқ тушумларининг режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришга, минтақаларнинг солиқ фаоллиги даражаси ва солиқ имкониятларини аниқлаш, таққослаш ва худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини етарли даражада тавсифлаш имконини бермаяпти. Ушбу ҳолатни турли соликлар бўйича солиқ тушумларининг мамлакатимиз, жумладан, алоҳида олинган маъмурий худудлар бўйича режалаштирилиши ва ушбу кўрсаткичларнинг ҳисобот даврида бажарилишини характерлайдиган кўрсаткичлар яққол кўрсатади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда солиқ маъмурчилигининг самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган қарорларни қабул қилишда масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор бермоқ лозим. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, қуйидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим:

- соликларни бюджетга йиллар бўйича ундирилиш режаларининг бажарилишида Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий худудлари бўйича нореал, етарлича асосланмаган, субъектив омилларнинг таъсирида тузили- шига йўл қўймаслик керак;
- солиқ тушумлари бўйича тузилган режаларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш режалари билан узвий равишда боғлиқлигини таъминлаш лозим;
- мамлакат ва унинг маъмурий худудлари миқёсида соликларни солиқ тўловчилар томонидан бюджетга ўз вақтида тўламаслик, молия-бюджет-тўлов интизомига риоя қиласлик ҳолларининг содир этилаётганлигига чек қўйиш зарур;
- соликлар бўйича берилган имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш, солиққа тортиш базасини онгли равишда нотўғри белгилаш, тегишли солиқ ставкаларини нотўғри қўллаш ҳолатларининг олдини олишга эришмоқ керак;
 - аксарият ҳолларда объектив сабаблар ва келгуси давларда вужудга келиши мумкин бўлган мураккаб молиявий вазиятни инобаттга олмаган ҳолда доимо бюджет манфаатларининг биринчи ўринга қўйилаверишига чек қўйиш зарур

4. Солиқ сиёсатида солиқ маъмурчилиги ва назоратининг асосий йўналишлари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бошқа соҳалари қатори солиқ тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, солиқ қонунчилигининг тобора такомиллаштирилаётгани, тизимдаги янгилик ва ўзгаришлар юртимизда ишбилармонлик мухитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

2018 йилги бюджет ва солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилганлиги таъкидланди.

Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилган.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда, хусусан:

Биринчидан, солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлигини, солиқ солиш масалаларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминламаяпти.

Солиқ тўловчиларнинг, энг аввало, тадбиркорлик субъектларининг уларга тўғридан-тўғри мuloқotsiz хизмат кўрсатишни таъминлайдиган "солиқ тўловчининг шахсий кабинети"дан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш бўйича фаол иш ташкил этилмаган;

Иккинчидан, солиқ органларининг ташкилий-штат тузилмаси солиқ солиш обьектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида йиғиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар қилиш имконини бермаяпти;

Учинчидан, солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг аҳволи ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш, солиқ солишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш, шунингдек бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогнозлаштириш фаолияти такомиллаштиришни талаб қилмоқда;

Тўртинчидан, солиқ назоратини ташкил қилиш механизmlарининг мукаммал эмаслиги, шу жумладан солиқ текшируви обьектларининг зарур таҳлилсиз белгиланиши солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниqlаш ва уларни барвақт профилактика қилиш самарадорлигини пасайтиromoқда;

Бешинчидан, солиқ низоларини судгача ҳал этиш - солиқ апелляцияси институти имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги солиқтўловчиларнинг суд органларига мурожаатлари кўпайишига олиб келмоқда;

Олтинчидан, солиқ солиш тизимининг мураккаблиги ва бир хил солиқ солиш базасига эга солиқларнинг етарли даражада унификация қилинмаганлиги, солиқконунчилигининг ўзгарувчанлиги

солиқ тұловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини тұлық бажариш имконини бермаяпти;

еттингидан, солиқ органларининг Давлат бюджетига тушумлар тұлықлигини таъминлаш фаолияти устидан ташқи назорат механизмларининг мавжуд әмаслиги солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ва солиқ тұловчиларни ҳисобга олиш имконини бермаяпти;

саккизинчидан, солиқ тұловчиларнинг солиқларни тұлаш бүйича ўз конституциявий бурчини ихтиёрий бажаришини таъминлашга қаратылған ҳуқуқий мәданиятини ошириш юзасидан, айникса, жойларда амалға оширилаётган ишларни такомиллаштириш талаб этилади;

тұққизинчидан, бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти устидан самарали солиқ назорати ўрнатылмаганлиги маҳаллий бюджетларни тұлдириш учун мавжуд резервларни тұлық сафарбар қилиш, шунингдек нақд пул маблағларининг кафолатлы қайтишини таъминламаяпти;

ўнинчидан, солиқлар ва бошқа мажбурий тұловларни йиғиш күрсаткышларини яхшилаш, коррупция күринишларини профилактика қилиш, шунингдек солиқорғанларида хизмат қилишга ҳалол ва юқори малакали кадрларни жалб этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йұналиши бүйича Харакатлар стратегиясидегі солиқ солиши тизими니 изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмурологияның замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тұловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида:

1. Құйидагилар Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимины ислоҳ этишнинг муҳим йұналишлари ҳисоблансын:

бириңидан, солиқ маъмурологияның жараёнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилған таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тұловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тұғридан-тұғри мулокотсиз электрон хизмат күрсатишига тұлық үтиш;

иккінчидан, солиқ солиши объектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатлы органлар ва ташкилоттар мансабдор шахсларининг солиқ солиши масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бүйича масъулиятини кучайтириш;

учинчидан, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тұловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарлар профилактикасининг таъсирчан механизmlарини ишлаб чиқиш ва солиқ тұловчиларнинг ҳуқуқий мәданиятини ошириш, солиқ назоратини амалға оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

тўртингидан, макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва худудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқкамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчидан, фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама қўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ўзаро ҳисобкитоблар механизмларини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқсолинадиган базани кенгайтириш;

олтинчидан, солиқ солиш масалаларида, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

еттингидан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Солиқ маъмурчилигининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?
2. Солиқ тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳамда унинг самарадорлигига қандай омиллар таъсир этади?
3. Солиқ маъмурчилиги ва назоратининг устувор йўналишлари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболлариiga бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

3. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 авгуstdаги 677-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуритчилигини тубдан такомиллаштириш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozi va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

7. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

8. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma‘muriyatichiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

9. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta’minlashga doir qo‘sishimcha chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-son qonuni

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. хисобот

11. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 y. Emerald Group Publishing limited.

12. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011

13. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.

14. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.

15. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.

16. VahobovA.V., MalikovT.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: “Noshir”, 2012. 712-bet.

17. Ваҳобов А.В, Жўраев А.С. Соликлар ва соликқа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

2-амалий машғулот: Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар билан ишлар ва назоратини ташкил қилишнинг хусусиятлари (6 соат)

Режа

1. «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да солиқ тўловчилар билан ишларни янада ривожлантиришнинг аҳамияти
2. Солиқ тўловчиларга бериладиган идентифакацион рақамлар (СТИР)нинг солиқ тизимидағи моҳияти
3. Солиқ тўловчилар билан иш ташкил қилишнинг хусусиятлари

Калит сўзлар: солиқ тўловчилар, солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш, СТИР, солиқларни прогнозлаш ва режалаштириш.

1. «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да солиқ тўловчилар билан ишларни янада ривожлантиришнинг аҳамияти.

Эркин рақобат муҳитини яратиш, нархларнинг барқарорлиги ва имтиёзларнинг манзиллилигини таъминлаш мақсадида имтиёзларни ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатишнинг алоҳида турларига жорий этган ҳолда уларни индивидуал тартибда бериш амалиётидан воз кечиш.

имтиёзлар беришнинг самарадорлигини баҳолаш ва доимий мониторинг қилиш тизимини жорий этиш;

имтиёзларни муайян молиявий ижтимоий натижага эришиш шарти билан бериш;

божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қайта кўриб чиқсан ҳолда ишлаб чиқариш (хизматлар қўрсатиш)да фойдаланиладиган товарлар бўйича имтиёзларни бекор қилиб, мақбул бож тўлови ставкаларини белгилаш;

имтиёзларни алоҳида субъектларга эмас, балки соҳалар ёки товарлар (хизматлар, ишлар) турларига нисбатан жорий этиш назарда тутилади.

Солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш.

ўз эҳтиёжи учун обьектлар қураётган, янги ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўловини маълум муддатга кечикириш хуқуқини бериш;

кичик корхоналар учун қўшимча қиймат солиги тўлашга ўтишини рағбатлантириш тизимини жорий қилиш назарда тутилади.

Кичик корхоналарни тез суръатларда ривожланиб, ишчилар сонини кўпайтириши ҳамда йирик корхоналар тоифасига ўтишини рағбатлантирувчи тизим жорий этиш.

ишлилар сонини ошираётган, тез суръатлар билан ривожланаётган кичик корхоналарга қўшимча солиқ имтиёзларини бериш орқали уларни йирик корхоналар тоифасига ўтишини рағбатлантиришни назарда тутувчи механизмларни жорий этиш назарда тутилади.

Солиқ маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ва методологиясини тубдан такомиллаштириш, ушбу тизимни илғор халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш.

Солиқ кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни тубдан такомиллаштириш;

солиқ маъмуриятчилигининг максимал даражада шаффоғлигини таъминлаш механизмларини ташкил этиш;

замонавий инновацион ғоялар ва тартиб-таомилларни жорий қилиш, электрон ахборот базаларидан самарали фойдаланиш асосида солиқ солиш базасини кенгайтириш;

кичик корхоналарга ягона солиқ солишда ялпи даромадни солиққа тортишдан фойдани солиққа тортишга ўтиш;

пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш мақсадида унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш;

давлат солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан тўлдириш, соҳада суиистеъмолчилик ҳолатларига барҳам бериш бўйича янги тизимни яратиш масалалари назарда тутилади.

2. Солиқ тўловчиларга бериладиган идентификацион рақамлар (СТИР)нинг солиқ тизимидағи моҳияти

Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиши масалалари Солиқ кодексининг (СК) 13-боби билан тартибга солинади.

Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйишининг умумий қоидалари

Давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритади. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш уларни ҳисобга қўйиш ва улар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш орқали амалга оширилади.

Солиқ тўловчи ҳисобга қўйилаётганда унга солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) берилади ҳамда солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисобга қўйиш маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига (кейинги ўринларда - Ягона реестр) киритилади. **Ягона реестр ДСҚ томонидан юритилади.**

Давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчига СТИР берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки солиқ тўловчи бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

СТИР - нима у?

СТИР муайян солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганда унга бериладиган рақамдир. У муайян солиқ тўловчига бир марта берилади. СТИР ўзгармайди ва бекор қилинганидан кейин бошқа солиқ тўловчига берилмайди.

СТИР қўйидагиларда албатта ёзиб қўйилиши керак:

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада, рўйхатдан ўтказиш давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида уларни ҳисобга қўйиш билан бир вақтда амалга оширилади;

фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланишга доир лицензиясида;

чеклардан ташқари, пул билан ҳисоб-китоб қилинадиган тўлов хужжатларида, шунингдек уларнинг электрон шаклида;

давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган молиявий ва солиқ ҳисоботи хужжатларида;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан тузиладиган хўжалик, фуқаролик-хуқуқий ҳамда меҳнат шартномаларида;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар битимлар тузганлигини белгиловчи ёки тасдиқловчи хужжатларда, шу жумладан ҳисобварак-фактуралар ҳамда транспорт хужжатларида;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларда қиймат ифодасига эга бўлган молиявий, мулкий ҳамда бошқа мажбуриятлар юзага келганлигини, шунингдек уларнинг бажарилишини белгиловчи ёки тасдиқловчи хужжатларда.

Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш

Солиқ тўловчи сифатида қўйидагилар ҳисобга қўйилади:

юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ўzlари жойлашган ердаги (почта манзилидаги) давлат солиқ хизмати органида;

жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органида;

юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари - доимий муассасанинг жойлашган еридаги ва (ёки) фаолиятни амалга ошираётган жойидаги давлат солиқ хизмати органида;

СКга мувофиқ мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчилар бўлган юридик ва жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари - солиқ солиши объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органида.

Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тартиби

Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичida давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари (бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйиладиганлардан ташқари) солиқ солиши объекти

вужудга келган кундан эътиборан ўн кун ичидаги СКга мувофиқ давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт.

Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари мазкур фаолиятни амалга ошириш бошланган кундан эътиборан бир юз саксон уч кундан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Доимий муассаса орқали фаолиятни амалга ошираётган юридик шахснинг - Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризасига шартнома ёки юридик шахс - Ўзбекистон Республикасининг норезиденти номидан Ўзбекистон Республикасида иш юритиш учун берилган ишончнома, шунингдек мажбуриятларининг бажарилиши доимий муассаса ташкил топишига олиб келадиган шартнома мавжуд бўлса, шу шартнома илова қилинади.

СКга мувофиқ ер солиғи, шунингдек кўчмас мулкка тааллуқли қисмida мол-мулк солиғи тўловчилари бўлган юридик ва жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ер участкасига, кўчмас мулкка бўлган ҳуқук давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичидаги давлат солиқ хизмати органига транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага унда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчилар бўлган юридик шахслар ёқилғи қўйиш станциясига бўлган ҳуқук давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичидаги давлат солиқ хизмати органига транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага унда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Давлат солиқ хизмати органи ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида солиқ тўловчига СТИРни беради, солиқ тўловчи ҳақидаги ҳисобга қўйиш маълумотларини Ягона реестрга киритади ва тегишли ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва гувоҳноманинг шакли ДСҚ томонидан тасдиқланади.

Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш

Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш солиқ солиши объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш у юқорида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилганидан кейин, агар СКга мувофиқ солиқ тўловчидаги солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилмаган жойдаги ер солиғи ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш мажбурияти юзага келган бўлса, амалга оширилади.

Ҳисобга қўйилмаган жойдаги ер солиғини ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш мажбурияти юзага келган солиқ тўловчи тегишли ер участкасида (ёки ер участкасида бўлган хуқуқ билан бирга тегишли кўчмас мулк обьектига) бўлган хуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ёхуд сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш обьекти вужудга келган кундан эътиборан ўн кун ичида солиқ солиш обьектларини улар жойлашган ерда ҳисобга қўйиш учун давлат солиқ хизмати органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат этиши керак.

Объектлар бўйича ҳисобга қўйилиши давлат солиқ хизмати органлари томонидан мустақил равища амалга ошириладиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчи - жисмоний шахсларга нисбатан юқорида кўрсатилган мажбурият татбиқ этилмайди.

Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг илгари берилган СТИРига мувофиқ солиқ тўловчи мурожаат этган кундан уч кундан кечиктирмай уни обьектлар бўйича ҳисобга қўяди.

Солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари

Юридик шахс - солиқ тўловчи тўғрисидаги асосий ҳисоб маълумотлари қўйидагилардан иборат:

СТИР;

номи (тўлиқ ва қисқартирилган номи);

жойлашган ери (почта манзили).

Бундан ташқари юқорида назарда тутилган асосий ҳисоб маълумотларига кўшимча равища қўйидагилар ҳам ҳисоб маълумотлари ҳисобланади:

ташкилий-ҳуқуқий шакли;

солиқ мажбуриятларини мустақил равища бажарадиган алоҳида бўлинмалар, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг таркибига кирувчи юридик шахслар учун - солиқ тўловчи қайси ташкилотнинг таркибига кирса, шу ташкилот;

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жой ва тартиб рақами;

тижорат ташкилотлари учун - устав фондининг (устав капиталининг) миқдори;

тижорат ташкилотлари учун, акциядорлик жамиятлари бундан мустасно, муассисларнинг - Ўзбекистон Республикаси резидентларининг солиқ тўловчи тарикасидаги идентификация рақамини ҳамда ҳар бир муассиснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини ҳам кўрсатган ҳолда муассисларнинг тўлиқ таркиби.

Жисмоний шахс - солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари қўйидагилардан иборат:

СТИР;

фамилияси, исми ва отасининг исми;

фуқаролиги;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун - фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди);

паспортининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи;

яшаши жойи (манзили).

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қуийидагилар ҳам солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлариdir:

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жой ва тартиб рақами;

фаолият тури;

фаолият амалга ошириладиган жой.

Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш

Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш солиқ тўловчилар ҳамда СКнинг 84-моддасида назарда тутилган органлар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турмаган солиқ тўловчилар аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари уларга белгиланган тартибда ҳисобга туриш тўғрисида талабнома тақдим этади. Бундай талабнома олинганлиги шахсни қонунда белгиланган жавобгарликдан озод этмайди.

Ягона реестрга киритилган юридик ва жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ҳисоб маълумотларидағи ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда маълум қилишлари шарт.

Жисмоний шахснинг доимий яшаши жойи ўзгарган тақдирда давлат солиқ хизмати органи мазкур солиқ тўловчига тааллуқли барча материалларни унинг янги яшаши жойидаги давлат солиқ хизмати органига топшириши шарт.

Солиқ тўловчининг талаби бўйича давлат солиқ хизмати органи мазкур солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи маълумотномани, шу жумладан ўзгаришлар киритилган ҳисоб маълумотларини ҳам кўрсатган ҳолда бериши шарт.

Ягона реестрдан чиқариш қуийидагича амалга оширилади:

жисмоний шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари - улар вафот этганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти уларнинг меросхўрлари томонидан тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса;

юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари - улар тутатилганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари - уларнинг Ягона реестрга киритилишини белгилаган ҳолатлар бекор бўлган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган тақдирда.

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, СК 80-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганлар бундан мустасно, рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ушбу юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган қундан эътиборан ўн қундан кечиктирмай тегишли юридик шахсларнинг давлат реестридан кўчирма топшириши шарт. Мазкур органлар давлат солиқ хизмати органига тегишли юридик шахсларга таалуқли давлат реестрига киритилган ҳар қандай ўзгартишлар тўғрисида ҳам бундай ўзгартишлар киритилган қундан эътиборан ўн қундан кечиктирмай маълум қилиши шарт.

Лицензия ва (ёки) бошқа рухсат этувчи хужжатлар берадиган органлар бундай хужжатлар берилган шахслар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига шундай хужжатлар берилганлиги ҳоллари ҳақида маълум қилиши, шунингдек мазкур хужжатлар бекор қилинганлиги, уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисида маълумот бериши шарт.

Ички ишлар органлари ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига паспортлар берилганлиги, шу жумладан йўқотилган ёки амал қилиш муддати ўтган паспортлар ўрнига паспортлар берилганлиги фактлари ҳақида, бекор қилинган паспортлар тўғрисида ҳар ойда маълум қилиши шарт.

Кўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган кўчмас мулк ва унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида мазкур кўчмас мулкка бўлган хуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган қундан эътиборан ўн кун ичida маълум қилиши шарт.

Сув ресурсларини ҳисобга оловчи органлар сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига 1 февралдан кечиктирмасдан ўтган йил якунлари бўйича ўлчов асбобларисиз фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисида хабар қилиши шарт.

Давлат нотариал идоралари тегишинча кўчмас мулк олди-сотди шартномалари, мол-мулк ижараси шартномалари тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек мерос қилиб олиш ёки ҳадя тарзида фуқароларнинг мулкига ўтаётган мол-мулк қиймати тўғрисида кўрсатилган нотариал ҳаракатлар амалга оширилган қундан эътиборан ўн қундан кечиктирмай ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Ер ресурсларини ҳисобга оловчи ва (ёки) баҳоловчи органлар ер участкасига нисбатан хуқуқи юзага келган (тугатилган) шахсларни кўрсатган ҳолда ер участкасига нисбатан хуқуқ берилганлиги (тугатилганлиги) ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати тўғрисида ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга оширувчи ва (ёки) ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ер қаъри участкаси жойлашган ер ҳамда мазкур ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқи берилган шахс тўғрисидаги

ахборотни ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуки рўйхатдан ўтказилган (хисобга олинган) кундан эътиборан ўн кун ичидаги маълум қилиши шарт.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳар ойда, хисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан ДСҚга депозитарийларда рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

Банклар юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга фақат улар давлат солиқ хизматининг тегишли органида хисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган тақдирда банк хисобвараклари очиши мумкин ва хисобвараклар очилганлиги тўғрисида ўша органга кейинги кундан кечиктирмай маълум қилиши шарт. Конунда назарда тутилган ҳолларда банклар давлат солиқ хизмати органларига бошқа маълумотларни ҳам тақдим этади.

Божхона органлари ҳар ойда экспорт-импорт операциялари, шунингдек товарлар ҳаракати ҳақидаги маълумотни давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби СКнинг 84-моддасида назарда тутилган органлар билан келишилган ҳолда ДСҚ томонидан белгиланади.

3.Солиқ тўловчилар билан иш ташкил қилишнинг хусусиятлари

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида солиқ тизимини такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Бунда тараққиётнинг “ўзбек модели” дея дунё эътироф этаётган тадрижий ислоҳотлар муҳим омил бўлди.

Натижада солиқ маъмурчилиги шаффоғлигини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг хукукий саводхонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш борасида муайян ютуқларга еришилмоқда. Зоро, аниқ мақсадларга йўналтирилган ҳамда изчил ҳаётга татбиқ етилган чора-тадбирлар иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамиятга ега.

Шу ўринда ёш давлатимиз ривожланиш йўлиниң устувор йўналишлари билан боғлиқ бир қатор муҳим босқичларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Чунки Истиқололнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва инфляциянинг юқори суръатлари сақланиб турган бир шароитда Давлат бюджетига маблағлар тушишини таъминлаш солиқ тизимиning асосий вазифаси бўлди. Шундан келиб чиқсан ҳолда, солиқларнинг фискал функциясига устувор аҳамият қаратилди.

Бу ҳақда сўз юритилганда, 1991 йилда республика Давлат бюджети тасдиқланган вақтда бюджет тақчиллиги қарийб 7,5 фоизни ташкил етганини еслаш жоиз. Бу Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ҳамда унинг

даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган солиқ механизмини яратиш заруриятини юзага келтирди.

Мамлакатимизда қисқа муддат ичида солиқ солишининг яхлит ҳолдаги норматив-ҳуқуқий базаси яратилиб, 1991 йилда “Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида” ҳамда “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, 1991 — 1995 йиллар давомида собиқ иттифоқда ўзига хос анъана тусига кирган ҳамда корхоналарнинг иқтисодий ҳолатини ҳисобга олмаган ҳолда, хўжалик юритувчи органлар, кооператив ва жамоат ташкилотларидан даромад солиғи, шунингдек, давлат корхоналари олган фойдадан ундириладиган ҳамда мутлақо фискал тусга ега бўлган тўловлар йиғишидан воз кечиши йўли билан ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринларини яратишни қўллаб-қувватлашга еътибор кучайтирилди. Шулар қаторида аслида солиқ тусига ега бўлмаган, гўёки нархларни тартибга солувчи механизм сифатида қаралган ва ҳар бир товарга якка тартибда белгиланган нарх қисми бўлган оборотга солинадиган солиқ бекор қилинди. Собиқ иттифоқ давридаги бўйдоклар, ёлғизлар ҳамда кам болали фуқароларга солинадиган солиқлар, шунингдек, экспорт ва импорт операцияларидан ундириладиган тўловларга ҳам барҳам берилди. Аксинча, мазкур тўловларнинг ўрнига бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, масалан, субъектларнинг амалда олган даромади ҳисобланган корхоналарнинг даромадлариға солинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи сингари янги турдаги солиқлар амалиётга жорий етилди.

Енг муҳими, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари берилиб, солиқдан тўлик ёки қисман озод бўлишга асосланган янги механизmlар қўлланила бошланди.

Юртимизда 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ташкил этилиши миллий солиқ тизимини шакллантиришда том маънода янги даврни бошлаб берди.

1995 — 2005 йиллари солиқ тизимини оқилона юритиш босқичига тўғри келиб, мазкур жараёнда республиканинг солиқ қонунчилигига асос солинди ва унинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланди. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятига қонуний мақом бериш, унинг ҳуқуқий асосларни белгилаш ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ шакллантириш мақсадида 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунга мувофиқ, давлат солиқ органлари зиммасига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга

тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлашдек енг муҳим давлат вазифаси юкланди. Шунингдек, 1997 йилда тизимда ягона ҳукуқий асос сифатида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилинди. Шуни айтиш керакки, Истиқлол йилларида мустақил мамлакатимизнинг солиқ сиёсатини белгилаб берувчи 39 та қонун, давлатимиз раҳбарининг 44 та фармони ва 96 та қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 233 та қарори қабул қилинди. Уларнинг орасида бевосита давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган 32 та қонун ҳужжати ҳам мавжуд. Бу, таъкидланганидек, тизимнинг пухта ва ишончли қонунчилик базасини шакллантириш имкониятини яратди. Шундай қилиб, чорак аср давомида Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни самарали амалга оширишга кўмаклашувчи тўлақонли солиқ тизимини яратишга еришилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро ҳукуқнинг teng ҳукуқли субъекти сифатида дунёдаги бошқа давлатлар билан солиқ солиш соҳасидаги ўзаро муносабатларнинг шартномавий-ҳукуқий базасини мустаҳкамлаш сиёсатини изчил олиб бормоқда. 1993 йилдан буён Давлат солиқ қўмитаси томонидан Россия, Германия, Италия, Швейцария, Нидерландия, Хитой, Корея Республикаси, Словения, Ирландия, Испания ва бошқа қатор давлатлар билан иккиёклама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида 52 та битим имзолангани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

2005 йилдан бошлаб юртимизда жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш борасида туб ўзгаришлар даври бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан устувор йўналишлар қаторида иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда, иқтисодиётни модернизациялаш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сингари муҳим масалалар белгилаб олинди. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқ тўловларини унификация қилиш, солиқ ставкаларини пасайтириш ҳамда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш йўналишларида кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилди. Янги таҳрирдаги тўғридан-тўғри таъсир кучига ега бўлган, солиқ солиш масалалари бўйича амалиётда синалган ҳалқаро тамойил ва ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилинди. У 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирди.

Солиқ юкининг иқтисодиётга нисбатан босқичма-босқич камайтириб борилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланишига хизмат қилди. Келинг,

шу ўринда фикримизни қуидаги рақамлар билан давом еттирсак. Агар 1994 йилда корхоналарнинг фойда солиғи ставкаси 45 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб 7,5 фоизгача, яъни 6 баробар пасайди. Кўшилган қиймат солиғи бугунги кунга келиб, 30 фоиздан 20 фоизгча ёки 1,5 баробар, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови 15,2 фоиздан 5 фоизгача, яъни 3 баробардан кўпроқ пасайди. Солиқ имтиёзларининг берилиши натижасида 50 мингдан ортиқ корхоналар ихтиёрида йилига ўртacha 9 триллион сўм пул маблағлари қолмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси ҳам босқичма-босқич пасайтирилди. Илгари мазкур солиқ олинган даромадга нисбатан етти поғонали шкала бўйича енг юқори ставка 60 фоизда ҳисобланган ва ундирилган бўлса, бугунги кунда солиқ тўрт поғонали шкала асосида ундирилиб, енг юқори ставка 23 фоизни ташкил етаётир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2015 йилдан бошлаб енг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдордаги даромадларга нисбатан нол фоизли ставка жорий қилинди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг кам даромад олувчи қатлами ихтиёрида кўпроқ маблағ қолишини таъминлаб келмоқда.

Айни чоғда хўжалик юритувчи субъектлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги солиқ харажатлари ҳам пасайтирилди. Мисол учун, 1994 йилда иш берувчиларнинг мажбурий ижтимоий суғурта тизимиға (Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва Касаба уюшмалари кенгашига) мажбурий ажратмалар меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 40 фоизлик ставкада ҳисобланган бўлса, кейин у 25 фоизгача пасайтирилиб, 2015 йилдан бошлаб микро фирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун 15 фоизгача, яъни 2,6 баробар камайтирилди. Натижада умумий солиқ юки ЯИМга нисбатан 20 фоизгача тушиб, Ўзбекистон енг қулай солиқ муҳити шаклланган давлатлар қаторидан жой егаллади. Ваҳлонки, бугунги кунда солиқ юки даражаси чет мамлакатлар, масалан, Австрияда 43,4 фоиз, Туркияда — 32,5, Естонияда — 32,3 ва Қозоғистонда 26,8 фоизни ташкил етади.

Сўнгги йилларда республика раҳбарияти томонидан солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар ставкаларининг пасайтирилиши билан бир қаторда, солиқ органларига юклатилган молиявий ва солиқ ҳисботларини тубдан қисқартириш, шунингдек, мазкур молиявий ҳамда солиқ ҳисботларини тақдим қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг електрон тарзда амалга оширилишини кенг татбиқ этиш вазифаси қўйилмоқда. Унинг изчил ижроси туфайли 2013 йилдан бошлаб олтига солиқ ҳисботи шакллари бекор қилиниб, молиявий ҳисбот сони ҳамда шаклларининг ҳажми 1,5 баробар ва солиқ ҳисботларини тақдим этиш даврийлиги 2 баробар қисқартирилди. Бугунги кунда барча тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисботларини фақат

телеқоммуникация каналлари орқали електрон тарзда тақдим етмоқда. Мазкур тартиб хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашувни кескин камайтиришга ҳамда режали солиқ текширувлари сонини минимал даражага қисқартиришга шароит яратиб берди. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида камерал назорат усуллари кенг қўлланилмоқда, яъни хўжалик субъекти жойлашган жойига бормасдан туриб солиқ органларига топширилган ҳисоботлар асосида амалга оширилаяпти. Мисол учун, “Камерал назорат” компьютер дастурий мажмуаси ёрдамида 2015 йил мобайнида солиқ ҳисоботларини тўлдиришда 124,7 мингта хатоликлар аниқланган.

Бугунги кунда тизимда давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилаётган текширувларга оид ислоҳотлар алоҳида ўрин тутади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида режали солиқ текширувлари ноаниқ даврийлик билан амалга оширилиши оқибатида ушбу ҳолат ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир қиласр еди. Айниқса, текширув органларининг нопок ходимлари томонидан ҳеч қандай рухсат берувчи ҳужжатларсиз текширувларнинг олиб борилиши хўжалик субъектининг азият чекишига олиб келар еди. Агар 1998 йилдан бошлаб солиқ текширувларини амалга ошириш даврийлиги йилда бир маротаба қилиб белгиланган бўлса, 2005 йилдан бошлаб режали текширувларнинг даврийлиги микрофирма ва кичик корхоналар учун тўрт йилда бир маротабагача, бошқа хўжалик субъектлари учун уч йилда бир маротабагача қисқартирилди. Бундан ташқари, янгидан ташкил етилган хўжалик субъектлари, оилавий тадбиркорлар ҳамда фермер хўжаликлари дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан умуман озод қилинди. Пировардида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган режали текширувлар сони 2015 йилда 2001 йилдагига нисбатан 3,7 баробар камайиб, фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни режали солиқ текширувларига жалб қилиш даражаси 15,9 фоиздан 2,7 фоизга ёки 5,9 баробар камайиши таъминланди.

Солиқ текширувларини ташкил етиш тизимини мувофиқлаштиришда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишга мораторий қўлланилиши алоҳида еътиборга сазовор.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш борасида солиқ органлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар, жумладан, касб-хунар коллежлари битиравчиларининг тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиниши ижобий таъсир кўрсатди. Ёшларга оид давлат сиёсати доирасида ёш ишбилармонларни рағбатлантириш мақсадида 2015 йилдан еътиборан касб-хунар коллежлари

битиравчилари учун имтиёз жорий етилди. Унга кўра, касб-хунар коллежлари битиравчилари бизнес билан шугулланишлари учун тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлардан қатъий белгиланган соликни олти ой давомида тўлашдан озод қилинди.

Қолаверса, аҳоли (айниқса, ёшлар) бандлиги масалаларини ҳал етиш мақсадида 2015 йилнинг 1 июнидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига енг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида сугурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун ўрнатилган ставканинг 30 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солик тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуки берилди. Бунда якка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежлари битиравчиларини ишга ёллаган бўлса, ўқишни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун қатъий белгиланган соликни тўлашдан озод етилди. Барча кўрилган чора-тадбирлар республикамида қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилди. Жаҳон банкининг ҳисботида келтирилишича, Ўзбекистон охирги йилда тадбиркорлик фаолияти учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш соҳасида жаҳонда юқори натижаларга еришган давлатларнинг ўнталигига киради.

Бундан ташқари, Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш — 2016: бошқариш сифати ва самарадорлигини баҳолаш” рейтинг кўрсаткичларига кўра, Ўзбекистон 2015 йилга нисбатан 16 та поғонага, яъни 103-ўриндан 87-ўринга кўтарилиди. Ушбу рейтингда мамлакатимизнинг сезиларли даражада ўсиши “солик солиш” баҳолаш кўрсаткичи ҳисобидан таъминланган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 61-поғонага, 2016 йилда еса яна икки поғонага кўтарилиди.

Шу ўринда Президентимизнинг 2010 йил 8 январдаги “Республика солик органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ташкил етилган Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимларининг иш фаолиятини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мазкур бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2010 йилда бозорлар ҳамда савдо мажмуаларининг умумий даромадидан маҳаллий бюджетга 77,7 миллиард сўм маблағ ундирилди. Бу 2009 йилдаги маҳаллий бюджет тушумларига нисбатан 3 марта кўпdir. Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 184 миллиард сўмни ташкил етиб, 2009 йилнинг мос давридагига қиёслангандан қарийб 6,9 баробар ортиқдир.

Мамлакат раҳбарияти еътибори ва қўллаб-қувватлаши натижасида бугунги кунда давлат солик хизмати органлари ўз соҳасида кенг миқёсдаги вазифаларни

ҳал қилувчи, технологик жиҳатдан юқори жиҳозланган ҳамда модернизациялашган тизимга айланди. Бу соҳадаги ўзгаришларни амалиётга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий қилиниши ва улардан самарали фойдаланилиши билан изоҳлаш мумкин. Бир пайтлар республикада маълумотларни узатиш бўйича миллий ахборот тизими йўқлиги сабабли, солиқ тушумлари ҳамда уларни назорат қилиш қофоз шаклида амалга оширилган. Шунинг учун ҳам солиқ тизимидағи ислоҳотлар дастлаб маълумотларни ягона ахборотлаштириш ва қайта ишлаш тизимидан бошланди.

Солиқ маъмурчилигига АҚТнинг изчил жорий етилиши Давлат солиқ қўмитасининг асосий фаолият йўналишларидан бирига айланиб, солиқ тўловчилар ва солиқ обьектлари тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, тизимлаштириш ва сақланишини таъминлади. Ушбу тизим ташкил қилинаётган вақтда республика бўйича солиқ органлари тасарруфида жами 182 та компьютер мавжуд бўлиб, иш хужжатлари тўлиқ қофозда юритилганлигини айтадиган бўлсак, кўпчиликнинг ишониши қийин. Бугунги қунда солиқ органлари моддий-техника базасини яхшилаш ва АҚТни ривожлантириш бўйича ҳаётга татбиқ етилган ишлар натижасида компьютерлар сони 10,9 мингтага етди. Давлат солиқ хизмати органларида АҚТни жорий етиш таркиби маълумотларни йиғиши ҳамда қайта ишлашнинг интеграллашган тизимида асосланган бўлиб, маълумотлар вазирлик, идоралар, инспекциялар ва жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларини ўз ичига олади. Бунда асосий еътибор бюджет ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш, нақд пул тушумлари обороти мониторинги, банкдан ташқари пул айланмаларини камайтириш ҳамда солиқ қарздорлигини ундиришга қаратилган. Натижада солиқ идоралари ходимларининг меҳнат унумдорлиги, солиқ ҳамда мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлик даражаси ошиши, енг муҳими, солиқ қонунчилигидаги хуқуқбузарликлар қисқаришига еришилди. Масалан, “Юридик ва жисмоний шахслар солиқ қарздорлиги ҳисоби” автоматлаштирилган ахборот тизимининг жорий қилиниши туфайли инкассо топшириқномалари жўнатиш вақтини 3 кундан 10 дақиқага, қофоз сарфи 41,2 тоннага камайишига олиб келди.

2011 йилдан еътиборан Инвестиция дастури доирасида қўмитанинг ягона маълумотларини қайта ишлаш ва жамлаш маркази шакллана бошлади. Бунда Франция, Япония, Малайзия, Жанубий Корея, Сингапур ҳамда бошқа хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилган ҳолда амалиётга жорий етилди. Маълумотларни қайта ишлаш ва жамлаш марказининг ишга туширилиши билан корпоратив тармоқни модернизация қилиш ҳам талаб етилди. Оптик толали алоқа каналидан фойдаланила бошлангач еса, худудий солиқ органларидан маълумотларни узатиш тезлиги 600 баробар ошди.

Президентимизнинг 2012 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур тизимни такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Ҳозирги вақтда Давлат солиқ хизмати идоралари томонидан Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан електрон хужжат айланиши йўлга қўйилган. Жорий йилда “Електрон ҳукумат” тизими доирасида ишга туширилган қўмитанинг янгиланган “Електрон солиқ хизматлари — мий.солиқ.уз” портали солиқ органлари фаолиятининг шаффоғлигини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларга ва аҳолига солиқ тўлашда қулай шароит яратишга хизмат қилмоқда. Айни пайтда қўмита томонидан кўрсатилаётган електрон давлат хизматларидан 280 мингдан кўп жисмоний шахс ва 275 мингдан ортиқ корхона ҳамда ташкилотлар фойдаланмоқда.

Солиқ тўловчи юридик шахслар онлайн режимида “Шахсий кабинет” орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашлари мумкин. Биргина ўтган йилнинг ўзида “Шахсий кабинет”дан 2,7 млн. мартадан кўп фойдаланилган. Жисмоний шахслар учун уйдан чиқмай туриб мол-мулк ва ер солиқларини “Мбанк”, “У-Пай”, “Слиск” хизматлари орқали тўлаш имконияти ҳам мавжуд.

Бу йўналишда еришилган натижалар профессионал доираларда юқори баҳоланган. Яратилган Дастурий маҳсулотлар бўйича анъанавий “БестСофт Узбекистан” миллий кўрик-танловида 2010 — 2015 йиллар давомида Давлат солиқ қўмитасининг дастурий маҳсулотлари ва лойиҳалари ғолиб деб топилиб, муносиб тақдирланди. 2012 ва 2015 йилларда еса республика миқёсида ўтказилган миллий УЗ домени интернет-фестивалида ва “МИТ.уз” миллий интернет танловида www.солиқ.уз сайти “Давлат бошқаруви органи соҳасидаги енг яхши сайт” номинацияси бўйича еътироф етилди. Бундан ташқари, қўмита ахборот-коммуникация технологияларини давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларига жорий қилиш бўйича беш йилдан буён биринчи ўринни егаллаб келмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган пухта солиқ сиёсати барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни модернизациялаш орқали мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилаёттир

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Солиқ тўловчиларнинг рўйхатдан ўтиш тартиби?
2. Солиқ тўловчилар фаолият турига қараб қанда ажратилади ва улар Давлат солиқ хизмати органларида қандай тартибда рўйхатга олинади?.
3. Тадбиркорлар рўйхатдан ўтиш учун қандай хужжатларни тақдим этишлари лозим.
4. Фуқаролиги бўлмаган шахслар қандай рўйхатдан ўтилади ?.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

3. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳукуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozi va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

7. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

8. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma’muriyatichiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

9. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta’minlashga doir qo‘sishimcha chora-tadbirlar qabul

qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjalariiga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-son qonuni

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. ҳисобот

11. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 y. Emerald Group Publishing limited.

12. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011

13. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.

14. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.

15. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.

16. VahobovA.V., MalikovT.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: “Noshir”, 2012. 712-bet.

17. Ваҳобов А.В, Жўраев А.С. Солиқлар ва соликқа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

З-амалий машғулот: Солиқ маъмурчилиги ва назоратини амалга оширишда хорижий мамлакатлар тажрибаси (4 соат)

Режа:

1. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Ривожланган мамлакатларда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари.

Калит сўзлар: Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилиги, корпорациялардан солиқ олишни тартибга солиш, жисмоний шахсларни соликқа тортиш.

1. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари..

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш замирида давлат билан солиқ тўловчи ўртасидаги иқтисодий муносабат ётади. Ушбу муносабатларнинг яхшиланишида солиқ маслаҳати муҳим роль ўйнайди. Маълумки, солиқ тўловчиларга солиқларнинг моҳияти қанчалик тушунарли, аниқ ва равshan бўлса, солиқларни тўлаш борасида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олди олинса, солиқ ва соликқа тортишга оид қонунчилик ҳужжатларида мунтазам ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида маълумотлар бериб турилса, шунингдек, улар ўзлари тўлаётган солиқларнинг ижтимоий ҳимояни таъминлаш, маориф, соғлиқни сақлаш, мудофаа ҳамда шу каби давлатнинг бир қатор ижтимоий вазифаларини ҳал этиш учун сарфланаётганлигини чукурроқ англаб етсалар, солиқларни тўлаш

самарадорлиги ҳам шунчалик ортади. Бу каби вазифаларни ҳал этишда солиқ маслаҳати хизматлари ниҳоят даражада муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу мамлакатда солиқ муносабатлари тизимининг самарали ривожланишига туртки бўлади.

Мамлакатимизда солиқ тизимини янада такомиллаштириш, солиқ муносабатлари самарадорлигини ошириш, солиқ юки ва даромад солиғи ставкасини камайтириш, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида кўплаб ижобий аҳамиятга эга тадбирлар ошириб келинмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб боргани сари солиқ соҳасида ҳам янги хизмат турлари яратиляпти, бундай хизматлар жумласига кирадиган солиқ маъмурчилиги мамлакатимиздаги замонавий солиқ тизимининг янада ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Солиқ қадимий замондан қўлланилиб келинади. Солиқ миллий даромадни бир қисми бўлиб, мажбурий ва қайтариб бермаслик принципи асосида аҳолидан ва юридик шахслардан давлат томонидан ўз ҳаражатларини қоплаш учун олинади. Иқтисодчи олимларнинг фикрича «Солиқда давлатни борлигини иқтисодий ифодаси гавдаланади».

Қулдорлик ва феодализм даврида натурал хўжалик асосий ролни ўйнагани учун солиқ натурал – йиғим сифатида қўлланган (озиқ-овқат, армия учун озиқ-овқат, ем-хашак ва ҳакозо).

Товар-пул муносабатлари ривожланиши билан давлатлар даромадида пул солиқларини роли ошиб боради. Бу ҳар бир кишидан (жон бошидан) олинадиган солиқ, ер солиғи ва ҳунармандчилик солиқлариdir. Бундан ташқари эгри солиқ ҳисобланган акцизлар ҳам қўлланилган.

Солиқнинг оғирлиги, асосан, дехқонлар зиммасига тушиб, ижарага олиш (улгуржи, қўтарасига сотиб олмоқ) қўллангандан кейин яна ҳам оғирлашган. Ижарага олиш – савдогарларга маълум даврга ва маълум тўлов асосида аҳолидан йиғиш учун давлат солиқлари ва бошқа даромадларни тўплаш хуқуқини беради. Бундан ташқари, маълум товарларни сотиш хуқуқига ҳам эга бўлади. Давлат билан тузилган шартнома баҳоси билан савдогар йиғиб олган суммаси ўртасидаги фарқ унинг фойдасини ташкил қилган.

Давлат ва хусусий ижарага олиш тизими қулдорлик давридан келиб чиқиб, феодализмни емирилиши ва капиталистик ишлаб чиқариш усули вужудга келиш даврида жуда кенг тарқалган ва капитални бошланғич жамғармасига асос бўлган.

Ижарага олиш тизими натурал хўжаликнинг устунлиги, давлат хазинасида маблағ тўплайдиган молия аппаратининг “бўшлик” қилиш натижасида юзага келган.

Биринчи ижарага олиш, эрамиздан аввал, VI асрда Эронда келиб чиқкан. Греция ва Римда эса эрамиздан олдинги IV асрда тарқалган. Ўрта асрда эса бу тизим Европада қўлланилган. Айниқса, Францияда XIII асрда кенг

ривожланган. XVI-XVII асрда Италия, Голландия ва Испанияда бу тизим эволюциясининг юқори даражасига кўтарилди.

Англияда ижарага олувчилар давлат кредитори ролини бажарганлар. Россияда XV асрни охири - XVI асрни бошида ижарага олиш тизими кенг миқёсда қўлланилган. Энг тараққий этган турлари – бож, туз, вино тўловларини ижарага олиш бўлган.

Давлат хазинасига тушадиган солиқни 40% дан ортиғи ичимлик солигидан келиб тушган. Россияда 1863 йили вино тўловини ижарага олиш бекор қилиниб, акциз солиғи билан алмаштирилган. Ижарага олиш Ҳиндистонда XIX асргача, Эронда эса XX асргача қўлланилган.

Ўзгача шаклда ижарага олиш XX асрда ҳам давом этган. Масалан, Италияда айрим солиқларни банклар, омонат кассалари томонидан йифилган. Америкада ижарага олиш XX асрни бошларида боқимандани тўплашда қўлланган. Монополистик капитализм даврида солиқ жуда кенг тараққий этади. Давлатнинг ҳарбий, бошқарув ҳаражатлари кўпайиши билан солиқ ҳажми ҳамда унинг турлари кўпайиб боради.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳар 10 йилда солиқ 1,5 марта ва ундан ҳам ортиқ кўпайиб турган. Кейинги даврларда ривожланган давлатлар марказий бюджетларини 90% даромади ва маҳаллий бюджетларини 80% даромади солиқлардан келиб тушган.

Давлат мулкига асосланган корхоналар кам фойда келтирувчи ва зарар кўрадиган бўлганлиги сабабли, уларни тўловлари бюджет даромадини 5-8% ини ташкил қилган.

Ўсиш суръати бўйича солиқ ялпи миллий маҳсулот ҳажмини ўсишидан тез ҳамда унинг салмоғи ҳам ошиб борган.

1984 йили солиқнинг ялпи миллий маҳсулот ҳажмидаги салмоғи Францияда 45,4%, Буюк Британияда -38,6%, ГФР -37,3%, Америкада -29%, Японияда 27,7% ни ташкил қилган.

Хозирда ривожланган давлатларда солиқни мажбурий равишда ҳамма синф вакиллари тўлайдилар. Лекин йирик концернлар дотация ва субсидия кўринишида бюджетдан ёрдам олишлари мумкин. Саноати ривожланган давлатларда кейинги даврда тўғри солиқларни ундириш кучайтирилган. Уларнинг ичидаги давлат солиғи бўлиб даромад солиғи хизмат қиласи. 1970 йилдан бошлаб эгри солиқларни олиш ҳам кучайиб кетди. Бундай вазият, айниқса, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ киритилгандан кейин муҳим аҳамият касб этди.

Давлат солиғи билан бир қаторда маҳаллий солиқлар ҳам тез суръатда ўса бошлади. Умумий солиқ ҳажмида уларнинг салмоғи 80-йилларда АҚШ да 30%, Германияда -48%, Японияда -30% ни ташкил қилган.

Солиқни оғирлиги яна социал сугурта фондига бадал олиш билан кучайтирилади. Германия, Франция, Италияда солиқни 30% дан кўпроғи бу бадалларга тўғри келади.

Социал сугуртага ажратма меҳнаткашлар даромадидан айириб олиниб, АҚШда -48%, Францияда -20%, Германияда -26% ни ташкил қиласи.

Тадбиркорлар социал сұғартага ажратмани маҳсулот таннархига құшадилар ва унинг оғирлиги товар сотиб олувлар зымасига баҳони ошириш орқали юклатилади.

Шундай қилиб, түгри ва эгри солиқлар, социал сұғурта фондига бадал тұлаш давлат хазинасига пул тұплашнинг асосий йўллари бўлиб, уларнинг оғирлиги асосан кам таъминланган аҳоли зымасига тушади ва молия олигархиясини бойиши учун хизмат қиласиди.

Қўлланаётган иқтисодий сиёсатга биноан ҳозирги даврда ривожланган давлатлар солиқни иқтисодни бошқариш қуороли сифатида ишлатадилар. Шу мақсадда солиқ ставкаси, уни ундириш усули, солиқ енгиллиги, скидкаси ишлатилади. Бу тадбирлар ижтимоий ишлаб чиқариш таркиби, мувозанатига, капитални жамғаришга, сотиш бозорига, ишлаб чиқариш давларига таъсир кўрсатади. Солиқ ижтимоий ишлаб чиқаришнинг I ва II бўлимларини ўсиш даражасига таъсир қилиб, уларни тенглашишига ва I бўлимни II га нисбатан тезроқ ривожланиши учун имконият яратиб беради.

Давлат солиқ ва давлат ҳаражатлари орқали аҳолининг тўлов қобилиятига ва унинг ҳажмига таъсир кўрсатади. Солиқ орқали аҳоли даромадига таъсир қилиб, кенгайтирилган ишлаб чиқаришни даврини бошқаради ва маромига келтиради.

Солиқ солишини кўпайтириб, аҳоли даромадини камайтириб, ёки солиқ сотиши асосида аҳоли даромадини кўпайтириб давлат кенгайтирилган ишлаб чиқаришни бир меъёрда ўсишига шароит яратади.

Агар умумлаштирилган ҳолатда таҳлил қилинса, солиқ орқали иқтисодни бошқариш чегараланган характерга эга деган холосага келиш мумкин. Бу билан талабни барчасини қамраб олмайди. Солиқ қарама-қарши кучларга эга. Баъзи вақтда иқтисодни ўсишига шароит яратиш ўрнига унга ҳалақит ҳам бериши мумкин. (Птоломей)

Ривожланган мамлакатларда солиқлар (айрим ҳолатлардан ташқари) ҳархил номлар билан қуйидаги асосий шаклларга эга: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ҳуқуқий шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қийматга солинадиган солиқ, айланмага солинадиган солиқ, ижтимоий суғурта фондига ажратма ва истеъмолга қўлланадиган маҳсус солиқ турлари ва бошқалар. Товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали юзага келадиган даромадлар ва ҳаражатлар оқимини солиққа тортишдан ташқари тўпланган бойликларни солиққа тортиш ҳам юзага чиқади. Уларнинг асосий турлари: мол-мулк солиғи ҳамда мерос ва ҳадя солиғи.

Ривожланган мамлакатларда солиқ таркиби охирги йиллари қуйидаги белгилар билан таърифланади:

Биринчидан, айрим мамлакатларни иқтисоди даромад турларидан олинадиган солиқларга нисбий боғлиқ ва ўзгариб туриш характерига эга.

Иккинчидан, 1975 йилгача иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (ОЭСР) кирадиган мамлакатларда истеъмолга солинадиган солиқлар салмоғи нисбий ўзгармаган ҳолда даромад солиғи салмоғи ва ижтимоий суғуртага ажратмани салмоғи ўсиб борди. XX асрни етмишинчи

йилларини иккинчи ярмидан истеъмолга солинадиган солиқни салмоғи күтарилиб борди. Бу, айниқса, Дания, Финляндия ва Буюк Британия давлатларида намоён бўлди.

Учинчидан, истеъмолга солинадиган солиқ билан акциз солигини салмоғи кўпчилик мамлакатларда бир хил. Лекин 70-80 йиллар биринчини роли ошиб борди, охиргиси эса пасая бошлади.

Умумий қабул қилинган эгри ва тўғри солиқларни ўртасидаги фарқ ҳам шартли характерга эга. Қабул қилинишича, тўғри солиқлар тўғридан-тўғри даромад олувчилардан ундирилади. Яъни, уларни даромад олувчи жисмоний ва ҳуқуқий шахслар тўлайди. Эгри солиқлар даромадларни ёки маҳсулотлар айланмасини айрим босқичларида олинади ва натижада тўловчининг зиммасига бориб тушади.

Ривожланган давлатларни солиқ тизими ҳар-хил иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий шароитларда юзага келган. Шунинг учун етарли даражада маромига етган деб бўлмайди ва шу сабабли иқтисодчилар уни талаб даражасига кўтариш учун қатор таклифлар киритишган. Улар қуйидагилардан иборат:

- Солиқ оғирлиги баравар тақсимланиши зарур. ғки ҳар бир солиқ тўловчи давлатга ўзининг “ҳаққоний улушкини” бериши керак.

- Солиқлар иложи борича ҳар-хил шахслар томонидан иқтисодий қарор қабул қилишига таъсир кўрсатмаслиги керак. ғки бу таъсир жуда ҳам сезиларсиз даражада бўлиши керак (солиққа тортишни бетарафлик принципи)

- Ижтимоий-иктисодий мақсадларни амалга оширишда солиқ сиёсатидан фойдаланиш солиқларни тенглик, ҳаққонийлик принципларини бузилишини энг кам даражага келтириши керак.

- Солиқ таркиби ва солиқ сиёсати иқтисодиётни барқарорлаштириш ва мамлакатни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиши керак.

- Солиқ тизими ҳаққонийлиги билан ажralиб туриши керак, тахминий тушунчалар бўлмаслиги ва солиқ тўловчига тушунарли бўлиши зарур.

- Солиқни бошқариш ва солиқ қонунчилигини сақлаш ҳаражатлари энг кам миқдорга туширилиши талаб қилинади.

Ушбу талаблар солиқ тизимини сифатини баҳолашда асос бўлиб хизмат қилиши керак. Лекин амалиётда тўғри ва эгри солиққа тортишни ажратиб бўлмайди. Шунинг учун солиқларни нисбий тўғри ва эгри солиқларга бўладилар.

Кейинги йигирма йил давомида ривожланган давлатларда тўғри (даромад солиғи, компания фойдасига солинадиган солиқ, ишчиларни ижтимоий суғурта фондига ажратмаси) ва эгри (истеъмол солиғи, акцизлар, тадбиркорларни ижтимоий суғурта фондига ажратмалари) солиқларни бир-бирига муносабати қуйидагича бўлган:

Тўғри солиқларнинг салмоғи умумий тушумлар ҳажмида Голландия, Дания, Люксембург, Канада, Янги Зелландия, Швейцария, Австрия, АҚШ, Японияда асосий ўринни эгаллаган бўлса, эгри солиқлар салмоғи Франция, Австралия, Ирландия, Греция ва Испанияда асосий ўринни эгаллаган.

Хозирда бир-бирига яқинроқ, тенглашган түғри ва эгри солиқлар ўртасидаги нисбат Норвегия, Италия, Финляндия ва Швецияда амал қилмокда.

Түғри солиқларни роли Буюк Британия, Германия, Финляндия, Канада, Япония ва АҚШда ошган бўлса, эгри солиқлар Австралия, Италия, айниқса, Швецияда жуда юқори суратлар билан ўсиши кузатилди.

- Умуман олганда иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотини (ОЭСР) таркибига кирадиган давлатларда түғри солиқни салмоғи бир текисда кўтарилиб бориш тенденциясига эга бўлганлиги қайд этилди.

Солиқ тизимидағи таркибий ўзгаришлар асосан, иқтисодий ривожланиш ва инфляцияни эгри солиққа нисбатан, кўпроқ түғри солиқдан келадиган даромадга тавсифи кучлироқлигига боғлиқдир.

Ушбу таъсирни баҳолайдиган мезон айрим солиқларни ластиклиги ёки эгилувчанлигидир. Солиқларнинг эластиклиги айрим солиқлардан олинадиган тушумларни ўсиши, пасайиши ички ялпи маҳсулотни номинал ифодада ўсиши ва пасайишига боғлиқ.

Давлат томонидан олинадиган солиқлар йифиндиси, уларнинг шакли ва тузилиш усуллари солиқ тизими деб юритилади.

Ривожланган мамлакатларни солиқ тизими қўйидаги хусусиятлар билан таърифланади:

1. Айрим давлатларни иқтисодини солиқ турларига боғлиқлиги бир хил эмасдир ва улар ўзгариб туради.

2. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига кирадиган мамлакатларда 1975 йилгача даромад солиғи, ижтимоий суғуртага ажратмани салмоғи кескин ўсиб борди. Истеъмолга солинадиган солиқ салмоғининг таркиби деярли ўзгармади, лекин 70-йилларнинг иккинчи ярмидан истеъмолга солинадиган солиқ салмоғи ўса бошлади. Айниқса бу ўсишлар Дания, Финляндия ва Буюк Британияда қайд этилди.

3. Истеъмолга солинадиган солиқ ва акциз солиқларини салмоғи қўпчилик мамлакатларда бир хил. Лекин ўтган асрнинг 70-80 йилларида биринчисини салмоғи ошиб, иккинчисиники эса камайиб борди.

Умуман даромад солиғи ва ижтимоий суғурта фондига ажратма ҳажми қўпайиб борди. Акцизларни салмоғи ҳамма давлатларда тушиб кетди, компаниялар фойдасидан олинадиган солиқ деярли ҳамма давлатларда камайиб кетди.

Умумий қабул қилинган солиқларни түғри ва эгрига бўлиш, бир томондан даромадларга солиқ солишини англатса, иккинчи томондан ҳаражатларга солиқ солишини англатади. Ҳақиқатда уларнинг ўртасидаги фарқ нисбий характерга эга ва бу солиқларни тўловчилар зиммасига юклатишга боғлиқ.

Компанияларни фойдасидан олинадиган солиқ түғри солиқ ҳисобланади. Агар бу ҳаражат баҳони устига қўйилиб сотилса, эгри солиққа айланади. Қўшилган қиймат солигини баҳога қўшиш имконияти бўлмаса, у түғри солиққа айланади.

Фақат түғри ва эгри солиқлар нисбий ҳисобланади, лекин түғри ва эгри солиққа тортиш тизими бундай ҳисобланмайди. Бу тизим ҳақиқатда мавжуд бўлиб солиқлар йигиндиси асосида тўлиқ ҳаракат қиласди.

Охирги ўн йилликда түғри солиқдан олинадиган даромадни ўртacha эластиклиги 1 дан ортиқ, эгри солиқники эса 1 дан паст. Бундан кўриниб турибдики, ривожланган давлатларни солиқ тизими юқори даражадаги эгилувчанликка эга. Шунинг учун, ички ялпи маҳсулот ўсиши билан, уларни “автоматик” равишда солиқ даромадлари ошади.

Ҳозирги кунда кўпчилик мамлакатлар солиқ солишини юқори даражасига етдилар (давлат томонидан миллий даромадни бир қисмини олиш).

Айниқса бу масалани ижтимоий-сиёсий нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, солиқ солишини янада кучайтириш, кўтариш, жамиятни иқтисодий табиатида сифатли ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Бу муаммо, энг долзарб ва фаол бўлиб, ҳамма солиқ соҳасидаги тадбирлар шу масалани ечишга қаратилган.

2. Ривожланган мамлакатларда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари.

Ривожланган мамлакатларда ҳар хил атамалар билан юритиладиган солиқларни асосий шакллари қуидагилар: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, оборот солиғи, ижтимоий суғурта фондига ажратма, истеъмол бўйича маҳсус солиқлар.

Чет эл мамлакатларини маълумотлари асосида солиқ солишини асосий йўналишларини таҳминан билиш мумкин.

Солиқ ошишини асосий йўналишларини қуидагича грухлар билан ифодалаш мумкин:

- 1) Корпорация солиғи ва компанияларни фойдасига солинадиган бошқа солиқлар;
- 2) Тадбиркорларни ижтимоий суғурта фондига ажратмаси;
- 3) Кўшимча қиймат ҳисобидан бериладиган эгри солиқлар;
- 4) Аҳолидан олинадиган даромад солиғи;
- 5) Солиқ тизимини миллий хусусиятини ифодаловчи солиқлар.

Корпорацион ва компанияларни фойдаларидан олинадиган бошқа солиқлар марказ ва маҳаллий даражаларда солиқ олинадиган соғ фойдадан маълум ставкада олинади. Бу тўлов солиқ олишини асосий шакли ҳисобланади. Лекин фойдадан олинадиган солиқни умумий даромаддаги салмоғи катта эмас. Охирги йиллари АҚШда 8-10%, Буюк Британияда 7,5% ва Германияда 5%ни ташкил қиласди. Келажақда буни салмоғи яна тушиб бораётгани сезилаяпти. Умуман, бу солиқни фискал аҳамияти катта эмас.

Мустақил даромадга эга бўлган шахслардан даромад солиғи олиш мазмунан фойдадан олинадиган солиққа ўхшайди. Бу даромадлар дивиденд, фоиз, рента ва фуқароларни (тижорат) фаолиятидан олинадиган даромадлардан

ташкыл топади. Солиқ жисмоний шахсларни соф даромадидан олинади. Шунинг учун ҳам ўхшаш ҳисобланади. Умумий даромадда унинг салмоғи ҳам катта эмас. Масалан, охирги йилларда АҚШда 10-14%, Буюк Британияда 6-7% ва Германияда 5-7%ни ташкыл қылди. Бу солиқдан олинадиган даромад динамикаси барқарор эмас ва тушиб бориш тенденцияси сезилмоқда. АҚШда 1986 йилги солиқ ислоҳотида бу солиқда прогрессия камайтирилган. Айниқса, максимал шкала ва ставка даражаси пасайтирилган. Бундан ташқари дивидендларни икки марта солиқка тортиш бўшашиб бораяпти.

Катта даромадлар бўйича прогрессияни камайтириб дивидендларни икки марта солиқ солищдан озод қилишдан мақсад, акционер капитални янги инвестицияларни молиялаштириш, жамғарма тўплашда солиқ тўсқинлигини камайтириб, яширинча иқтисодни чегаралашдан иборат.

Ижтимоий сугурта фондига тадбиркорларни ажратмаси иш ҳақи фондига нисбатан қатъий белгиланган ёки пропорционал ставка билан олиниши кўзда тутилган. Ажратма ишлаб чиқариш ҳаражатига киради ва ишчи кучини кенгайтирилган асосда ишлаб чиқариш учун қаратилган. Ажратма давлатга ҳам, тадбиркорга ҳам қулай тўлов шакли ҳисобланади. Давлатга бу катта даромад манбаи, тадбиркорга эса унинг оғирлиги корпорацион солиқ бўйича солиқ олинадиган фойдани пасайиши ҳисобига камайтирилади. Бундан ташқари, бу ҳаражат маҳсулот баҳосига киритилиб истеъмолчи зиммасига ўтқазилади. Масалан, бу солиқ АҚШда -15%, Буюк Британияда -13% ва Германияда -25% ортиғини ташкыл қилган. Ушбу солиқ шакли барқарор характерга эга бўлиб охирги йилларда ўсиш тенденциясига эгадир.

Эгри солиқлар. Истеъмолдан олинадиган ушбу солиқ тадбиркорлар ажратмасига ўхшаш характерга эга ва солиқ олишни асосий шаклларидан ҳисобланади. -АҚШда 8-9%, Буюк Британияда 20% ортиқ, Германияда 18%ни ташкыл қилмоқда.

Ушбу тўловни аҳамияти Буюк Британияда йилдан-йилга ошиб бормоқда, АҚШ ва Германияда эса барқарор бўлиб қолмоқда. Буларда бу солиқларни фарқи шундан иборатки, АҚШда бу солиқлар штат ва маҳаллий органларга қарашли, Буюк Британия ва Германияда эса у умумдавлат солиғи ҳисобланади. Истеъмолдан олинадиган эгри солиқ АҚШда асосан сотишдан олинадиган солиқ бўлиб, Буюк Британия ва Германияда эса у қўшилган қиймат солиғи шаклларида қўлланилади. Бу солиқлар кенг истеъмол товарларига қўлланиб, бир қанча юқори ставкаларда олинади.

Қўшилган қиймат солиғи, ўзининг афзалликлари билан кенг миёсда тарқалиб бормоқда ва келажақда солиқ йиғишининг асосий методларидан бири бўлиб қолади.

Ёлланма ишчиларни (номинал иш ҳақидан) даромадидан олинадиган солиқ ўз таркибида даромад солиғи ва ижтимоий сугурта фондига ажратмаларни олади. Буюк Британия ва Германияда уни салмоғи сезиларли катта; яъни 17 дан 25% гача, АҚШда эса анча паст.

Даромадни солиққа тортиш тизими деярли ҳамма ривожланган мамлакатларда бир хил. Лекин уларнинг ҳар бирида қўшимча усуллари мавжуд ва миллий хусусиятлари ўз аксини топган.

Кўрсатилган умумий принциплари қўйидагилардан иборат:

Ҳамма солиқ тўловчилар резидент ва норезидентларга бўлинади. Резидент деб ҳисоблаш учун асосий белги- жисмоний шахс шу мамлакатда 6 ойдан ортиқ бўлиши керак. Солиқ тўловчиларни резидент ва норезидентга бўлишдан мақсад резидентлар даромад солигини ички ва ташқи манбаларидан тўлайдилар. Яъни, солиқ жавобгарлигини глобал даромади бўйича тақдим этадилар. Норезидентлар фақат шу мамлакатда олган даромадлари юзасидан чегараланган солиқ жавобгарлигини берадилар.

Даромад солиги олишда бошланғич асос - солиқ тўловчини умумий даромади ҳисобланади. Бу даромадга ҳар-хил манбалар киради: иш ҳақи, нафақа, натурал шаклида ҳақ тўлаш ва ҳоказо.

Даромад солиги олишда умумий даромад билан солиқ солинадиган даромад бир-бирига тўғри келмайди. Солиқ ставкаси охирги даромадга нисбатан қўлланилади. Охирги даромад умумий даромаддан солиқ бўйича қонуний берилган имтиёзлар суммасига фарқ қиласи.

Ушбу имтиёзлар солиқ олинмайдиган минимум, профессионал ҳаражатлар, оилавий скидкалар, болалар учун скидкалар, ижтимоий сугуртага ажратмалардан ташкил топади.

Кўпчилик давлатларда универсал имтиёз бўлиб солиқ олинмайдиган минимум ҳисобланади. Имтиёзларнинг қолган турлари айрим давлатлардагина берилади, масалан Франция, Германия, Японияда қўлланади. Италияда умумий даромад солиқ олинмайдиган даромадга teng бўлади. Бу давлатда ижтимоий сугурта фондига ажратма берилгандан кейин умумий даромад солиқ олинмайдиган даромадга teng бўлади.

Ривожланган мамлакатларда умумий даромаддан солиқ скидкаси бериш солиқ имтиёзларини асосий шакли ҳисобланади. Скидка йўқ жойларда солиқни ҳисобга олиниши (зачёт) ёки даромад солиги бўйича тўловчини солиқ мажбуриятини камайтириш қўлланади.

Солиқ имтиёзларидан (скидка, зачёт) ташқари айрим ривожланган мамлакатларда болаларга давлатдан тўғридан-тўғри тўлов берилади, бу эса даромадни солиққа тортишни камайтиради. Оилани даромади белгиланган чегарадан юқори бўлмаган ҳолларда тўловни ҳажми болаларни сонига боғлиқ. Чегарадан юқори бўлса тўлов чегараланади.

Кўрсатилган доимий солиқ имтиёзлари билан бир қаторда юқорида қайд этилган давлатларда вақтинчалик имтиёзлар қўлланилади.

Бу имтиёзлар маълум гуруҳ ҳаражатларига нисбатан қўлланилади. Ушбу ҳаражатларга қўйидагилар киради: заёmlар бўйича фоизлар, ҳаётни сугурта қилиш бадали, айрим профессионал ҳаражатлар ва ҳоказо.

Даромад солигининг ставкаси, қоида бўйича, прогрессив шаклда қўлланилиб, улар мураккаб прогрессив ставкалар тартибида тузилади. Охирги йиллари юқори ставкалар кескин пасайиб кетди ва ставкалар сони камайди.

Пропорционал ставкага ўтиш даражасини юксалиши кузатилмоқдадир. Англияда асосан 2 та ставка -25 ва 40% ли ставкалар қўлланилади. Италияда эса юқори ставка 56% га ва Японияда 60% га туширилган.

Ишлайдиган эр ва хотин даромад солигини ихтиёрий, даромадларини умумий йифиндисидан тўлайдилар, ёки ихтиёран ҳар бири алоҳида тўлайди. Баъзи давлатларда қўшилган умумий даромаддан солик камроқ тўланади. Қоида бўйича даромад солиги, ижтимоий сугурта фондига ажратма иш хақи каби манбалардан ишхонада тўланади. Бошқа турдаги даромадлардан солик эр хотин биргаликда ёки алоҳида ёзган декларациялари асосида олинади.

Иқтисодий ривожланган, етакчи давлатларни солик сиёсати.

Ушбу давлатларда солик сиёсати, охирги йиллари таклифлар иқтисоди (экономика предложений - ЭП) назариясига асосланган.

Саноати ривожланган мамлакатлар 1970-1980 йиллари иқтисодий кризисга учрадилар (инфляция, иқтисодий ўсиш даражаси пасайди, ишсизлар қўпайди, хуфия иқтисод ривожланди ва хоказо).

Бу ҳолатдан чиқиб кетиш учун солик ставкаси чегарасини кескин тушириш таклиф қилинди.

Таклифлар иқтисодида асосан «А.Лаффер эгриси» етакчи назария ҳисобланиб, унда солиқларни камайтириш кўзда тутилган.

«А.Лаффер эгриси» бўйича бюджетга солиқни келиб тушиши, солик ставкаси ва ишлаб чиқариш даражаси бир-бири билан боғлиқ. Солик ставкасини кўтариш Лаффер фикрича, солик тушуми ишлаб чиқаришни пасайиши ҳисобига кўпаяди.

Шу мактабни вакили М.Фелдстейн даромад солигини ставкасини 42% қилиб белгилади. Америкадаги солик ислоҳотининг муаллифи сенатор Бредли ва Р.Гефардт 30-35% ли даражани таклиф қилишди. М.Фридмен 25%гача туширди.

«Лаффер эгриси» бўйича солиқнинг мукаммал ставкаси Д.Кейнс кўрсатган 20% ва француз президенти Жискар Д'Эстен таклиф қилган 40% ўртасида бўлиши белгиланган.

Айрим давлатларда 1980-1990 йилларда ўтказилган солик ислоҳотлари натижасида солик ставкалари пасайтирилди: масалан, корпарация фойдасидан олинадиган солик 36% гача ва шахсий даромад солиги 47% гача туширилди.

Таклифлар иқтисоди, давлатни фаол фискал сиёсатига асосланган Кейнс концепцияси солик холислиги концепцияси билан алмаштирилди. Бу концепция асосида давлат иқтисодга тўғридан тўғри эмас, билвосита аралашиши ётади. (Катта солик солиқни барбод қиласди). Шу нуқтаи назардан, солик уни тўловчига оғир юк бўлмасдан, иқтисодни ривожлантириш учун қизиқтирувчи омил бўлиши керак, деб таъкидлаш мумкин.

Ҳар бир давлатда юқори солик ставкаси шароитида солик тўлашдан бош тортиш иқтисод субъектлари ўртасида нақд пул ҳисоб-китобларига ўтиш, фойдани яшириш каби муаммоларни туғдиради.

1970 йилларни охири ва 1980 йилни бошларида давлатларни «Солик босқинчилиги» даврида хуфиёна секторни обороти кескин ошганлиги қайд

этилди.

Айрим маълумотларга кўра ҳозирги кунда ҳуфиёна иқтисод соҳасида АҚШда ички ялпи маҳсулотнинг 15% и яратилади. Бунга ҳар тўрттадан битта ишловчи жалб қилинган. Рақамлар эътиборни ўзига тортиб, таклифлар иқтисоди ёндошувчилари паст солик ставкалари ҳуфиёна бизнес билан курашишни самарали қуроли деб ҳисоблайдилар.

Таклифлар иқтисоди тарафдорларини яна бир мақсади ҳар хил компания ва иқтисодиётни айрим тармоқларига солик енгилликларини беришни бекор қилиш, уларнинг фикрича, ёки юқори даражадаги солик кўп миқдордаги солик енгилликлари бериш, ёки паст соликлар солик енгилликларини бекор қилишга олиб келади.

1980 йилларни ўрталарида АҚШда корпоратив секторига берилган енгилликлар федерал бюджетни 1 млрд. доллар потенциал солик суммасини йўқолишига олиб келди. Бу кўрсаткич 1995 йили 2,5 млрд. долларни ташкил қилди.

Солик ислоҳотлари даврида бу енгилликлар нисбатан камайтирилди. Биринчилик, устунлик инвестицияга бериладиган солик енгилликлари учун сақланиб қолдирилди. Чунки бу енгилликлар келажакда компанияларни фойдасини оширади ва натижада давлатни солик даромадини кўпайтиради.

Солик ислоҳотлари ўтказилишига қарамай, иқтисодий ривожланган мамлакатларда солик олиш даражаси бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Корпорация фойдасидан олинадиган солик ставкаси 43% га (Италия ва Швейцария), шахсий даромад солиги бўйича эса (Финляндия ва Канада) 32%га фарқ қиласди.

Табиийки, бундай диспропорциялар А.Смит кўрсатганидек, капитал ва меҳнат ресурслари қулай солик иқлими яратилган мамлакатларга ўтиб кетади. Бу ўз навбатида капитал оқиб кетган давлатни иқтисодига салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатдан капитални «ҳайдаб чиқарувчи солик», даромад манбаларини, давлат ва бутун жамият даромадини муқаррар нобуд (исроф) қиласди.

Ҳозирги замон мисолида капитални «ҳайдаб чиқаришни» қуйидаги мисолларда кўриш мумкин. Фақат 1994 йили Франциядан 50 млрд. доллар капитал оқиб кетди ва асосан енгил солик солиш тартиби ўрнатилган давлатларга бориб жойлашди.

Россия федерацияси иқтисодини чет эл инвестициясига бўлган талаби 140 млрд. долларни ташкил қиласди. Ташки давлатларга ўтиб кетган Россияни «қочқин» капитали 100-300 млрд. доллар ҳисобида баҳоланган. Капитални «қочиб кетиши» фақат Россияни солик тизими эмас, балки солик омилларига ҳам боғлиқдир.

Жаҳон иқтисодида солик солиш даражаси турли хилларда бўлади.

Солик оғирлиги бўйича жаҳон мамлакатларини таҳминан икки гурухга бўлиш мумкин.

1. Юқори ставкаларда солик ундирувчи мамлакатлар
2. Муросасозлик (либерал) тартибида солик солиш давлатлари

Юқори даражада солиқ солувчиларга иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатлар киради. Фойдага солинадиган солиқ ва шахсий даромад солиғининг ставкалари 30-60%ни, фоиз, дивиденд, роялтига тақсимланган фойдага солинадиган солиқ 15-35% ни ташкил этади.

Бу давлатларда компанияларни ташкил қилиш маросими молиявий ҳисобот устидан назорат, солиқ қонунлари бузилганда жарима ва жиноий жавобгарликларга тортиш қаттиқ тартибда олиб борилади.

Иккинчи гурух - паст солиқ қўллаш ҳуқуқига эга мамлакатлар. Баъзида «солиқ гавани» (бандаргоҳи), «солиқ оазиси», «солиқдан ҳимояланган пана жой» деб ҳам аталади. Улар ўз навбатида З гурухга бўлинади.

1. Жисмоний ва юридик шахслардан тўғри солиқлар олинмайдиган юрисдикциялар. Буларни «тоза» солиқ бандаргоҳлари ёки солиқсиз юрисдикциялар деб ҳам юритилади.

Бу мамлакатларда компаниялар ва жисмоний шахсларни айрим даромади ва мулклари учун даромаддан олинадиган солиқ, фойдага солинадиган солиқ, мерос ва хадя қилинган моллардан, мулкдорчиликдан олинадиган солиқлар қўлланмайди.

Компаниялар ва жисмоний шахслардан бизнес олиб бориш учун қатъий белгиланган ҳар йилда олинадиган божлар, бир марталик рўйҳатга олиш йифимлари каби эгри солиқлар олинади. Эгри солиқ олиш даражаси юқори эмас. Масалан, Кариб регионида компаниялар учун ҳар йилги тўлов фақатгина шартли 100-1600 долларни ташкил қиласди. Бу ўз навбатида даромадидан солиқ тўловчиларга жуда қулай шароитни яратиб берилишини англаради. Катта даромад олиб, шартли суммани фақат рамзий сифатда тўланади. Тўғри солиқлар олинмайдиган давлатларга Андорра, Багам, Бермуд, Кайман ороллари, Науру, Вануату, Теркс, Кайкос, Фарер ороллари киради.

2. Паст даражали тўғри солиқ олинадиган юрисдикциялар.

Фойдага солинадиган солиқ, шахсий даромад солиғи ставкалари айрим гурух солиқ тўловчиларга 30% гача камайтирилиб қўлланилади, ва айрим ҳолларда солиқ ставкаси 10% дан ортмайди. Бу «солиқ оазис»ларида ставкаларни бошқа ҳудудларга нисбатан паст ставкада ўрнатилиши даромад олувчи солиқ тўловчиларни бу ерда солиқ қонунчилиги билан ўзаро «ҳисоб-китоб»ини ўз манфаатини кўзлаб амалга оширишига олиб келади. Ва яна бир бундан келиб чиқадиган хulosса шундаки, жалб қилувчи таъсирга эга бундай шароитлар шу регионларнинг турмуш даражасини ўсишига олиб келади. Чунки, бу шартлардан фойдаланиш учун кўп солиқ тўловчилар бу ерда ўз фаолиятларини қайд эттириб, ҳудудлар бюджетига оз-оздан катта маблағлар тушириб берадилар.

Бу гурухга Британия, Виргиния ороллари, Кипр, Гибралар, Венгрия, Истроил, Швейцария киради.

Бу гурухни яна, шу билан бир қаторда, ўзининг юридик ва жисмоний шахслари чет элдан оладиган даромадлари бўйича солиқдан озод қилинадиган давлатлар ташкил этади: Коста Рика, Гонконг, Либерия, Малайзия, Панама ва бошқалар киради.

3. Юқори солиқ ставкали юрисдикциялар.

Бу мамлакатларда айрим компанияларга солиқ устунлиги берилади. Айрим иқтисодий ривожланган мамлакатлар чет эл инвестициясини келтириш, ташқи иқтисодий алоқани рағбатлантириш учун шу билан шуғулланадиган компанияларга махсус солиқ олиш тартиби ўрнатадилар. Фойдадан олинадиган солиқ ставкасини тушириш енгиллиги билан бир қаторда, тақсимланадиган фойдадан олинадиган солиқ ставкалари ҳам пасайтирилади: Бельгия, Ирландия, Люксембург, Нидерландия давлатлари бунга мисол бўла олади.

Яна шуни кўрсатиш керакки, солиқ гаванларида давлатлар жисмоний ва юридик шахсларни соддалаштирилган солиқ ҳисботларини қўллайди, айрим давлатларда солиқ тўламаслик, даромадларни яшириш жиноий жавобгарлик ҳисобланмайди.

Жаҳон иқтисодиётида юқори даражада солиқ олувчи ва солиқ гаванлари ўртасида капитал қўйилма ва ишчи кучини қайтадан тақсим қилиш учун кескин ва қаттиқ конкуренция, кураш олиб борилмоқда.

Бугунги кунда хорижий мамлакатларда бизнес консалтинг, яъни маслаҳат хизматлари кўрсатиш соҳасида *follow-up support*, яъни тадбиркорларга доимий равища маслаҳат хизматлари кўрсатиб туриш усули тобора ривожланиб бормоқда. Бундай усулнинг кенг миқёсда ривожланиб боришига маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар сонини мунтазам равища кўпайиб бориши натижасида улар ўртасида рақобат қурашининг қучайиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хорижий мамлакатларда, хусусан, ривожланган давлатларда консалтинг хизматларининг бундай даражада ривожланиши солиқ маслаҳатининг ҳам ривожланишига олиб келмоқда.

Ривожланган мамлакатлар, жумладан, Япония, Жанубий Корея ва Германия сингари давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, солиқ маданиятининг юқори бўлиши жамоатчилик муносабатлари (Public Relations) нинг кенг миқёсда шаклланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Ушбу мамлакатлардаги солиқ хизмати органлари улардаги қўплаб компанияларда бўлгани сингари жамоатчилик билан ишлаш бўлимларига эга бўлишиб, бу ҳам ўз навбатида солиқ маслаҳатига оид хизматлар кўрсатишни акс эттиради. Нафакат солиқ хизмати органлари, балки тадқиқотимизнинг обьекти бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ҳам ўз ташкилий структураларида Public relations department, яъни жамоатчилик билан ишлаш бўлимларига эга бўлиши, бу улар томонидан кўрсатиладиган солиқ маслаҳати хизматларининг сифатини янада кўтарилишига имкон яратади.

Жанубий Кореяда эса Миллий солиқ хизмати таркибида солиқ тўловчиларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича алоҳида Марказ ташкил этилган бўлиб, унда солиқ тизимида камида 10 йил ишлаган ва етарли тажрибага эга бўлган ходимларнинг фаолият юритиши белгилаб қўйилган.

Хорижий мамлакатларнинг солиқ соҳасидаги тажрибасини умумийлаштирган ҳолда қуйидагиларни айтиш мумкин:

- хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини ташкил этишга интеграл тарзда ёндашилаётган бўлиб, бунда ҳам давлат ва ҳам хусусий мулк вакилларининг фаол иштироки намоён бўлади. Масалан, Ҳиндистонда ҳам давлат ва ҳам хусусий компаниялар томонидан солиқ маслаҳати хизматлари кўрсатилади. Мамлакатнинг кўплаб штатларида давлат томонидан ташкил этилган Солиқ маслаҳатчилари палаталари бўлиш билан бирга хусусий мулкдорларнинг ташабbusлари билан ташкил этилган Солиқ маслаҳатчилари палаталари ҳам фаолият кўрсатиб келишмоқда;

- хорижий мамлакатлар, хусусан ривожланган мамлакатлар ва бир қатор ривожланаётган мамлакатларда солиқ маслаҳати хизматлари давомийлик характерига эга бўлиб, бу солиқ маслаҳатчилари билан уларнинг мижозлари ўртасидаги ўзаро ишончли муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда ва ҳ.к.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини амалга ошириш тартиблари?
2. Ривожланган мамлакатларда солиқ маъмурчилигини амалга ошириш таҳлили.
3. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини самарали амалга оширишга таъсир этувчи омиллар

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

3. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини хукукий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognози va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

7. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘s Shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

8. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma’muriyatichiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘s Shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

9. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta‘minlashga doir qo‘s Shimcha chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘s Shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-son qonuni

10. Каримов И.А. Баш мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. ҳисобот

11. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 y. Emerald Group Publishing limited.

12. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011

13. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.

14. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.

15. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.

16. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: “Noshir”, 2012. 712-bet.

17. Вахобов А.В, Жўраев А.С. Соликлар ва солиққа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

БИРИНЧИ НАМУНА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Базаров Қ.Т.

**“Солик маъмурчилиги ва назорати” ўқув курсининг
“Фермер хўжаликларини солиқقا тортиш” мавзуси бўйича тайёрланган**

КЕЙС- СТАДИ

Кейс: «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигига бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .

I. Кейс

1. Фаннинг номи: “Солиқ маъмурчилиги ва назорати .

Мавзунинг номи: “Фермер хўжаликларини солиққа тортиш ” мавзусига мосланган кейс-стади.

2. Берилган кейснинг мақсади: Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини Хоразм вилояти Бофот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигининг ўтган-ҳисобот йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари асосида ҳисоблаймиз;

Кутилаётган натижалар: Фермер хўжалиги фаолиятини ўргангандан ҳолда, билимни чуқурлаштириш, ялпи маҳсулот яратиш учун сарфланган маблағларни миқдорини аниқлаш, ялпи маҳсулот миқдорини, таркибини, фойдаланиш даражасини ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлилини ўрганиб чиқиш ва берилган муаммоларни ечиш. Кейс муқаффақиятли ечиш учун талабалар **қуидаги натижаларга** эришишлари лозим: қишлоқ хўжалигига, турли мулк шаклларидағи хўжаликларда, минтақаларда ялпи маҳсулот миқдорини, уларнинг таркиби ва холатини, уларнинг харакатини аниқлаш, ялпи маҳсулотга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш.

3. Мазкур кейс институционал тизимнинг реал фаолият асосида ишлаб чиқилган;

4. Кейсда ишлатилган маълумотлар манбай қуидагилардан иборат: Хоразм вилояти Бофот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигининг ўтган-ҳисобот йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари асосида, ушбу корхонанинг низоми, Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигининг статистик маълумотлари.

5. Мазкур кейс дала тадқиқотлари асосида сюжетли тоифасига киради. Ҳолат бирлашманинг таҳлилий кўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг обьекти бўлиб: Хоразм вилояти Бофот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра” фермер хўжалигининг Хоразм вилояти Бофот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра” фермер хўжалигининг ҳисобланади. Ушбу кейс маълумотлар ва далиллар асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий ва катта ҳажмдаги кейс – стади ҳисобланади.

6. Дидақтик мақсадларга кўра кейс – таҳлилларни ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Шу сабабдан, кейс муаммосининг шаклланиши ва тузилиши унинг масаласининг ечимида алгоритм ва таҳлил асосида ишлаб чиқилган. Голограмма сифатида баъзи маълумотлар назарий жиҳатдан берилган бўлиб, қўшимча ахборотлар муаммоли ҳолатларни амалий машғулотларда ўз ечимларига эга бўлади.

Кейснинг афзалликларига қуидагилар киради: Ўқув дарсининг кейс – технология ўқитиши бўйича, талабаларнинг ўзи ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи “Ҳолатий таҳлил ва рақаси” мавжуд.

7. Ушбу кейс – “Мехнат статистикаси”, “Икроиқтисодий статистика ва МХТ”, фанларининг машғулотларида фойдаланиш мумкин.

КИРИШ

Республикамиз ҳукуматининг фаолият қўрсатаётган тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати ҳозирги вақтда, айниқса, қишлоқ жойларда иқтисодий инфраструктурани ишбилиармон тадбиркорлар томонидан такомиллаштириш ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун қуладай имкониятлар яратмоқда.

Кўп харажатлар талаб қилинишига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш тадбиркорлар олдида турган долзарб вазифалардан энг асосийси ҳисобланади.

Қўйидаги маълумотда Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалигининг иш фаолияти хақида асосий тушунчалар, дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибини ва фойдаланиш даражаси хақида ва бошқа маълумотлар берилган.

Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш айрим турлари натурада, умумий ҳажм ва таркиби пул қийматида ҳисобга олинади, чунки асосий фойдаларни пул қийматида ҳисоблаш шу хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдори, шунингдек, асосий фондларнинг етиштирилган маҳсулотларга ўтган қийматини аниқлаш имконини беради. Натижада дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий натижавий қўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мумкин бўлади.

Мазкур кейсда ушбу фермер хўжалигининг ҳисобланган ҳар бир қўрсаткичи мустақил иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, фермер хўжалигига ялпи ҳосилни яратиш учун сарфланган маблағ миқдорини аниқлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бухгалтерия ҳисобида дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланғич қийматида ҳисобга олинади. Шу билан бирга дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш турли вақтларда ҳосил қилинади, демак уларнинг баҳолари ҳам турлича булади. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий натижавий қўрсаткичлари экин турлари бўйича ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик тушунчаси, уларни ишлаб чиқаришнинг турли даврларида аниқлаш усусларини, турли экинларни ҳосилдорликни нобуд бўлиш даражаси ва уни сабаблари, нобуд бўлган ҳосил миқдорини ҳисоблашни, ялпи ҳосил миқдори ва унга таъсир қилувчи омилларни, ҳосилдорлик даражаси динамикасини ўрганиб ўзгариш хусусиятлари, яъни қонуниятни аниқлаш ва узоқ муддатда табиий омилларни таъсирини ўрганади.

Кейсда масаланинг ечими орқали қўйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- мазкур мавзу бўйича билимни чуқурлаштириш;
- индивидуал ва гурухларда муаммонинг ечими таҳлилини ва қарор қабул қилиш қўникмаларини ишлаб чиқиш;
- мантиқий фикр юритишни жонлантириш;
- мустақил қарор қабул қилиш қўникмаларига эга бўлиш;

- ўқув маълумотларни ўрганиш даражасини текшириш;
- ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўллари топиш.

1. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалигига иқтисодий тавсифнома

Ташкилотнинг манзили:

Фермер хўжалиги Хоразм вилояти, боғот туманида жойлашган бўлиб, 1998 йилдан бошлаб фаолият юритади.

Ташкилотнинг тўлиқ номланиши:

«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалиги.

Ташкилотнинг ташкил этилган иили:

Хоразм вилояти Боғот тумани Ҳокимининг 1998 йил 10 марта 234-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган.

Ташкилотнинг шакли:

«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалиги юридик шахс мақомига эга бўлиб, тумани Ҳокимининг 1997йил 22 марта 70-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган.

Ташкилотнинг фаолият тури:

«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалиги”

куйидаги маҳсулот турлари етиштириш билан шуғулланади:

1. Пахта
2. Буғдой
3. Шоли

Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари:

- ишлаб чиқаришни янада кучайтириш ва ҳалқаро миқёсда кенгайтириш;
- шаҳар аҳолиси ва маҳаллий аҳолини ўзининг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш;
- жойларда савдо шаҳобчаларини ташкил этиш ва қулай шароитда аҳолига кенг хизмат кўрсатиш;
- табиий дехқончилик маҳсулотларини кўпайтириш ва даромад олиш.

2. «ҚУРАМБОЙ БОБО НАБИРАСИ ТОҲИР-ЗУҲРА» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ


Ташкилотнинг бошқарув тузилиши:

«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалиги юридик шахс мақомига эга бўлиб, давлат томонидан бошқарилмайди. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалиги хусусий бўлганлиги сабабли, «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра” фермер хўжалиги 2000 йилда тасдиқланган ва Хоразм вилояти Боғот тумани Ҳокимининг 2000 йил 10 майидаги 305-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган низомининг V бандига асосан иш юритилади. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалиги низомининг V-17 бандида ёзилишича, «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалиги 18 (ўн саккиз) ёшга тўлган, қишлоқ

хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли хўжалик аъзоларидан бири раҳбарлик қилиши мумкин. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра » фермер хўжалиги раҳбариютидан ташқари маҳаллий ишсизлар сонини камайтириш мақсадида «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра » фермер хўжалиги яқин атрофдаги маҳалланинг 32 нафардан ортиқ аъзосини хўжаликда меҳнат қилишга жалб этган. Олинган 10 нафардан ортиқ ишчи кучини малакасини ошириш учун керакли чора-тадбирларни амалга оширилган бўлиб «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра » фермер хўжалиги иқтисодиётини кўтариш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардош ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш вазифаси бирлашма зиммасига олинган.

Чизма №1

Ташкилотнинг бошқарув шакли:
Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра » фермер хўжалигининг бошқарув шакли:



3. Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигининг дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳакида маълумот

3.1. Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўрганиш.

Қишлоқ хўжалиги статистикасида дехқончилиқда маълум экин майдонидан олинган бутун маҳсулот ялпи ҳосил деб аталади. Маълум бир турдаги экиннинг ўрта ҳисобда бир гектар майдонга тўғри келадиган маҳсулоти миқдори эса ҳосилдорлик деб аталади.

Экинларнинг ялпи ҳосилини (центнер ёки тонна ўлчовида) экин майдонини кенгайтириш ҳисобига экстенсив равишда ёки экиннинг ҳосилдорлигини ошириш – экин майдонидан интенсив равишда фойдаланиш йўли билан кўпайтириш мумкин. Маълумки, экин майдонларини узлуксиз кенгайтириб бўлмайди. Кўриқ ерлар очиш, ботқоқларни қуритиш ва бошқалар бечегара иш эмас. Шунинг учун экинларнинг ялпи ҳосилини ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтириш энг муҳим вазифадир.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосил ва ҳосилдорлиги дехқончилик тармоғининггина эмас, балки, умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш даражасининг кўрсаткичидир.

Экинларнинг ҳосили ва ҳосилдорлиги дехқончилиknинг ҳар томонлама ривожланишига боғлиқ. Хўжаликнинг табиий ва иқтисодий қулай шароитидан ташқари унинг ташкилий ишлари яхши йўлга қўйилган бўлса, айтайлиқ, ернинг самарадорлиги оширилса, мелиорация ҳолати яхши бўлса, минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланилса, техника ўз вақтида қўлланилса, ишда илғорларнинг тажрибаларига, илм-фан муваффакиятларига амал қилинса, экинларнинг ҳосилдорлиги ошади. Демак, ялпи ҳосил ҳам кўпаяди, халқимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини янада кўпроқ қондириш, саноатни хомашё билан янада яхшироқ таъминлаш имконияти кенгаяди. Ҳосилдорликни ошириш учун пахта-беда алмашлаб экинни ўзлаштириш ниҳоясига етказилиши, пахтанинг касалликларга бардош берадиган серҳосил навларини яратиш, ғўзани суғориш ва ҳосилни териш механизацияси даражаси оширилиши зарур.

3.2. Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий натижавий кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни статистик таҳлили

Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигига дехқончилик маҳсулотлари бўйича ялпи ҳосилни ўзгаришига таъсир этувчи омиллар бўйича омилли таҳлил қилиниши лозим.

«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигига дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилаган.

3.2.1-жадвал

№	Экин турлари	Үтган йил		Хисобот йил	
		майдони, га	хосилдорлик, ц/га	майдони, га	хосилдорлик, ц/га
		M_0	X_0	M_1	X_1
1	Бүгдой	35	36,4	36	37,0
2	Шоли	40	28,2	43	28,5
3	Макка дон учун	55	28	45	34
Хаммаси		130	---	124	---

«Қурамбай бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркиби ва ҳосилдорлиги ўзгариши таъсир қиласи. Бу таъсирни аниқлашда иқтисодий индекс усулидан фойдаланилади. Маълумки, ялпи ҳосил, экин майдони таркиби ва ҳосилдорликни умумий индекси бир турдаги экин турлари бўйича хисобланади.

4. Талабаларга бериладиган муроҷаза учун саволлар

- Ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари деб нимага айтилади?
- Ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш.
- Ялпи ҳосил динамикасининг статистик таҳлили.
- Ялпи ҳосил ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг индекслари.
- Экин майдонлари структураси индексини аниқланг ва мазмуинини тушунтиринг.

5. Талабалар учун услубий қўлланмалар

Муаммо:

«Қурамбай бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .

Вазифалар:

Жадвалларда келтирилган маълумотлар асосида қўйидаги кўрсаткичлар хисобланисин:

- Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.
- Ҳосилдорликнинг умумий индекси.
- Ўртача ҳосилдорлик индекси.
- Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
 - Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
 - Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.
- Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.
- Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

- a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.*

Ечиш алгоритми:

Бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркиби ва ҳосилдорлиги ўзгариши таъсир қиласи. Бу таъсирни аниқлашда иқтисодий индекс усулидан фойдаланилади. Маълумки, ялпи ҳосил, экин майдони таркиби ва ҳосилдорликни умумий индекси бир турдаги экин турлари бўйича ҳисобланади. Масалан, донли экинлар, сабзавот ва ем-хашак экинлари бўйича.

Масалани шартида донли экинлар майдони ва ҳосилдорлиги ҳақида маълумотлар берилган. Донли экинларни ҳосил ва ҳосилдорлиги ўзгариши ҳақидаги маълумотларни таҳлил этишда иқтисодий индекс усулидан фойдаланамиз.

Масалани биринчи шартида ҳосилдорликнинг алоҳида индексини ҳисоблаш сўралган. Бунинг учун ҳар бир экин тури бўйича ҳосилдорликни ўзгариши қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{Кузги буғдой: } i = \frac{X_1}{X_0}$$

$$\text{Шоли: } i = \frac{X_1}{X_0}$$

$$\text{Макка дон учун: } i = \frac{X_1}{X_0}$$

Масалани иккинчи шартида ҳосилдорликнинг умумий индексини ҳисоблаш сўралган. Буни ҳисоблашда қуидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_1}$$

$$I = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_1}$$

Масалани учинчи шартида ўртача ҳосилдорлик индексини ҳисоблаш сўралган. Буни бажариш учун қуидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} : \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} : \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

Ўртача ҳосилдорликни мутлақ ўзгаришини ҳисоблашда қуидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_x = \bar{X}_1 - \bar{X}_0$$

$$\Delta_x = \bar{X}_1 - \bar{X}_0$$

Шу жумладан:

а) Ўртача ҳосилдорликни, ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгаришини қўйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1}$$

$$\Delta_x = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1}$$

б) Ўртача ҳосилдорликни, экин майдонлари таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини қўйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

$$\Delta_x = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}.$$

Ялпи ҳосилнинг умумий индексини қўйидаги формуладан фойдала-ниб ҳисоблаймиз:

$$I_{xx} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_0}$$

$$I_{xx} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_0}$$

Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгаришини қўйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$\Delta_{xx} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0$$

$$\Delta_{xx} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0$$

Шу жумладан:

а) Ялпи ҳосилни ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қўйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{x_{xm}} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1$$

$$\Delta_{x_{xm}} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1.$$

б) Ялпи ҳосилни, экин майдони таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қўйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{x_{xm}} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0$$

$$\Delta_{x_{xm}} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0$$

Ҳисобланилган қўрсаткичлар асосида хulosha ёзилади.

Холатий таҳлилнинг варақаси

Таҳлил босқичининг номи	Таҳлил босқичининг мазмуни	Таҳлил босқичи	Баҳолаш мезонлари
1. Холатий таҳлил	1. Ҳолатнинг аниқ кўриниши ва масаланинг ҳал этилиши, ечилиши учун аниқ маълумотлар. 2. Ҳолатнинг энг муҳим хусусиятлари: Нима бўлмоқда? Ҳолатнинг натижаларини шаклланиши кандай?		1 – 0.5 балл 2 – 1 балл
2. Муаммонинг шаклланиши	Муаммода акс эттирувчи асосий хусусиятлар ҳисоблансин: <i>Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.</i> 2. Ҳосилдорликнинг умумий индекси. 3. Ўртача ҳосилдорлик индекси. 4. Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан: a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига. б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига. 5. Ялпи ҳосилнинг умумий индекси. 6. Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан: a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига. б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.		A) – 0.5 балл Б) – 0.5 балл В) – 1 балл
3. Ҳолатнинг иштирокчиларини аниқлаш	«Курамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер ҳўжалигининг иқтисодий тавсифномаси, иш фаолияти ва таркиби, бошқариш тизими		1 балл
4. Омилли таҳлил асосида ҳолатнинг ўрганиш	«Курамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер ҳўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши кай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .		2 балл
5. Ечимни ишлаб чиқиш	Масаланинг ечимини ҳал қилмоқ ва ишлаб чиқиш, махсулотга таъсир омиллар салбий ва ижобий таъсирини аниқлаб тегишли хulosса ва таклифлар ишлаб чиқиш.		2 балл

6. Ўқув - услугий материаллар

Маълумки, экинларнинг ҳосил ва ҳосилдорлиги ҳосил тамомила йиғиб олингандан сўнг аниқланади. Лекин статистика фани ҳосил ҳажми ва ҳосилдорлик миқдорини терим олдидан ҳам ҳар бир экиннинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб белгилайди. Ҳосил ва ҳосилдорликни аниқлашнинг уч категорияси бор:

1) ўсиб турган экиннинг кўринишига қараб белгилаш;

2) терим олдидағи ҳолатига қараб белгилаш;

3) ҳақиқий йиғилган ва омборга тушган ҳосил. Ўсиб турган экиннинг ҳолатига қараб ҳосил белгилаш, деганда экин етилишидан анча олдин ўсиш даврларида, айтайлик, пахта беш қулоқ бўлганида ёки кўсак олганда, дон эса бошоқ тортганида ёппа ўсимликларнинг ҳолатига қараб кутилган ҳосил ва ҳосилдорликни аниқлаш кўзда тутилади. Бу ишни ҳосилотчи ва бўлим

бошлиғи күз билан чамалаб «яхши», «ўртача», «ёмон» баҳо билан ёки 1, 2, 3, 4, 5 балл баҳоси билан белгилайдилар.

Экиннинг терим олдидаги ҳолатига қараб аниқлаш, деганда пишиб етилган, лекин ҳали териilmagan, омборга тушмаган ҳосил назарда тутилади.

Ўсимликнинг бу ҳолатдаги ҳосил ва ҳосилдорлиги:

а) субъектив метод билан, яъни ҳосилни йифишдан олдин майдонни диққат билан қараб чиқиб ҳосил ва ҳосилдорлик күз билан чамалаб аниқланади;

б) экин пишиб, теримга ва ўришга тайёр бўлган вақтда кичик бир жой, айтайлик, 1 м² жой ажратиб, ундаги ҳосил териб олинади ва тарозида тортиб кўриб қанча чиқса, шу сон мингга кўпайтирилади ва шу билан 1 га майдондаги ҳосилдорлик аниқланади. Ялпи ҳосилни аниқлаш учун 1 га нинг ҳосили шу экин экилган умумий майдон ҳажмига кўпайтирилади. Бу объектив методdir. Ҳосилнинг тамомила йифиб олинмасдан олдин терим бошида аниқланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш, қайта ишлаш, ташиб олиш ва х. к. ларни режалаштириш учун зарурдир;

в) ҳақиқий йифилган (омборга тушган) ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткичи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини ифодалайди.

Табиий, ҳосил ва ҳосилдорликнинг аввалги тахминий ҳисоблари билан йифим-терим томонидан қилинган ҳисоблар ўртасида тафовут бўлади.

Кўрсаткичлар орасидаги тафовут қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$W_x = W_t - P,$$

W_x – ҳақиқий йифилган ҳосил.

W_t – ҳосилни теримга тайёр бўлган ҳолда аниқлаш кўрсаткичи.

P – йифим-терим вақтида ҳосилнинг йўқотилган (нобуд бўлган) қисми.

Ҳозир статистика омборга тушган ҳосилга қараб ҳисбот юритади. Негаки, тахминий белгилаш усули ўзини оқламади, кейин йифим-терим даврида нобудгарчилик учун хўжаликлардан жавобгарлик ҳам талаб қилинmas, аслида нобудгарчилик олдиндан белгиланиб қўйилар эди. Эндиликда ҳақиқий ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткичи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Ҳосилни аниқлаш пайтида айрим экинларнинг баъзи хусусиятларини назардан қочирмаслик керак. Масалан, дони учун экилган жўхори дон экини қаторида ҳисоб қилинса, силос ва кўк хашак учун экилган жўхори-хашак қаторида ҳисоб қилинади, жўхори ҳосили йифиб олингандан кейин сўта ҳолида тортиб ҳисобланади; қуруқ донга чиқиб ҳисоб қилиш учун сўтадан ажратилган донларнинг ҳақиқий оғирлиги асос бўлади, донларнинг базис намлиги (22%) чиқариб ташланади.

Сабзавот экинларидан шивит, кашнич, петрушка, редиска каби илдиз мевалиларнинг факат очик ерга экилганлари ҳисобга олинади, кўчириб ўтказилганлари ва уруғлик учун экилганлари сабзавот маҳсулотлари қаторига киритилмайди, улар алоҳида ҳисобланади.

Ширкатлар ва бошқа давлат хўжаликлари қишлоқ хўжалиги экинларининг йифим-терим ҳисоби учун йифим-терим техникаларида ишловчи

механизаторларнинг терган ёки ўриб олган маҳсулоти тўғрисидаги кундалик ҳисобот варакалари, маҳсулот қабул қилинганилиги ҳақидаги актлар ва шу каби бошқа бошланғич хужжатлар асос қилиб олинади. Йифим-терим тамом бўлганидан кейин ширкат ва бошқа давлат хўжаликлари мазкур хужжатлар асосида экинларнинг ҳосили ҳақида ҳисобот тузадилар. Бу ҳисоботда экин турлари бўйича олинган ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик ҳақида маълумотлар кўрсатилган бўлади. Маълумки, баъзи хўжаликлар ҳисобот топшириш муддатигача барча ҳосилни йиғиб-териб улгурмайдилар. У ҳолда йиғиб, улгурилмаган майдондаги ҳосилни ҳисоб методи билан аниқлаб, йиғиб олинган ҳосил миқдорига қўшиб жами ялпи ҳосилни ҳисоботга ёзадилар.

Туманинг экин майдони 12000 га тенг бўлиб, шундан 1 ноябргacha 10000 гектаридаги ҳосил йиғиб олинib, жами 250000 центнер маҳсулот олинган. Маҳсулотнинг барча ҳосилорлиги 250000:10000га=25 центнер бўлибди. 2000 гектар майдондаги ҳосил ҳисобот муддатигача йиғилмай қолган, ўтган йили ҳисобот муддатига қадар бир гектар майдондан 24 центнер маҳсулот олинган эди. Ҳисобот муддатидан кейин эса бир гектарга тўғри келган ҳосил 21 центнер бўлди. Бунинг коэффициенти (21:24) 0,875 ц дир. Энди бу коэффициент ёрдамида шу йили ҳисобот муддатидан сўнг ҳосил йиғиб олинадиган майдоннинг бир гектарига тўғри келадиган маҳсулотни (ҳосилорлигини) ҳисобласак, $25 \text{ ц} \times 0,875 = 21,9 \text{ ц}$ бўлар экан. Ҳисобот муддатидан сўнг ҳосил йиғиб олинадиган 2000 га майдоннинг жами маҳсули $(2000 \times 21,9) = 43800 \text{ ц}$ бўлади. Демак, туманинг бутун экин майдонидан йиғиб олинадиган ялпи ҳосил $(250000 + 43800) = 293800 \text{ ц}$ ни, ўртача ҳосилорлик эса $(293800 : 12000) = 24,48 \text{ ц}$ ни ташкил қиласар экан.

6. КЕЙСОЛОГНИНГ ЖАВОБ ВАРИАНТИ

Донли экинларни ҳосил ва ҳосилорлиги ўзгариши ҳақидаги маълумотларни таҳлил этишда иқтисодий индекс усулидан фойдаланамиз.

1.Ҳосилорликнинг алоҳида индекси бўйича ҳар бир экин турининг ҳосилорлигини ўзгариши қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{Буғдоj: } i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{37}{36,4} = 1,016 \text{ ёки } 101,6 \%$$

$$\text{Шоли: } i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{28,5}{28,2} = 1,010 \text{ ёки } 101,0 \%$$

$$\text{Макка дон учун: } i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{34}{28} = 1,214 \text{ ёки } 121,4 \%$$

2.Ҳосилорликнинг умумий индексини ҳисоблашда қўйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_1}$$

$$I = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_1} = \frac{28,5 \cdot 43 + 37 \cdot 36 + 34 \cdot 45}{28,2 \cdot 43 + 36,4 \cdot 36 + 28 \cdot 45} = \frac{1226 + 1332 + 1530}{1213 + 1310 + 1260} = \frac{4088}{3783} = 1,081 \text{ ёки } 108,1 \%$$

3. Ўртача ҳосилдорлик индексини ҳисоблаш учун қуидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} : \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} : \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0} = \frac{4088}{124} : \frac{40x28,2 + 35x36,4 + 55x28}{130} =$$

$$= \frac{4088}{124} : \frac{3942}{130} = 32,9 : 30,3 = 1,086 \text{ ёки } 108,6 \%$$

4. Ўртача ҳосилдорликни мутлақ ўзгаришини ҳисоблашда қуидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_x = \bar{X}_1 - \bar{X}_0$$

$$\Delta_x = \bar{X}_1 - \bar{X}_0 = 32,9 - 30,3 = 2,6 \text{ ц/га ошган.}$$

Шу жумладан:

4.1. Ўртача ҳосилдорликни, ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгаришини қуидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1}$$

$$\Delta_x = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} = \frac{4088}{124} - \frac{3783}{124} = 32,9 - 30,5 = 2,4 \text{ ц/га ошган.}$$

4.2. Ўртача ҳосилдорликни, экин майдонлари таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини қуидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

$$\Delta_x = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0} = \frac{3783}{124} - \frac{3942}{130} = 30,5 - 30,3 = 0,2 \text{ ц/га ошган.}$$

5. Ялпи ҳосилнинг умумий индексини қуидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$I_{ax} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_0}$$

$$I_{ax} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_0} = \frac{4088}{3942} = 1,037 \text{ ёки } 103,7 \%$$

6. Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгаришини қуидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$\Delta_{ax} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0$$

$$\Delta_{ax} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0 = 4088 - 3942 = 146 \text{ центнер.}$$

Шу жумладан:

6.1. Ялпи ҳосилни ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{ахм} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1$$

$$\Delta_{ахм} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1 = 4088 - 3783 = 305 \text{ центнер.}$$

6.2. Ялпи ҳосилни, экин майдони таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{ахм} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0$$

$$\Delta_{ахм} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0 = 3783 - 3942 = -159 \text{ центнер.}$$

Хулоса.

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигида ҳисобот йил ўтган йилга нисбатан дон ишлаб чиқаришда маълум ўзгаришлар бўлган. Ҳосилдорлик буғдойда 1,6%, шоли бўйича 1 % га, макка дони 21,4% га ошган.

«Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигида экилган донли экинларни умумий ҳосилдорлиги 8,1% га ошган, шунинг ҳисобига ўртача ҳосилдорлик индекси 8,6% га ошган, чунки ўртача ҳосилдорликни мутлақ қиймати 2,6 ц/га га ошган. Бу ошишни омиллари қуйидагилар: ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига ўртача ҳосил-дорлик 2,4 ц/га ошган, экин майдони таркиби ўзгариши ҳисобига ўртача ҳосилдорлик 0,2 ц/га ошган. Натижада ўртача ҳосилдорликни умумий мутлақ ўзгариши 2,4ц/га + 0,2ц/га = 2,6 ц/га бўлган.

«Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигида йиғиб олинган ялпи ҳосил 3,7% га ёки 146 центнерга кўпайган. Ялпи ҳосилни кўпайиш омиллари қуйидагилар: ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига ялпи ҳосил 305 центнерга ошган, экин майдони таркибини ўзгариши ҳисобига ялпи ҳосил -159 центнерга камайган. Натижада ялпи ҳосил 305ц + (-159ц) = 146 ц га ошган.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини тўла ва мукаммал тарзда аниқлаш учун тўла имконият мавжуд эмас. Чунки фермер хўжаликларида кўпгина меҳнат ва моддий харажатлар тўла ҳисобга олинмайди. Шунинг учун ҳам фермер хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини бошқа хўжаликлар билан солиширганда ердан фойдаланиш самарадорлиги, яъни бир гектар ёки бир балл-гектар ҳисобига олинган маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

8. Амалий машғулотларда муаммоли ҳолатларни ечиш бўйича (кейс ўқитиши технологияси)

<i>Мавзу</i>	<i>Товар ассортименти стратегиясини ишлаб чиқиши</i>
<i>Талабалар сони:</i> 25 –30	<i>Вақти</i> 4 соат
<i>Ўқитиши шакли</i>	<i>Амалий машғулотда муаммоли ҳолатни ечиш орқали билимни чукурлаштириши.</i>
<i>Амалий машғулот режаси</i>	<p>1. Кейс – стадига кириш ва назарий жихатдан ёритиб бериш.</p> <p>2. Билимни чукурлаштиришининг ва муаммонинг долзарблиги.</p> <p>3. «Курамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер хўжалигига бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртacha ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .</p> <p>4. Муаммонинг шаклланиши ва уни ечиш йўллари.</p> <p>5. Кейс – стадини гурухларда ечиш.</p> <p>6. Дискуссия орқали муаммоли ҳолатни ечиш foяларини кўриб чиқиши.</p> <p>7. Энг муқобил вариантини танлаш ва натижаларни презентация килиш.</p> <p>8. Гурухларнинг ишлаш фаолиятини ва мақсадга эришилганлик натижаларини баҳолаш ва хулоса чиқариш.</p>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртacha ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши таъсирини аниқлаш.
<i>Педагогик вазифалар:</i> Муаммоли ҳолатнинг хусусиятларини тавсифлаб ва таснифлаб беради: <ul style="list-style-type: none"> • Кейсда бирлашманинг фаолияти ва асосий воситалар ҳолати билан таништиради ва таҳлил қиласи; • Муаммони ажратиш ва уни аниқлаб, ечиш кетма - кетлигини ишлаб чиқишини ўргатади; • Кейсда муаммонинг маълумотларини бошқарув ва ишлаб чиқаришини тизимини яхшилаш учун хисоб - китоблар ўтказадилар, ҳамда якуний хулосалар чиқаридилар; 	<p><i>Ўқув фаолиятнинг натижалари:</i></p> <p>- Фермер хўжалигининг фаолияти ва ҳолатини ўрганган ҳолда муаммони аниқлайди ва фермер хўжалигига таалуқли муаммоларни тавсифлаб берадилар;</p> <p>-Муаммоли ҳолатнинг кўнимкаларини ва унинг шаклидаги кичик муаммоларнинг иқтисодий асосланган ечимларини ишлаб топмоқ;</p> <p>Фермер хўжалигининг фаолиятини хисобга олган ҳолда муаммони ечилишнинг кетма – кетлигини аниқлайди;</p> <p>- Иқтисодий кўрсаткичлар билан ишлаш йўлларини, башорат қилиш, статистик маълумотлар таҳлили билан ишлаб чиқариш йўлларини оптимал вариантини танлайди ва мазкур фермер хўжалигининг хўжалигига бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртacha ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини аниқлайди;</p>
<i>Ўқитиши услуби</i>	Кейс-стади услуги савол-жавоб, муаммоларни ечиш
<i>Ўқитиши шакли</i>	Амалий машғулотда фронтал ва индивидуал ишлаш, гурухларда ишлаш.
<i>Ўқитиши воситалари</i>	Маърузалар матни, ўкув дафтарлари, намоён материаллар (маърузачи томонидан презентация-слайд), лазер проектори, компьютер технологиялари, график органайзерлар (схемалар, расмлар, жадваллар),
<i>Ўқитиши шартлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган гурухлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	мустакил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Ишнинг босқичлари ва вакти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Тайёрлов кисми (10 мин)	<p>1.1. Мазкур кейснинг мутахассислик йўналишига таъсирини тушунтиради ва танишитиради;</p> <p>1.2. Машғулотнинг номини, ўтказиш жараёнини, режалаштираётган мақсад ва натижаларни эълон қиласди.</p> <p>1.3. Ўрганиб чиқиш учун кеистга таалуқли кўлланмалар ва тарқатма материаллар тарқатади.</p> <p>1.4. Таклиф этилган «Ўоракхл» бирлашмасининг фаолияти билан танишитиради.</p> <p>1.5. Мустақил ишлаш учун, ҳолатий таҳлил варакасини тарқатади.</p> <p>1.6. Гурухларда ишлаш инструкциясини тушунтириб ўтади.</p>	Тинглайдилар ва ёзib оладилар
2-босқич Асосий кисм (130 мин)	<p>2.1. Назарий ва амалий томондан таққосланган янги материални ўрганишнинг ташкил қиласди. Бунинг учун киска тарзда бирлашмаларда хўжалигида бир турдаги экинлар ялпи хосили ва ўртача хосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир килганлигини ўрганиш хисоблаш борасида, қилинадиган ишлар ҳакида назарий жиҳатдан гапириб беради. Бу эса амалий машғулотнинг режасига асосланбіш, экранда жадваллар, чизмалар, расмлар тарикасида кўрсатилади ва у шарҳланади.</p> <p>2.2. Фермер хўжалигининг ҳолати билан музокарани ташкиллаштиради ва куйидаги машғулотнинг асосий саволларига амалиёт билан боғлаган ҳолда жавоб беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> 1. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалиги бу даражага эришиш сабабларини айтинг ва у маркетингнинг қайси элементларидан доимий ҳолда фойдаланади? 2. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалиги мақсадли сегментлари ҳакида гапириб беринг. 3. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалиги шаклланётганда қандай муаммоларга дуч келган? <p>2.3. Талабаларни гурухларга бўлади ва гурухларда ишлаш жараёнини эслатади. Кейс билан ишлаш учун индивидуал ёки гурухларда ишлаш жараёни учун топшириклар беради.(1-илова Жамоа ишлаб чиккан ҳолатий таҳлил варакасини тўлдирадилар, муқобил ғояларни танлаб оладилар ва баҳолайдилар.</p> <p>2.4. Ўкув фаолиятига маслаҳат беради ва йўналтиради. Индивидуал ва жамоа иш фаолиятини “ҳолатий таҳлил варакасини” текширади ва баколайди.</p> <p>2.5. Презентацияни ташкиллаштиради, муҳокама қиласди ва ўзаро баколайди.</p> <p>2.6. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигининг фаолияти тўғрисида саволлар беришни тавсия этади. (Натижавий ҳолда «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалиги вакилининг жавобларини машғулотнинг режасига мос равишда амалиётта боғланганлигини кенгайтириб хулоса қиласди. Шу боисдан «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигининг имкониятлари қандай ва келажакда факат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадими?</p> <p>йўлларини кўрсатади</p> <p>2.7. Жавобларни текшириб, баҳо беради ва муҳокама қиласди. Муаммонинг таҳлили ва холатнинг ечимига алоҳида эътибор беради. 2-илова)</p> <p>2.8. Кейснинг ўз ечим вариантини эълон қиласди ва намойиш қиласди.</p>	<p>Эшигдилар, конспектларда киска тарзда ёзib борадилар.</p> <p>Саволлар жавоб беришади ва дафтарларига ёзib борадилар. Саволларни аниклайдилар, муҳокама қиласдилар ва тушунмаган жойларини сўрайдилар.</p> <p>Ўкув топширикларни бажарадилар.</p> <p>Гурухлар натижаларнинг презентация қиласдилар. Дискуссияда катнашадилар, саволлар берадилар ва ўзаро баўолайдилар.</p>
3-якуний босқич (20 мин)	<p>3.1. Натижаларга якуний хулосалар қиласди, талабаларнинг эътиорини асосий нукталарга қаратадилар, хулосалар қиласдилар ва баўолайдилар.</p> <p>3.2. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигининг фаолиятини таҳлил килиш талабаларнинг йўналишларига ва бўлажак қасбларига таъсирини англатиб ўтади.</p> <p>3.3. Мустақил таълим учун вазифа беради: Амалиётни назарияга боғлаган ҳолда бирон-бир корханани мисол қилинг ва бу семинар дарсида муҳокама қилинишини айтиб ўтади.</p>	

1-илова

Кейс билан ишлаш учун гурухларда ишлаш жараёни учун топшириқлар берилади:

1-гурӯҳ.

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Умид» фермер хўжалигида дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилаган.

№	Экин турлари	ўтган йили		ҳисобот йили	
		майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га	майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га
		M_0	X_0	M_1	X_1
1	Кузги буғдой	510	43	536	39
2	Бахорги буғдой	154	13	186	16
3	Бахорги арпа	67	15	52	19
4	Нўҳат	17	13	13	9
5	Шоли	96	42	112	46
6	Макка дон учун	38	28	29	34
	Ҳаммаси				

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қуийдаги кўрсаткичлар ҳисобланилсин:

- 1.Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.
- 2.Ҳосилдорликнинг умумий индекси.
- 3.Ўртача ҳосилдорлик индекси.
- 4.Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
 - а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.*
 - б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.*
- 5.Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.
- 6.Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
 - а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.*
 - б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.*
 - в) Ҳосилдорлик ва экин майдонлари таркибини ўзгаришини биргаликдаги таъсири ҳисобига.*

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида хулоса ёзинг.

2-гурӯҳ.

Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги «Ибодулла-ота» фермер хўжалигида дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилаган.

№	Экин турлари	ўтган йили		ҳисобот йили	
		майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га	майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га
		M_0	X_0	M_1	X_1
1	Кузги буғдой	245	39	265	34
2	Бахорги буғдой	64	11	66	12
3	Бахорги арпа	42	17	34	19
4	Нўҳат	14	16	15	15
5	Шоли	46	39	56	42
6	Макка дон учун	38	35	42	29
	Ҳаммаси				

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қуидаги кўрсаткичлар хисобланилсин:

- 1.Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.
- 2.Ҳосилдорликнинг умумий индекси.
- 3.Ўртача ҳосилдорлик индекси.

4.Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

- a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
- b) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.

5.Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.

6.Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

- a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
- b) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.

в) Ҳосилдорлик ва экин майдонлари таркибини ўзгаришини биргаликдаги таъсири ҳисобига.

Хисобланилган кўрсаткичлар асосида хулоса ёзинг.

3-гурух.

Тошкент вилояти Оққўргон туманидаги «Гулбоғ» фермер хўжалигига дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилаган.

№	Экин турлари	ўтган йили		хисобот йили	
		майдони, га	ҳосилдорлик, п/га	майдони, га	ҳосилдорлик, п/га
		M_0	X_0	M_1	X_1
1	Кузги буғдой	265	38	270	39
2	Бахорги буғдой	74	12	66	13
3	Бахорги арпа	50	15	42	16
4	Нўхат	8	14	10	15
5	Шоли	56	36	64	34
6	Макка дон учун	28	32	32	29
	Ҳаммаси				

Жадвалларда келтирилган маълумотлар асосида қуидаги кўрсаткичлар хисобланилсин:

1.Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.

2.Ҳосилдорликнинг умумий индекси.

3.Ўртача ҳосилдорлик индекси.

4.Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

- a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.

б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.

5.Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.

6.Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

- a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.

б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.

в) Ҳосилдорлик ва экин майдонлари таркибини ўзгаришини биргаликдаги таъсири ҳисобига.

Хисобланилган кўрсаткичлар асосида хулоса ёзинг.

4-гурх.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Т.Нормухаммедов» фермер хўжалигида дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилган.

№	Экин турлари	ўтган йили		хисобот йили	
		майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га	майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га
		M_0	X_0	M_1	X_1
1	Кузги буғдой	375	39	390	41
2	Баҳорги буғдой	86	41	92	11
3	Баҳорги арпа	46	16	42	12
4	Нўҳат	16	18	14	16
5	Шоли	95	42	98	44
6	Макка дон учун	35	31	32	28
Хаммаси					

Жадвалларда келтирилган маълумотлар асосида қуидаги кўрсаткичлар хисобланилсин:

- 1.Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.
- 2.Ҳосилдорликнинг умумий индекси.
- 3.Ўртача ҳосилдорлик индекси.
- 4.Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
 - a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
 - б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.
- 5.Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.
- 6.Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
 - a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
 - б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.
 - в) Ҳосилдорлик ва экин майдонлари таркибини ўзгаришини биргаликдаги таъсири ҳисобига.

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида хulosса ёзинг.

2-илова

Гурӯҳларнинг ишлашини баҳолаш жадвали

Гурӯҳ	Баҳолаш мезонлари	
	Презентация (мазмуни, маъноси ва хulosаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қоникарли – 1 балл Қоникарсиз – 0,5	Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қоникарли – 1 балл Қоникарсиз – 0,5 балл
1.		
2.		

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. Солиқ амалиётида юридик шахсларнинг фойдасига солиги объекти кандай хусусий хужжат асосида аниқланади?**
 - A. Корхона ,устави
 - B. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси
 - C. Корхона баланси
 - D. Махсулот харажати таннархи ва молиявий фаолият якуни тугрисидаги хисобот бўйича Вазирлар Махкамаси томонидан 1999 йил 5-феврал 54-сон карори билан тасдикланган низом.
- 2. Юридик манзилгоҳи ўзгарганда корхона неча кун ичида солиқ идораларини хабардор қилиш керак?**
 - A. 3 кун ичида
 - B. 1 ой ичида
 - C. 1 йил ичида
 - D. 10 кун ичида
- 3. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиқса тортиш объектини кўрсатинг.**
 - A. Фойда
 - B. Даромад
 - C. Ялпи тушум
 - D. Ялпи даромад
- 4. Ўзбекистон Республикасида ягона ижтимоий тўлов қачон жорий қилинган?**
 - A. 1998 йил 1 январ
 - B. 1995 йил 1 январ
 - C. 1992 йил 1 январ
 - D. 2004 йил 1 январ
- 5. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар қандай манбаларидан солиқ тўлайдилар?**
 - A. Ўзбекистон Республикасидан ташкаридаги фаолиятлари манбаларидан
 - B. Ўзбекистон Республикасида олган манбаларидан
 - C. Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташкаридаги фаолиятлари манбаларидан
 - D. Солиқ тўлўвчининг хошишига кўра тўланади
- 6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Конуни қачон қабул қилинган?**
 - A. 1991 йил 15 февралда
 - B. 1997 йил 24 апрел
 - C. 1997 йил 29 август;
 - D. 1992 йил 27 октябрда
- 7. Солиқ ставкаларини қайси ваколатли давлат органи белгилайди?**
 - A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси
 - B. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси

- C. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
- D. Ўзбекистон Республикаси Давлат соли? кўмитаси ва Молия вазирлиги

8. Қуидагиларнинг қайси бири солиқ объекти бўла олади?

- A. Корхона ва ташкилотларнинг смета режаси
- B. Корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижаси
- C. Кредиторлик карзлари
- D. Бюджет субсидиялари

9. Молиявий жазо чоралари ва хисобланган пенялар суммалари жами даромаддан чегириладими?

- A. Чегирилади
- B. Чегирилмайди
- C. қисман чегирилади
- D. Фақат солиқни тўлаш муддати бўйича хисобланган пенялар

10. Ўзбекистон Республикаси солиқقا тортишнинг хуқуқий асослари таркибига нималар киради (тоғри жавобни белгиланг)

- A. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси;
- B. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги далолатномалари;
- C. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида кўзда тутилган меъёрий-қуқуқий хужжатлар;
- D. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Президент Фармон ва қарорлари, вазирликлар ва муассасалар ё`риқномалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарорлари;

11. Солиқ тўловчига маъмурий жарима ким томонидан қўлланиши мумкин(тоғри жавобни белгилан)?

- A. Суд;
- B. Солиқ хизмати органлари;
- C. Солиқ хизмати органлари, прокуратура органлари ва суд;
- D. Прокуратура органлари;

12. Юридик шахсни ташкил етиш ва рўйхатдан ўтишда солиқ тўловчининг асосий мажбурияти?

- A. Белгиланган тартибда солиқ органларидан рўйхатдан ўтиш, юридик манзил ўзгарганда ёки қайта рўйхатдан ўтилган ўн кун муддат ичida уларга хабар қилиш;
- B. Тўланиши лозим бўлган солиқ ва йифимларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш;
- C. қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия хисоби ва ҳисбот хужжатларини юритиш;
- D. қонунчиликда белгиланган тартибда молиявий ҳисботларни, солиқлар бўйича хисоб-китобларни ёки даромад хақидаги декларацияни солиқ органларини тақдим етиш.

13. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва акциз маркаси билан маркаланган товар учун ишлатилган акциз маркасининг номинал қиймати:

- A. Акциз солиғининг хисобига тўланган хисобланади;
- B. Акциз солиғининг хисобига тўланмаган деб хисобланади;
- C. Аввал акциз солиғининг хисобига тўланган деб хисобланади ва ундан сўнг чегириб ташланади;
- D. қисман акциз солиғининг хисобига тўланган деб хисобланади;

14. Ўзбекистон Республикаси худудида қандай товарлар акциз солиғига тортилади?

- A. Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқарилган;
- B. Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилинган;
- C. Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилинган;
- D. Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқарилган хамда импорт ва экспорт қилинган;

15. Юридик шахс ўз фаолиятида рўйхатдан ўтган тумандан бошқа тумандаги сув ресурсларидан фойдаланганида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тартиби.

- A. Рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органига
- B. Сув етказиб берувчига
- C. Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олиниш жойидан қатъий назар сувдан фойдаланиш жойдаги солиқ хизмати органига
- D. Рўйхатдан ўтган давлат солиқ хизмати органи билан сувдан фойдаланиш жойдаги солиқ хизмати органига келишувига мувофиқ

16. Солиқ тўловчилар билан ўзаро муносабатларда янги шаклларни жорий қилиш нечанчи йилларда бошланди ва такомиллаштирилди

- A. 1991- 2011
- B. 1997-2000
- C. 2006 ва 2011-2012
- D. 2000

17. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчиларни аникланг.

- A. Юридик шахслар
- B. Жисмоний шахслар
- C. Юридик ва жисмоний шахслар
- D. Фойдали қазилмалар қазиб олувчи юридик ва жисмоний шахслар

18. Қайси жавобда мол-мулк солиғининг солиқса тортиш обьекти берилган?

- A. Асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли ижрага олинган воситалар
- B. Номоддий активлар
- C. Капитал кўйилмалар
- D. Пул маблағлари

19. Ер солиғини жорий етишдан мақсад нима?

- A. Давлат бюджетини молиявий ресурс билан таъминлаш
- B. Давлат бюджетини молиявий ресурс билан таъминлаш ва ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш
- C. Ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рагбатлантириш
- D. Махаллий бюджет даромадларини молиявий ресурс билан таъминлаш

20. «Солик органлариға солик ва молия ҳисоботларини электрон кўринишда Интернет тармоқи орқали топшириш» ягона тизими нечанчи йилдан фойдаланишга топширилди

- A. 1991
- B. 1997
- C. 2006
- D. 2000

21. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни кимлар тўлайди?

- A. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар
- B. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар
- C. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар
- D. Барча юридик ва жисмоний шахслар

22. Қўшилган қиймат солиги Ўзбекистон Республикасида качон жорий этилган?

- A. 1991 йил 15 февралдан
- B. 1992 йил 1 январдан
- C. 1993 йил 6 майдан
- D. 1995 йил 1 январдан

23. Солик кодекси качон кабул килинган ва жорий этилган?

- A. 1996 йил 15 феврал – 1996 йил 1 март
- B. 1997 йил 24 апрел- 1998 йил 1 январ
- C. 1997 йил 15 декабр – 1998 йил 1 январ
- D. 1998 йил 24 апрел – 1999 йил 1 январ

24. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик объектини аниқланг?

- A. Ер усти манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг хажми
- B. Ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг хажми
- C. Ер усти ва йер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг хажми
